

— Тоғбегиликни ҳақиқий безлик деса бўлади. (Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги назоратчиси Абдуқайом ҲАКИМОВ).

شمالستان

ГУЛИСТОН

11
1991

Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги жамоаси меҳнатда яхши ютуқларни қўлга киритаётир. Суратларда: хўжалик бош директори С. Жумабоев; бузоқбоқар Каромат Мавлонова; илғор соғувчи Шоҳида Холиқулова; хўжалик сут фермаси ишчилари.

Сураткаш Р. Нуринбоев



Эркин диёр, озод диёр...

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҚИММАТИ

Иигирманчи аср охирлаб борапти. Тараққиёт барча соҳаларда юксак даражада ривожланди. Кўпгина халқларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси ҳавас қилгудек. Тўғриси айтганда, ўзга халқларнинг карвони анча олислаб кетди. Афсуски умумбашарият тараққиётига ўз вақтида муносиб улуш қўшган ўзбек халқининг бугунги тақдири аянчли аҳволда. Бунга сабаб марказлашган тоталитар режимнинг

Афғонистон, Курия, Жобарқо каби мамлакатлар билан тенг даражада эди. Аммо зўронлик билан экспорт қилинган инқилоб халқимизни миллий ўзлигидан жудо қилди. Натижада фақат марказнинг йўриғида юрган ўзбек ва Иттифоқ таркибидаги бошқа халқлар таназзул сари юз бурдилар. Охир-оқибатда халқимиз ўзи емай бировларга едирувчи, ўзи киймай бировларни кийдирувчи, алкасини роҳати йўри

мустақил мамлакат — Ўзбекистон ўрин олди. Ахир бир маҳаллар оққан дарё яна вақти келиб оқади-да. Чунки ўтмиш тарихида Ўзбеклар юрти турли номлар билан аталса-да мустақил ва қудратли шон-шавкатли давлат сифатида Шарқ ва Ғарбни тан олдирган. Бир асрдан ортиқ давом этган тобелик эса унинг қадим шухратига чанг солалмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил мамлакат — Ўзбекистон ўрин олди.

кўп, фақат Ўзбекистон ягонадир, деб замон ва тақдир зарбаларидан дунё бўйлаб тарикдай сочилиб кетган ватангадо ўзбекларнинг ҳам кўнгли тоғдай кўтарилди.

Энди мустақил Ўзбекистон шаънини юксалтириш шу юрт фуқароларининг муқаддас бурчидир. Қолаверса мустақиллик мамлакатнинг тараққиётини, халқнинг маданиятини тез ри-

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:
М. АБДУЛЛАЕВ,
Б. АМИНОВ,
С. АЗИМОВ,
Х. ДАВРОН,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Ҳ. ЗИЁЕВ,
ШУКРУЛЛО,
И. СУЛАЙМОН,
Д. ҒУЛОМОВА,
У. МИРЗАЕР
(масъул котиб),
Э. МУҲАММАД,
А. КАРИМ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари).

Саҳифаловчи
Б. Боймуродов
Мусахҳих
М. Қиёмов.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент—II, 700000, «Правда»
рўзномаси кўчаси, 41.

Муҳарририят телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; мусаввирлар бўлими — 32-58-77; мусахҳих — 32-58-78.



Халқаро «Эл» уюшмасининг раиси Абдурауф МАҚСУДИЙ, Афғонистондан келган ўзбеклар раҳбари, Афғонистон жумҳурияти вазири мушовири Саид Икром ПАЙГИР шунингдек Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Австралия каби мамлакатларда истиқомат қилувчи барча Ватандошларимизнинг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи анжумани жумҳуриятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди.

Сураткаш Р. Ғофуров (ЎзТАГ)

БУ СОНДА:



Омонулло ОЛЛОЕРОВ:



Муҳаммад ИСМОИЛ:

— Бобоқулбой, ҳозирок бугдойни хирмонга тўктиринг. Унда бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг ҳақи бор. Уларнинг ҳақини еган бандасиниям худо кечирмайди...

Золим алдаб юрса, золим яйраб юрса
Халқлар қараб турса, халқлар қараб
турса,
Халқлар кўрмаса гар унинг чорасин,
Оллоҳ азоблагай улар барчасин.

Рустам АХМЕДОВ
Ўзбекистон Республикаси
мудофаа ишлари вазири —
миллий гвардия қўмондони,
полковник

«РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎР АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ»

— Рустам Урмонович, сизнинг Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири — миллий гвардия қўмондони лавозимига

тайинланишингиз катта воқеа бўлди. Сизни чин қалбимдан табриклайман. Энди, илтимос, ўзингиз, оилангиз ҳақида, қандай қилиб ҳарбий бўлиб қолганингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Мен 1943 йилнинг 10 ноябрь куни Фарғона вилоятининг Бағдод районидан тугилганман. Ўзбекман, КПСС аъзосиман, олий маълумот олганман.

Бирдан ҳарбий бўлиб қолганим йўқ. Аввалига мактабни тугатганимдан сўнг Қўқондаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш техникумига кирдим. Кейинчалик Охунбобоев район «Ўзсельхозтехника» бирлашмасида бир йилча машина-мелиорация отрядининг механиги бўлиб ишладим. 1952 йилда бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалько номидаги Тошкент танк қўшинлари билим юртига кирдим ва уни 1965 йилда битирдим. Сўнг бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясини тугатдим.

Уни тугатганимдан кейин СССР Қуролли Кучларининг турли қисмларида хизмат қилдим. Болтиқбўйи ҳарбий округи қўшинларига ишга юборилдим. Округда икки йил давомида танк взводида командирлик қилдим, мени полк комсомол комитетининг котиблигига сайлашди. Уша ернинг ўзида дивизия сиёсий бўлими бошлигининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси лавозимига кўтарилдим.

1969 йилда Польшада Шимолий қўшинлар гуруҳида сиёсий бўлим бошлигининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси, танк батальони сиёсий бўлимининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилдим. 1972 йилда Самарқанд олий командирлар танк билим юртига хизматга юборилдим. Бу билим юрти кейинчалик автомобиль билим юртига айлантирилди. У ерда танк батальони сиёсий бўлими бошлигининг ўринбосари, шунингдек, курсантлар батальони сиёсий бўлими бошлигининг ўринбосари бўлиб ишладим. Бу ерда офицер кадрларни тайёрлаш масаласига дуч келдим.

1978 йилдан бошлаб В. И. Ленин номи Тошкент умумқўшин командирлари билим юртида батальон командирининг ўринбосари, курсантлар батальонининг командири бўлиб ишладим. 1986 йилнинг декабридан бошлаб Тошкент вилоят фуқаро мудофааси штабига бошчилик қилдим.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг депутатиман.

Оиламизда олти фарзанд бўлиб — уч опа-сингил ва уч ака-укамиз. Отам 1910

йилда таваллуд топган, кўп йиллар мобайнида совет, партия ишида бўлган, ҳозир пенсияда. Онам 1988 йилда вафот этганлар.

Уйланганман, хотиним шифокор бўлиб ишлайди. Учта фарзандим бор.

— Сиз ўз кучингизга ишонасизми, юқори лавозимга тайинланишингиз муносабати билан қандай режаларингиз бор?

— Мен учун вазирлик лавозими кутилмаган воқеа бўлди. Чунки ана шу лавозимга мендан ҳам муносиброқ генераллар бор. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Қаримов билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг аъзолари менга ишониб вазирликка бошчилик қилишни топширдилар. Зиммамга жуда катта масъулият юкланганини тушуниб турибман.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири ва миллий гвардия қўмондони лавозими «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси асосида таъсис этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазириликни тузиш, миллий гвардия ва қўшинлардан ташқари (муқобил) хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга, дейилади. Мустақил Ўзбекистон жумҳурият ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва унга раҳбарлик қилиш масаларида ҳарбий сиёсат юритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Мудофаа вазири ва Мудофаа ишлари вазирилик — иккита ҳар хил идоралардир. Бизнинг вазирамиз комиссияларда тузилган ҳарбий бошқармалар органларининг ишларини мувофиқлаштириб туришдан иборат. Яъни, биз йигитларимизни Армия хизматида тайёрлаш, бўлажак офицерларни Суворов мактабида, аввал бўлганидек ўн беш ёшдан эмас, балки етти ёшданок тайёрлаш билан шуғулланамиз. Тайёргарлик ишларини жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирилик, Давлат спорт комитети билан биргаликда олиб борамиз. Йигитларни Армия хизматида тайёрлаш учун яна бир қанча муҳим тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим. Биз машқларни жумҳуриятимизнинг экологик муҳитига, табиий бойликларига таъсир қилмаслиги учун уларни ўтказиш муддатлари ва жойларини келишиб олиш билан ҳам шуғулланамиз.

Вазирлик жумҳуриятимиз ҳудудида яшайдиган барча ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ўз ёру биродарларидан хавотирланмасликлари ҳамда эртанги кунга ишонилари учун уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан ҳам шуғулланамиз. Жумҳуриятимиз уларнинг бундан кейинги тақдири учун ҳам тўла жавобгардир. Қуролли Кучлар сафларида Ўзбекистондан

таш
миз
ўрга

этиш, Армия учун ҳароий мутахассислар тайёрлашга доир бошқа бир қанча масалалар билан ҳам шуғулланиш вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

— Рустам Урмонович, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитети ҳам бу масалалар билан шуғулланаётгани менга маълум. Бу Олий Кенгаш комитети ишнинг такрорлаш эмасми?

— Йўқ, албатта. Олий Кенгаш комитети қонунлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади, биз эса бу қонунларни ижро этадиган кишилармиз.

— Бугун олдингизда турган вазифалар ҳақида гапириб бера оласизми?

— Ҳарбий бошқарув идораларининг ягона тузилмаларини вужудга келтириш, ҳарбий сиёсатга доир қонунлар лойиҳасини тайёрлаш, моддий база яратиш, миллий гвардия учун одамлар танлаш ва уларни ўқитиш бугунги кундаги асосий вазифамиздир.

— Миллий гвардия деганда нимани тасаввур этиш мумкин? У ерда кимлар хизмат қилади?

— Гвардиянинг ўзи унинг номини билдириб турибди. Миллий гвардияда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг фарзандлари хизмат қилади. Яъни, бу байналмилал бўлади.

— Рустам Урмонович, суҳбатимиз ҳам охирига қолди. Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари биринчи вазири — миллий гвардия қўмондони сифатида яқин орада хизмат қилиши керак бўлган йигитларга қандай истакларингиз бор?

— Биринчи навбатда уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилайман. Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлсинлар. Ўз Ватанларига садоқат билан хизмат қилишларини, ўз халқларини севишларини, интизомли бўлиб давлат олдидаги муқаддас, фуқаролик, конституциявий бурчларини муносиб бажаришларини хоҳлардим. Улар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ишончли қўриқчилари бўлишсин.

— Мен ҳам сизга мустаҳкам саломатлик, ишларингизда муваффақият, оилавий ҳаётингизда бахт-саодат тилайман.

Суҳбатдош
ЎзТАГ мухбири Т. Ботирбеков

Эркин диёр, озод диёр...

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҚИММАТИ

Иигирманчи аср охирлаб бораяпти. Тараққиёт барча соҳаларда юксак даражада ривожланди. Кўпгина халқларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси ҳавас қилгудек. Тўғриси айтганда, ўзга халқларнинг карвони анча олислаб кетди. Афсуски умумбашарият тараққиётига ўз вақтида муносиб улуш қўшган ўзбек халқининг бугунги тақдири аянчли аҳволда. Бунга сабаб марказлашган тоталитар режимнинг қардош жумҳуриятларга берган «озодлик» инъомидир. Бундан етмиш йил муқаддам ўзбекларнинг (Бухоро амирлиги, Хоразм хонлиги — А. Р.) давлатларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавқеи Осиёдаги Туркия, Эрон,

Афғонистон, Курия, Жобарқо каби мамлакатлар билан тенг даражада эди. Аммо зўровонлик билан экспорт қилинган инқилоб халқимизни миллий ўзлигидан жудо қилди. Натижада фақат марказнинг йўриғида юрган ўзбек ва Иттифоқ таркибидаги бошқа халқлар таназзул сари юз бурдилар. Охир-оқибатда халқимиз ўзи емай бировларга едирувчи, ўзи киймай бировларни кийдирувчи, елкасини роҳати йўқ меҳнатнинг юки босиб турган жафокаш халққа айланди. Озодликка интиқлик, мустақилликка илинж халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб қолаверди.

Ниҳоят янги давр, янги тарих бошланди. Дунё харитасидан

мустақил мамлакат — Ўзбекистон ўрин олди. Ахир бир маҳаллар оққан дарё яна вақти келиб оқади-да. Чунки ўтмиш тарихида Ўзбеклар юрти турли номлар билан аталса-да мустақил ва қудратли шон-шавкатли давлат сифатида Шарқ ва Ғарбни тан олдиран. Бир асрдан ортиқ давом этган тобелик эса унинг қадим шухратига чанг солормади.

Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил деб эълон қилинди. Шу эзгу ният йўлида тўкилган кўз ёшлар, берилган қурбонлар, чекилган азоблар ҳаққи-ҳурмати мустақиллик шунчалик улғудир. Жумҳурият ҳудудида яшаётган маҳаллий халқларнинг асрий орзуси ушалди. Дунёда ўзбеклар

кўп, фақат Ўзбекистон ягонадир, деб замон ва тақдир зарбаларидан дунё бўйлаб тариқдай сочилиб кетган ватангадо ўзбекларнинг ҳам кўнгли тоғдай кўтарилди.

Энди мустақил Ўзбекистон шаънини юксалтириш шу юрт фуқароларининг муқаддас бурчидир. Қолаверса мустақиллик мамлакатнинг тараққиётини, халқнинг маданиятини тез ривожлантиради. Тараққиёт замирида эса тўкин турмуш, фаровон ҳаёт мужассам.

Асад
РАЖАБОВ,
хизматчи

ШУКУҲ

Бағримга мустақиллик шабадалари тегиб, бениҳоя хурсанд бўлиб кетдим. Навоий ва Бобур каби буюк бобокалонларимиз ватани ниҳоят эрк ва ҳурриятга эришди. Она заминимиз, сувимиз, қазилма бойликларимизга ўз халқимизнинг эгаллик ҳуқуқлари таъминланишига ишонман. Фақатгина ана шу мустақилликни қўлдан келган ҳамма

имкониятларни ишга солиб мустақамлаш лозим.

Мустақиллик чинакамига муборак бўлсин, дейман юртдошларимга қарата жўшқин илҳомим билан.

Олимжон ХОЛДОР

Андижон

МУСАФФОЛИК

Диққанафас хона эшиклари ланг очилиб мусаффо ҳаво киргандай ҳис этдим ўзимни. Қанчадан-қанча оқилу доно кишиларимиз, озодлик учун курашларда шаҳид бўлган шоиру алломаларимиз руҳи олдида бир дам тавоб қилдим, мустақил замон фарзандлари бўлиб етишадиган ўғил-қизларим истиқболи кўз олдимда равшан тортиди. Ватан ва миллат равнақи йўлида дадил ва

жасорат билан ҳаракат қилиш кераклигини англадим. Энди ҳаммиша ҳушёр ва сергак тортиб, ҳамжиҳат бўлиб, мустақилликни чинакамига рўёбга чиқариш йўлида интилиш лозим. Мен шундай деб тушунаман. Юртдошларимни ҳам шунга чорлайман.

Эргаш ЕНДОШ

Наманган

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Мустақилликнинг қимматини англамоқ учун Ватанни сева билмоқ керак. Биз узоқ йиллар ёт ғоялар билан тарбияланиб, қайси Ватанни Ватан деб аташни англай олмай карахтлик билан яшадик. Она Ватанамиз — Ўзбекистон мустақил бўлди. Энди шу юрт тақдири бизнинг тақдиримиздир. Уни англамоқ, тарихини мукамал билмоқ Ўзбекистон Жумҳу-

риятида яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шунинг учун мен таклиф қилар эдимки, барча мактабларда янги ўқув йилининг биринчи дарси Ўзбекистон Жумҳурияти мустақиллигига бағишланса.

Абдували ДАРХОНОВ,
ўқитувчи



Чироқчи. Кўкдала давлат хўжалигининг ишчиси Дилбар Қўлиева.

ТИЛ — ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК

Хар бир халқнинг, эл-улуснинг умрбоқийлиги, ўлмаслиги ўз она тилининг тириклиги, мавжудлиги, ривож ва равнақи билан чамбарчас боғлиқдир. Тили йўқолган халқ таназулга юз буради. Тил билан халқ-жон билан тандир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ҳақидаги қонун кучга кирганига ҳам мана икки йил бўлаяпти. Дастлабки пайтларда руҳимизни енгиллаштирган, занг босган шууримизни ёритган, равшанлаштирган эди бу мужда. Муқаддас қонун ижроси йўлидаги ташаббус, саъй-ҳаракатлар тарих саҳифаларида, авлодлар хотирасида муҳрланиб қолажак. Темирни қизигида босганлар анча-мунча олқишга сазовор бўдилар, эътиборга лойиқ иш қилдилар. Жумҳуриятимиз Олий Кенгашида қабул қилинган хосиятли қонунни поғона-ма-поғона, мунтазам тарзда белни маҳкам боғлаб бажариш кўп-ларнинг, айниқса ўзи ўзбек бўлиб ўзбек тилини билмайдиган (Масалан, Самарқанд шаҳар кенгашининг раиси, шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби Н. Ёқубов) раҳбарларнинг эсидан чиқазди. Аниқ қилиб айтиладиган бўлсак, турғунлик йилларида ўрганган, қонимизга сингиб кетган ўзибўларчилик, кўзбўямачилик, манқуртлик ва хотиржамлик асорати, таъсири ўзини кўрсатмоқда.

Фидойи ва зукко зиёлиларнинг, биринчи навбатда адиб ва журналистларнинг жон койитишларини ҳисобга олмасак, гўё қонуннинг, бу муҳим ҳужжатнинг ўзи йўқдек, бўлганда ҳам ижроси, бажарилиши мажбурий эмасдек бир вазият қарор топмоқда.

Тўғри, жумҳуриятимиз олий билимгоҳларида талабаларга, бошқа қизиқувчиларга ўзбек тили фани ўқитувчилари Давлат тилини маънавий эҳтиёж сифатида ўргатмоқдалар. Бироқ, қайд этиш ўринлики, давлат тилини ўрганаётган рус гуруҳларидаги талабалар ўртасида ҳам, катта ёшдаги кишилар орасида ҳам беписандлик билан қаровчилар жуда кўп.

Менимча рус гуруҳларида таълим олувчи талабаларни ўқитиш жараёнида қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим.

Талабаларга ўзларининг келгу-си тақдирларини ўзбек халқи тақдири билан боғлаш, маданиятимиз, урф-одатимиз муштараклигини бирга олиб бориш туйғуларини сингдириш, машғул-лотларга тўлиқ қатнаштириш, тил-

ни пухта ўргатиш лозим. Оғзаки нутқни ўстиришга, суҳбатлашишга, луғат бойлигини оширишга эришиш керак. Иштиёқи паст талабаларга қўнғилчанлик қилмасдан жойларда, ўқув хоналарида кўча-кўйда Давлат тилида муомала қилиш зарур.

Агар биз жумҳуриятимиз ҳудудида, олийгоҳларда ўзбек тилини ўз муддатида жорий этмоқчи бўлсак, аввало, барча жойлардаги битикларни, иш юритишни фақат, Давлат тилида ташкиллаштиришимиз даркор. Шундагина ёшлар, бўлажак мутахассислар ўзларида тил ўрганишга тўла эҳтиёж сезадилар. Акс ҳолда, ҳозирги қўлланиб келаётган услубимиз тил ўрганишга эмас, балки шунчаки, расмиятчиликка ўхшаб кетади.

Ўзбек тилининг мавқеини кўтарадиган ва уни ўрганишни тезлаштирадиган воситалардан бири, бизнингча, олийгоҳларда рус гуруҳларига қабул қилинаётган талабалар учун ўзбек тилидан қўшимча кириш имтиҳонлари жорий қилишдир. Кузатишларимизга қараганда, матбуот орқали қилинаётган таклиф ва танқидлар эътиборсиз қолиб кетмоқда. Қонуннинг бажарилишини таъминловчи ҳайъатлар, Атамашунослик қўмитаси қўл учиде ишлаяпти. Ютуқлардан камчиликлар кўп. Ўзбек тилида иш юритиш пала-партиш, саводсизларча олиб борилаяпти. Бир пайтлар белгиланган, муҳим дея аталган тадбирлар қоғозда, тортмаларда қолиб кетаяпти.

Яқинда эришганимиз мустақилликнинг тамал тоши ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши билан қўйилган эди. Энди ҳар қачонгидан ҳам дадилроқ, жадал ҳаракат қилмоғимиз керак. Балки Давлат тили ҳақидаги қонунни шу кунларда қайта кўриб чиқиш, баъзи ўринларга ўзгартиришлар киритиш зарурдир. Шундай қилинса халқимизнинг хоҳиш-истаги ўзбек тилининг қонуний ҳокимлигини таъминлашдек сиёсий, миллий, ижтимоий, ҳуқуқий муаммолар алғов-далғов, ғала-ғовур, чала-кемтик йигирманчи асрнинг сўнгги йиллари даҳшатли, субутсиз бўронлари, чанг-тўзонлари ичра қолиб кетмайди. ХХI асрга соф она тилимизда бораёйлик! Улуғ бобомиз Навоийнинг руҳини шод айлайлик. Бунга ҳамма-ҳаммамиз, айниқса раҳбарлар кўпроқ масъул, жавобгар бўлсин.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ
Самарқанд.



Мукаррам опа Муртазоева Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабда узоқ йиллардан буён ўзбек тили ва адабиётдан ёшларга сабоқ бериб келади.



МАКТУБ ЭГАСИ КИМ?...

Бир қишлоқда яшовчи барча кишиларнинг исми-шарифи бир хил бўлишини ҳеч эшитганмисиз? Ажабланманг, Туркиянинг Бозорқўй қишлоғидаги 42 оила бошлиқларининг исми-шарифи Аллоҳнинг иродаси билан бир хил — Мустафо Файсалдир. Гарчи бу Туркия конституциясига

зид бўлса-да, аҳоли заррача ҳам ташвишга тушмайди. Қизиқ жиҳати шундаки, қишлоққа бирор-бир хат-хабар келадиган бўлса, худди шу бир хил исмдаги кишиларга келади. Хат ташувчи Мустафо Файсал хатнинг эгасини адаштириб юбормаслик учун катта бозор майдонига кишиларни йиғади ва баланд овозда хатни ўқий бошлади. «Бўлди, бўлди, етарли, бу хат менга тегишли экан», деб ўзини маълум қилган кишига хатни топширади. Баъзида жуда қизиқ бўлади. Ниҳоятда қизиқарли ёзилган мактубнинг мазмунини охиригача билиш учун улар: «Давомини ўқийвер, афанди, кимга тегишли эканини билолмай-миз», деб туриб олишади. Шунда Мустафо Файсал ноиложликдан мактубни охиригача ўқиб беради.

«ИЛОНЛАР САЛТАНАТИ» ИНҚИРОЗИ

Узунлиги икки метр келадиган заҳари ўткир «хабу» илони Япониянинг Кюсю ороли жанубидаги майда оролчаларда яшовчи кишиларнинг ҳаётига хавф солиб келарди. Чунки биргина Амами, Какерома, Уке, Йора ва Токуносиме оролларида ўзида илонлар сони 1200 дан зиёд. Бу хатардан озор чеккан аҳоли ўз уйлари атрофини токли симлар билан ўраб олишганди. Кагосима маъмурий ҳокимият раҳбарлари «бездори» илонларни тийиб қўйишмоқчи бўлишди. Улар тириклай ушланиб, ҳокимиятга топширилган илон

учун 5000 йен мукофот пули жорий этишди. Бу тадбир натижасиз қолмади. Икки ой давомида маҳаллий аҳоли томонидан 7000 та илон тутиб келтирилди. Ашаддий душман саналган заҳарли илонларга катта талофот келтирила бошланди. Уларни тутиш учун тўланадиган мукофот пули икки баравар оширилиши билан ишлар янада юришиб кетди. Маъмурий ҳокимият раҳбарларининг хазинаси тугаб қолмаса, тез орада илонлар салтанати тугатилади, деб умид қилинмоқда.

Пўлат МҮМИН,

Ўзбекистон халқ шоири

Юрак гапларим



айтар дафтарим

Фардлар

Бир одам бор кўнглинг ёзадур,
Бирин кўрсанг кўнглинг озадур,

Лаб-лабига тегмай яна —
Сўзлай берар маҳмадона...

Ҳар қаерда, улфатда —
Ўрнинг бўлсин албатта.

Ҳар кўнглининг диди бўлса.
Ва ҳар гулнинг ҳиди бўлса...

Ҳеч қаерда қалби қаллоб —
Бўлмаса бас бошлиқ, арбоб.

Хасисларни тамаъ-илинж,
Сира-сира қўймайди тинч.

Бу гапга эътибор бер:
Бойган бойисам, дер.

Ғамдан чўкса дилга тош,
Эритар уни бардош.

Ким инсофни йўқотар
Виждонига ўқ отар.

Ўзга элин уя қилманг,
Ўзга нонин туя қилманг.

Тилёғлама дўст
Ташлаб турар пўст.

Ғўр шогирд-чи танқидга тутар,
Зўр устоз-чи ичига ютар.

Онага фарзанд доғи,
Ҳатто йиқитар тоғни...

Чин дўстингни сийлаб юр,
Ортдан ҳам яхшилаб юр.

Жиғилдон дўст қорнин ўйлар,
Виждоний дўст орин ўйлар.

Елғон дўст ишшайди,
Шайиндай қийшайди.

Ҳозир нима энг қиммат?
— Қиммат, қиммат ва қиммат...

Асли одоб, маданият:
Дўстга тилаш яхши ният.

Гоҳо енгса адоват,
Охир енгар адолат.

Ким яшаса ҳалол-соф,
Ўшанда эрур инсоф.

Аждодларнинг қабрин тавоб —
Этмакликдир асл савоб.

Дўстинг ҳақида фақат —
Яхшилиқ сўзин тарқат.

Чин дўстликда не ҳикмат?
Кўрсатиш эрур ҳиммат.

Икки нарса сотилмас фақат:
Биттаси бахт, иккинчиси вақт.

Ким кўтарса аламдан юк,
Ана ўша одам буюк.

Гоҳ дунёга сиғмайсан,
Овуниш-чун йиғлайсан.

Тарк этганлар юртини —
Йўқотадир бурдини.

Устоз бўлса-чи мужмал,
Шогирд иши бўлмас ҳал.

Дейдиларким дуони олтин,
Илож бўлса икковин олгин.

Ҳар кимсада бор ғурур,
Лекин уни билмас сур.

Даврага кириб келса
Ярашар ҳар бир кекса.

Мард одам-чи баҳазур
Тортинмай сўрар узур.

Ҳадиксирашни ҳадеб
Мард ўзига кўрмас эп.

Тақдирига тан бериш
Мардга туюлар эриш.

Нодоннинг кичик-каттаси йўқ,
Нодонликка паттаси йўқ.

Инсон қиларкан хато —
Сўнги нафасгача то...

Кимдир оёқдан чалар,
Ким эса карнай чалар.

Ким олтинга интилар,
Ким олдинга интилар.

Яхши билан кенгашигин,
Кейин унга тенглашигин.

Ким хатосин тан олгай,
Яхши номда танилгай.

Ҳақ одамни сўкмоқлик,
Ўз обрўсин тўкмоқлик.

Яхшидан олсанг ибрат,
Яхшиси уни ишлат.

Дейдиларким севинган яхши,
Ундан ҳам-чи севилган яхши.

Бўлсанг кўп тобуғ — қарам,
Дўстинг ҳам қилмас қарам.

Сафардош бўлса лоқайд,
Яхшиси ортинга қайд.

Билсанг агар режа-тадбир,
Кулиб боққай сенга тақдир.

Ким узурни қабул қилмагай,
Ўз қадрини ўзи билмагай.

Кимдир дилда сир сақлар
Кимдир эса кир сақлар.

Яхши одоб, яхши хулқ,
Одамда туганмас мулк.

Қизғончиқда қувонч йўқ,
Унга сира ишонч йўқ.

Ким кўтарса бурнин осмон,
Қоқилиш оппа-осон.

Дуч келса-чи бирорта ожиз,
Улуғ зотдир қалби этган жиз.

Жудаям оғир муҳлат,
Бошдан кетгунча тухмат.

Нима дегани инсоф?
Қалбдаги сеҳрий офтоб.

Қаранг маккор тулкини,
Кўзлар ўзга мулкини.

Кўнглингдан сиғинганинг бўлса,
Кўнглингдан соғинганинг бўлса...

Бир кексада сездим бардош,
Тенг келолмас бирорта ёш.

Қалбда имон-эътиқод,
Пок сақлайди умрбод.

Дўстлик учун тенглик керак,
Юракларга кенглик керак.

Кимда бўлмаса инсоф,
Умрини этар исроф.

Кимда қанча эрур сабот,
Униҳаёт этар исбот.

Элда бўлса кекса — улуғ,
Топиб берар илож — йўруғ.

Ички ёвни билмоқлик
Қилни қирққа тилмоқлик.

Гоҳ вақтинча қийналмоқ,
Умрбод дарс-у сабоқ.

Ўз халқининг олса қарғишин,
Мушкул эрур унинг қаришин...

Билиб қўйинг баърибир,
Тузалмайди муғомбир.

Эл ишини эплаш учун
Ҳар ким билсин ўзин кучин.

Кимлардир интилар мактабга,
Кимлардир интилар мансабга...

Ким меҳнатсиз бойиб кетса,
Ажабланманг тойиб кетса...

Мақтов кимга ёқмайди,
Мақтовга ким оғмайди?

Ножўя дунё йиғнаб —
Юрганлар кўпдир йиғлаб...

Чўзилиб кетса араз,
Пайдо бўлади ғараз.

Инсонликда биринчи модда,
Бўлмоқликдир покиза, содда.

Бўлмоқлик гумроҳ —
Энг оғир гуноҳ.

Етишмаса инсоф-ҳамият,
Ортга кетар бутун жамият.

Кимки юрса ғазабда,
Юрар доим азобда.

Кексалар қилса дуо,
Вилгил, руҳингга даво.

Майли айт чиройли гап,
Бирортага тегсин наф.

Кексалар яхши қайтса,
Ибратдир нима айтса.

Бўлмагил сира соя,
Сояда йўқдир гоё.

Яхшиларни этсанг ёд,
Ўзинг ҳам, руҳинг ҳам шод.

Кимнинг дили бўлса майиб,
Ўзгандан ул ахтарар айб.

АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

Мустақиллик шарофати билан жумҳуриятимиз тарихининг жуда кўп ўқилмаган ва ҳатто ҳеч қандай манбааларда ёзилмаган қисмини ўрганишга имкониятлар яратилди. Тарихимизнинг «оқ доғлар»

билан қопланган мавзуларидан бири етмиш йилдан буён қора тамга босиб келинаётган босмачилик ҳаракати ва юрт мустақиллиги учун курашган «босмачи»лар фаолиятидир.

Ўзбек тилида «босмачилик»нинг луғавий маъноси аниқ. Аммо у қандай қилиб ўз эрки учун курашган кишилар гуруҳининг номига айланди? Рус тарихчиларидан бири П. Кушневнинг «Босмачилар кимлар» деган мақола-сида уларга қуйидагича баҳо берилди: «Босмачи» сўзи маҳаллий ўзбекча сўз бўлиб қароқчи деганидир, бу номни биз берган эмасмиз (яъни руслар берган эмас, дегенчи — У. Р.) Бу ўлка Россия томонидан босиб олинмасдан олдин ҳам тоғ йўлларида, дарё кечуварларида ва катта йўлларда қароқчилар (босмачилар) савдо қаровонларини, айрим шахсларни талаш билан шуғулланиб келганлар. Бу тўдалар инқилобдан кейин катта кучларга бирлашиб, қишлоқларни ва ҳатто шаҳарларни босиб олдилар. Қизил Армияга қарши, большевикларга қарши курашдилар, шундай қилиб «босмачилик» ҳаракати кенг авж олди».

Олимнинг бу саяз фикри ҳақиқатдан анча узоқ, чунки П. Кушнев айтган инқилобдан олдинги «босмачи» (қароқчи) тўдалар билан инқилобдан кейинги қаршилик ҳаракати иштирокчилари ўртасида катта фарқ бор. Биринчидан, бундай қароқчи тўдалар фақат Ўрта Осиёда эмас, балким Россияда ҳам, Кавказ ортида ҳам, қолаверса, дунёнинг барча денгиз ва океанларида бор эди. Уларнинг фаолияти ва қилмишлари бутунлай бошқа мақсадларга қаратилган эди. Ҳақиқатдан ҳам бундай қароқчи тўдаларнинг ёвузликларидан жамият анча зарар кўрган ва одамлар улардан нафратланганлар. Шу боис халқ уларни қувватламаган ва уларга эргашмаган. Уларни ҳақиқий қароқчи десак бўлади.

Аммо инқилобдан кейинги вужудга келган қаршилик ҳаракати гуруҳларига бундай иборани ишлатиш асло мумкин эмас. Чунки улар ўзгалар ерини ва бойлигини талаш учун тўпланган қора кучлар бўлмай, балким ўз Она ери, шон-шухрати, ор-номуси ва муқаддас эътиқодини оёқ ости қилаётганларга қарши курашган фидойилардир. Бўлмаса ҳозиргача «алданган, зўрлаб қўшинга киритилган» деб айтиб келинган халқ оммаси уларнинг орқасидан эргашмаган, уларни қўллаб-қувватламаган бўлар эди. Айрим маълумотларга қараганда, жумҳуриятимиздан икки миллионга яқин маҳаллий аҳоли

шу қаршилик ҳаракатида иштирок этганлар. Шундай экан, бу ҳаракатнинг ҳақиқий ўз номини олиши ва тўлиқ ёритилиши ҳозирги тарихчиларнинг зиммасида турибди.

Биз баён этмоқчи бўлган воқеалар ҳам шу тарихий ҳақиқатдан бир зарради ҳолос! Қаршилик ҳаракатининг Бухоро ўлкасидаги йirik вакилларида бири ғиждувонлик машҳур ислом дини намояндаси, халқ орасида ўзининг ҳақиқат пешволиги, адолатли ва собитлиги билан машҳур ислом лашкарлари қўмондони Мулла Абдул Қаҳҳордир. Мулла Абдул Қаҳҳор Ғарбий Бухородаги қаршилик ҳаракатининг қўмондони сифатида ўз халқининг озодлиги учун курашди.

Маълумки Бухоро Амири Саид Олимхон Қизил Армиянинг қирғинбарот ҳужумига бардош беролмай шаҳарни тарк этади ва 1921 йил апрелида Афғонистондан паноҳ топади. Аммо у большевизм билан курашни асло тўхтатмайди. Унинг бу курашида Лақайдан чиққан Иброҳимбек катта шухрат қозониб бутун Шарқий Бухорода Совет ҳокимиятини тугатади. Унинг бу ғалабасидан руҳланган Ғарбий Бухоро халқи, айниқса Бухоро, Ғиждувон, Пармез, Вобкент, Ван-

розе ва Қоракўл аҳли Олимхонга нома юбориб, Ғарбий Бухорога ҳам махсус қаршилик ҳаракатининг қўмондонини тайинлашни сўрайдилар. Бу талабларга жавобан бухороликлар ҳурмати қозонган Мулла Абдул Қаҳҳор у ерга «Ислом лашкарлари» қўмондони этиб тайинланади ва у 1921 ёздан бошлаб Ғарбий Бухорода советларга қарши мудофаа тадбирларини олиб боради.

Мулла Абдул Қаҳҳор Бухорони рус қўлидан тортиб мустақилликни қўлга киритиш учун катта миқдорда қўшин тўплайди. Унга Бухородан 6000, Ғиждувон, Ванрозе, Вобкент, Шофиркон, Пермездан 2000 тадан, Лағлақадан 2500, Баҳоваддиндан 2000, жами 25000 киши қўшилади. У тенгсиз жангларда ғалаба қозониб, Ғиждувонни эгаллаб, Нурота ва Кармана томон юриш бошлайди ва Ғарбий Бухорода шўро ҳокимиятини тугатади. Бухоро халқ Шўролар ҳукумати турли йўллар билан халқ ҳаракатига қарши шафқатсиз курашга бел боғлаб Москва ва Тошкентдан катта миқдорда ҳарбий ёрдам сўрайди. Шўро қўшинлари қаршилик ҳаракатини тўхтатиш учун қаттиқ жанг бошлайди.



«Банда» мисанлар?
— Ҳа, худонинг бандасимиз.
— Бандалар ҳибса олинб, отиб ташлансин!
Босмачиликка қарши курашиш баҳонасида ялангоёк, қўл учидан кун кўришга мажбур бўлган юзлаб мана шундай бечоралар гравданлар уруши йилларида «йirik босмачилар гуруҳи» сифатида отиб ташланган.

Мулла Абдул Қаҳҳор ҳам ўз қўл остидаги туманларни ҳимоя қилишга жадал қилишади. Лекин Қизил Армия қудратли кучга ва қурол-аслаҳаларга эга бўлгани учун Мулла Абдул Қаҳҳорнинг лашкарлари бардош беролмай аста-секин чекина бошлайди ва унинг қаршилик кўрсатиш доираси қисқариб, тенгсиз жангларда катта қурбонлар бера бошлайди.

1922 йил 15 декабридан 1923 йил 1 январигача Мулла Абдул Қаҳҳор лашкарлари ва Қизил Армия қўшинлари ўртасидаги тўхтовсиз жангларда Ватан фидойилари кескин зарбаларга учраб, турли томонга тарқалиб кетди. 15 декабр куни эса Зандоне туманида бўлган жангда Мулла Абдул Қаҳҳорнинг асосий армияси тор-мор этилади. 26 декабрда Жондор қишлоғи яқинида Жўра Амин бошчилигидаги қўшинларга қўққисдан ҳужум қилинди ва улардан шафқатсизларча ўч олинди, 28 декабрда эса Баҳоваддин қишлоғида қўрбоши Омон Хўжа қўшинлари ҳам тор-мор этилади. 1923 йил 1 февралда Вобкентнинг ғарбидаги Исфона қишлоғини қўриқлаб турган Абдул Қаҳҳор қўшинларига ҳужум уюштирилиб, 28 киши нобуд қилинади ва бош қўмондон яна қочишга мажбур бўлади.

Мулла Абдул Қаҳҳор ғарчанд эгаллаб турган томонларида ислом ва шариат қонуларини ҳимоя қилиб аҳли-райятни тинч турмушга чорлайди. Қизил Армия бўлинмалари ҳамма ерга ўз айғоқчиларини юбориб, мазкур туманларни унинг қўлидан тортиб олишга ҳаракат қиларди.

Жумладан, 1923 йил 30 мартдан 31 мартга ўтар кечаси Қизил Армия Ҳазорада турган Абдул Қаҳҳор қўшинларига тўсатдан зарба бериб, уларни Зарафшон дарёсигача сиқиб борди ва қўшинининг кўпчилигини қириб ташлади, натижада 15 кишигина дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиб олишга улгурди холос. 150 киши дарёга чўкиб кетди.

Улганлар ичида Мулла Абдул Қаҳҳорнинг беш қўрбошиси бор эди. Бу мағлубиятдан сўнг Абдул Қаҳҳор Нуротадан паноҳ топди, лекин 4 апрел куни қизиллар унинг қароргоҳини аниқлаб тўсатдан яна ҳужум қиладилар, қаршилик ҳаракати қатнашчилари кўп талофот кўради. Абдул Қаҳҳор эса Қизилқумга бориб бир амаллаб жон сақлаб қолади. Уша куни Хўжа Заъфарон туманида «Ислом лашкарлари» таркибидаги яна бир тўда, қизиллар томонидан қириб ташланади.

Мулла Абдул Қаҳҳорнинг қўл остидаги қўшини анча заифлашиб боради, чунки у зўравонлик билан куч тўллаш тарафдори эмас эди, фақатгина ислом ва юрт ҳимоячилари сифатида газовотга чиққанларни ўз қўшинига қабул қиларди, холос. 1923 йил май — июн ойларида Қизил Армия «Ислом лашкарларига» яна бир неча марта зарба берди. Жумладан, Ғиждувон туманида қўриқчилик қилиб турган Абдул Қаҳҳорнинг қўрбошиларидан бири Вайқаро 1 июн куни Қизил-тепа поезд бекати орқали қизиллар томонидан бўлган ҳужумга бардош беролмай тор-мор этилади ва қаршилик ҳаракати қатнашчилари қириб ташланади. Вайқаро ва унинг уч ёрдамчисига зўрлаб хандақ (гўр) қаздирилиб, шу хандақда отиб ташланади. Ғиждувон яна қизил армия қўшинлари томонидан эгалланиб, аҳолидан қаттиқ ўч олинади, «босмачи» деб гумон қилинган юзлаб кишилар қаттиқ жазоланади.

Уша йилнинг 4—6 июн кунларида қизил армия қўшинлари Бухоронинг ғарбидаги қадимий Вардонзе, Варахша харобаларида жон сақлаб турган Ҳамро Полвон тўдасини тугатишни охирига етказиб, уларни бутунлай тор-мор этади. Ҳамро Полвон ва яна икки қўрбоши жанг майдонида шаҳид бўладилар.

1923 йил август-ноябр ойларида Абдул Қаҳҳорнинг сипоҳилари янада заифлашиб қолади. У ўзининг фаолияти давомида қарши ҳужумга ўтмасдан фақатгина ҳимояланиб ўз таъсиридаги туманларга ғайридинлар киришининг олдини олишга интилаганди. Агар уларга душман ҳужум қилган тақдирдагина ноилож тенгсиз жангларда иштирок этарди. Бу тенгсиз жанглар унинг юзлаб ва юзлаб сафдошларининг ёстиғини қуритмоқда эди.

Шўро ҳукумати ва унинг қизил армияси қаршилик ҳаракати қатнашчиларига нисбатан қилган шафқатсизликлари Ғарбий Бухородаги вазиятни тубдан ўзгартирмади. Чунки маҳаллий халқ Абдул Қаҳҳор лашкарларини доим қўллаб турди ва унинг сафларини тўлдирди. Уша пайт халқни ранжитган кўнгилсизликлардан бири Қизил Армия қўшинларининг маҳаллий аҳолига нисбатан қўллаган ёвузлигидир. Улар қаршилик ҳаракати иштирокчиларининг асирга олинган қисмини аямасдан отиб ташлар ва уларнинг бутун авлодини қамоққа олиб қийноққа солар эдилар. Шундай воқеалардан бири 1923 йил ноябр ойида Ғамхўр (Ғиждувон билан Конимех оралиғида) қишлоғида содир бўлади. Қишлоққа яши-

ринган 10—12та қаршилик ҳаракати иштирокчиларини топиш учун бутун қишлоқ аҳолисини қизиллар азоблайдилар. Натижада тинч аҳолидан 14 киши ўлади, 10 киши оғир жароҳатланади. Бундай кўплаб мисолларни кекса ёшдаги маҳаллий аҳоли ҳамон ёдидан чиқарган эмас. Ғишти, Пармез, Ванғозе, Полонзе, Боғчағозеда ҳам шундай ҳодисалар такрорланган.

1924 йил ёз ва куз ойларида қизил армия қўшинлари Мулла Абдул Қаҳҳор лашкарларини таъқиб қилиб қарийб унинг ихтиёридаги ҳамма қўрбошиларини отиб ташлайди. Тинч аҳолига ҳам қаршилик ҳаракатида иштирок этгани ва ёрдам бергани учун қаттиқ чоралар кўрилади. Бозор майдонларидаги мачит ва бошқа аҳоли тўпланадиган жойларда ҳаракат қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларидан намойишкорона ўч олинади. Шу йилги муваффақиятсизликлар натижасида Мулла Абдул Қаҳҳор Қизилқумнинг Варажон деб аталган қишлоғига бориб яширинади, аммо қизиллар уни таъқиб қилиб келиб, сентябрнинг ўрталарида Қуруқсой чангалзорларида охириги жанг бўлиб ўтади. Бунинг натижасида 140 киши нобуд бўлади. Абдул Қаҳҳор қаттиқ яраланади ва унинг укаси Митонполвон яраланган лашкарбошини жанг майдонидан олиб қочишга улгуради. Улар бир неча кун ичида Азизобод қишлоғига етиб келадилар.

Лекин Мулла Абдул Қаҳҳорнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ҳечам иложи бўлмади. Унинг жасади ўзи туғилган қишлоғи Саиткентга дафн этилади (Ғиждувон яқинида).

1925 йилнинг бошларида Шўролар ҳукумати «Ислом лашкарлари» иштирокчиларининг рўйхатини олади ва 700 киши март ойида Тошрабоннинг шимолидаги Бодуғи (Ўрта Осиёдаги энг машҳур туя бозори ҳам шу ерда бўлган) қишлоғига олиб келиниб, отиб ташланади. Жумладан, Мулла Абдул Қаҳҳорнинг укалари — Митонполвон, Наимполвон, Амин ва қўрбошилари Азизбой, Қосим Ясавуллар ҳам. Шундай қилиб қизил армиянинг шафқатсиз зарбалари натижасида фақатгина 1923 йил ноябридан то 1925 йил бошларигача 4961 қаршилик ҳаракати иштирокчиси қириб ташланиб, 3307 киши асир олинади. Афсуски бу асирларнинг кейинги тақдири нима бўлгани бизга тўлиқ маълум эмас.

Бу салбий воқеалар собиқ «Ислом лашкарлари» иштирокчиларини ва аҳолини ранжитади. Энди улар шўро ҳукуматининг қўлига тушмасликлари учун кичик-кичик тўдаларга бирлашиб, тирикчилик ўтказиш билан шуғулландилар ва бу ҳол қарийб 30-йилларнинг ўрталаригача давом этади.

Шундай қилиб биз фақат Ғарбий Бухорода ҳаракат қилган Мулла Абдул Қаҳҳор бошчилигидаги «Ислом лашкарлари»нинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилдик. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, Шўро ҳукумати ва унинг армияси ўз ери, ор номуси ва динини ҳимоя қилган кишилардан шундай ўч оладилар. Натижада «босмачилик» деб номланган бу халқ ҳаракати аста-секин батамом сўниб боради.

Умар РАШИДОВ,
Бухоро Давлат педагогика
институтининг профессор-кадрлар.



Мана бу «инсонпарвар» қизил аскарнинг (ўнгдан иккинчи) лидаги таёққа бир разм солини!

(Архивда)





Омонулла ОЛЛОЕВОВ

БИР УМРЛИК САБОҚ

Ҳикоя

Бомдод номозига таҳорат олиб, ўтовга киришда Мулла Салоҳиддин кампирига дағдаға қилди:

— Камолиддинга айтинг, қопни обориб хирмонга тўкиб келсин!

Тонг ёришиб келарди. Ширин уйқуда ётган Аслиддин отасининг асабий, зардали товушидан уйғониб кетди. Апил-тапил кийиндию, кўчага чиқиб, муздай ариқ сувида ювиниб қайтди. Отаси ҳалиям ўрнидан жилмай, бор аламини кампирига тўкиб солмоқда эди. Отинбуви — Ойнисахон эса ўтов керагасига беҳол суяниб, Камолиддин эмас, ўзи гуноҳкордай мунгайиб турарди.

Аслиддин ўтовга яқинлаб салом берди. Кенжа — суюкли ўглининг эрталабки ёқимли саломидан завқланиб, бошини силаб эркалайдиган Мулла Салоҳиддин бугун қайрилиб ҳам қарамади. Саломига жавобан ғамгин нигоҳ ташлаб, бош ирғиб қўйди. Аслиддин ер тагидан отасига кўз ташлаб, сесканиб кетди. Аслиддин падари бузрукворини ҳеч маҳал бу алфозда ғазабнок кўрмаганди.

— Мен Оллоҳ таолодан нобакор, ҳалол-ҳаромни фарқламайдиган диёнатсиз фарзанд тилаганим йўқ! — Мулла Салоҳиддиннинг оқ-сарик юзи бўғриқиб, қизариб кетди. — Е алҳазар, бундай ҳаром ишга қўл урган кимсадан нимани кутса бўлади, онаси, айтинг?!

Отинбуви чolini шаштидан туширмоқчи бўлиб, ҳазин товушда пичирлади:

— Болалик қилган-да, отажони...

— Йў-ўқ, бола эмас, бало, бало! — Мулла Салоҳиддин туюқиб кетди. — Болалиги қолдими, уруш кўрган-а!..

Атроф тобора ёришиб келарди. Мулла Салоҳиддин номоз қаза бўлишидан чўчиб, шошилиб ўтовга кириб кетди. Отинбуви енгил нафас олиб, Аслиддинга тайинлади:

— Молларга қара, болам.

Аслиддин можаро сабабини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, онаси ҳам номоз ўқигани ичкари кириб кетди. Кўчадан подачининг товуши эшитилди:

— Ҳайданглар, ҳо-ой!..

Аслиддин сигирини ҳайдаб бораркан, йўл-йўлакай ўйлаиб борди: қандай нохушлик юз берди? Отам нега дарғазаблар? Камолиддин акам нима иш қилган? Энамнинг гуноҳи нима?..

Аслиддин ёш бўлсаям отаси осонликча жаҳл отига минмаслигини яхши биларди. Отасининг жаҳли қўзиб, аччиқланганини ҳечам кўрмаганди. Қанча-қанча ножўя қилиқлар қилсаям бирон марта унинг ғазабига дучор бўлмаганди. Утган йили макка донидан бодрок қиламан, деб пичан ғарамига ўт қўйиб юборди. Ойсалиҳа опачаси қутқазиб қолмаганда ўзим ёниб кетаёзганди. Ловуллаб осмонга бўй чўзган ёнгинни кўриб, тумонат одам тўпланганди. Пичанни ўчириб олишолмади. Пақирлаб ташилган сувлар беҳуда кетди. Бу кўргуликка ҳамма ачинди,

гувранди. Аламга чидамаган онаси дирдираб турган Аслиддинга ташланди. Отаси эса унинг йўлини тўсди:

— Шайтонга ҳай беринг, онаси!

Аслиддиннинг чаккасига тушадиган отинбувининг шапалоғи ҳавода муаллақ қолди.

— Энди нима қиламиз? — шашти қайтиб, хўрлиги келган отинбуви йиғлаб юборди. — Ҳадемай қиш келади.

Мулла Салоҳиддин кампирига далда берди:

— Укинманг, хашак топилар.

Кеч куз эди. Мулла Салоҳиддин айтгандай хашак топилмади. Бошқа йўли топилди — рўзғорнинг кам-кўстига яраб турган беш-олтита қўй-эчкини бозорга ҳайдашди. Отаси билан Аслиддин ҳам молларни ҳайдашиб борди. Молларни отаси оёқ тирамай пуллаб юборди. Сўнг ота-бола гавжум расталарни айланиб, мева-чева — бозорлик харид қилишди. Атторлик ёнидан ўтаётганда Аслиддиннинг кўзи хўштакларга тушиб, отасини ўша томонга тортқилади. Вориб, бузоқча десаям, кийикча десаям бўладиган қизғиш хўштакчани танлади, чалиб кўрди. Унинг назарида бугунги савдонинг ноёби шу — хўштак эди.

Бозор чеккасидан карнай-сурнай, ноғоралар садоси эшитилди. Бу дорбозларнинг томошага чорлови эди. Аслиддин отасини ўша томонга тортқилади. У дорбозлар ҳақида эшитганди, лекин кўрмаганди. Осмони фалакда хилпираб турган байроқча, таранг тортилган арқонларга кўз ташлаб юраги ҳаприқиб кетди. Отаси дор ёнига борганда унинг қулоғига нималарнидир тайинлаб, ўзи бир ёққа кетди. Аслиддиннинг ўй-хаёли лангар чўп тутиб, тобора юқорилаб бораётган ўзи тенги болада бўлганидан отасининг гапларини илғай олмади. Маҳлиё бўлганча қолди. Олдини оломон тўсиб турарди. Қараса, дор тагида янаям қизикроқ ўйинлар бўлаётгандай туюлди. Уриниб-суришиб одамлар орасидан илгарига ўтиб олди. Юз-кўзини ола-қашқа қилиб бўяб олган масхарабоз ҳар хил қилиқлар қилиб, одамларни дув-дув кулдирадди. Орадан қанча мударат ўтганини Аслиддин билолмади. Бу орада ёш бола дордан тушиб, ўрнига мўйловдор йигит кўтарилди. Оёғига тиғи ялтираган пичоқ боғлаб, ўмбалоқ ошиб ўйин кўрсата бошлади. Аслиддин ҳаяжонланганидан юрак ҳовучлаб турарди. Кимдир елкасидан силаб, қулоғига шивирлагандай бўлди, қарамади. Ҳалиги товуш яна қулоғига шивирлади: «Асилжон, бу ёққа қаранг». Аслиддин ноилж ўгирилиб қаради: сартарошхонадан қайтган отаси кулимсираб турарди; авзойидан уни анча излаганга ўхшарди.

— Хуржунингиз қани, ўғлим?

Аслиддин жовдираб кўз ташлади. Кейин аввалги турган жойини эслаб, ўша томонга талпинди. Хуржун ўрнида кўринмади. Йўқолди.

— Шу ерда турганди, — Аслиддин ўзини

оқлашга тушди, — у томонга ҳозиргина ўтгандим.

Отаси индамади. Лабини тишлаб, бош чайқаб қўйди холос.

Дунёда бировларнинг нарчасини олиб қўядиган одамлар борлигига ҳайрон қолган Аслиддин йиғлаб юборди.

— Йиғламанг, ўғлим, — отаси бошини силаб овутиди.

Улар яна расталарни айланиб, қайтадан бозорлик харид қилишди. Атторлик растасидан ўтаётганда Аслиддин киссасига қўл солиб, ҳуштаги йўқолмаганидан севиниб кетди.

Аслиддин ҳозир шуларни ўйлаб, отасининг нега дарғазаб бўлганига тушунолмади. Яна ўзининг шинни тўла машрафани синдиргани, бир уюм қовунни ширинак ўйнаб четнаб қўйгани ва бошқа кўплаб ножўя қилиқлари кўз ўнгидан ўтди. Шу кезлари онаси уришиб-койиган бўлсаям, отасидан бирон марта дакки еганини эслай олмади. Шундай бағри кенг отаси нимадан хафа?..

Подадан қайтган Аслиддин ўтовга юраги безовта дуқиллаб кирди. Отаси билан онаси гап-сўзсиз нонушта қилиб ўтиришарди. Унинг саломига бу дафъа отаси чехраси ёришиб алик олди ва ҳар кунгидай ёнига ўтқазиб, елкасини силаб эркалатди:

— Баракалла ўғлим, ширчойни ичинг.

Энаси зогора тўғралган ёғоч косани унинг олдига сурди:

— Ол, шўрқиллатмай, аввал бурнингни қоқиб кел. Ўнга кирдинг — сонга кирдинг...

Аслиддин остонага етганда онаси яна қўшиб қўйди:

— Нарироқ бор...

Аслиддин ўтовни айланиб, говлаб кетган ёввойи атиргул ёнига борди-ю, чўзилиб ётган катта жун қопга кўзи тушди. Бурун қоқишним унутиб анграйиб қолди. Учма-уч боғланган қоп оғзидан тортқилади, қимирламади. Ичида нима борлигига қизиқиб, улам-тикиш жойидан тимдалаб кўрди. Шардоз ип зигидан бир-икки дона оппоқ бугдой оқиб чиқди. Аслиддин севиниб кетди. Кўз олдига оппоқ, пўрсиллаган бугдой нон кўриниб, оғзининг суви қочди...

Остонадан онасининг товуши эшитилди:

— Асилжон ҳув-в, нима, аразлаб кетдингми, болам?

Аслиддин ичкарига қувончини яширолмай, ишшайиб кирди.

— Таомни мунтазир қилиш — гуноҳи азим, ўғлим, — деди унинг бошини силаб отаси, — олинг, ширчойингиз совиб, зогораси ивиб кетди.

— Ота, — Аслиддин қувончини яшира олмади — атиргул тагида қоп...

Аслиддиннинг гапи бўғзида қолди. Онаси унинг думбасидан шундай ўйиб чимчиладик, додлаб юборишига оз қолди. Кўзи ёшга тўлиб: «Гуноҳим нима?» дегандай онасига ўгирилди. Онаси: «Жим бўл», деган маънода лабини тишлаб, яна биқинига ну-

қиб қўйди. Аслиддиннинг кўнгли энасининг хатти-ҳаракатидан эрталабки можаро шу қоп туфайли юз берганини сезді. Отаси унинг қоп ҳақида гап очганини сезмадими ё ўзини сезмаганга олдим, ҳар қалай, ёнидаги ёстиқ тагидан қалин, муқоваси зарҳал чиройли китобни олиб ўқишга тутинди. Аслиддин китоб варақларидан ҳошияли гулчамбар безакларига кўз ташлаб, ўйга чўмди: «Отам бу чиройли китобни қаердан оларкинлар?»

Уни бу савол анчадан бери қизиқтирарди: уйларида биронтаям китоб йўқ, лекин отаси ўқийдиган араб ёзувидаги китоблар тез-тез ўзгариб турарди; гоҳ қалин, гоҳ юпқа... Ҳадди сизиб бир сафар отасидан сўраб ҳам кўрганди: «Ота, бу китобларни қаердан оласиз?» Шунда отаси ўрнига энаси жавоб қилганди: «Ҳой термизак, китобларни сўраб нима қиласан! Отам арабча китоблар ўқийди, деб бировларга гулласанг, борми, шўримиз қурийди. Тилингни тийиб юр, бола!» Отаси индамай: «Энангиз тўғри айтади», дегандай бош ирғаб қўйганди. Аслиддин ҳеч нарсага тушуна олмаганди. Ҳали-ҳануз тушуна олмай ҳайрон. Бу китоблар шунчалик кўрқинчли, даҳшатли бўлса-ю, отаси нега ҳаммадан хавфсираб, тонг сахаргача китоб устида мук тушиб ўтиради?.. Ҳовлида қадам шарпаси сезилса, қалтираб-титраб қўлидаги китобни яширади?

У нонушта қилиб бўлса-да, энасининг чиқиб кетишини кутиб ўтирарди. Дилида чиқиб кетган заҳоти отасига яна бир бор атиргул тагидаги қопни, ундаги баҳорги оқ буғдойни эслатишни ўйларди. Ахир отаси кўпдан бери камдармон касал. Шу ҳолига томоғи қорлиғиб зогора нон ейди. Оппоқ, юмшоқ буғдой нон еса, балки тузалиб кетар. Шунга айтиб, отасини хурсанд қилмоқчи эди, энаси ташқарига чиқмади. Кўчадан ўртоқларининг ўзини чорлаган ҳуштак товушини эшитиб, иложсиз ўрнидан турди.

Куёш тик келганда болалар ҳовуз бўйига чопишди. Дамба устида ечинаётган Аслиддин узокда — ҳовузнинг йўлга туташ адоғида отини сувлатиб турган акасини кўриб қолди. Акаси уни таниб қамчисини ҳавода ўйната, уйга бор дегандай ишора қилди. Аслиддин тиниқ сувга бир калла ташлаб чиқди-да, шошилиб уйга чопди.

Аслиддиннинг акаси яқинда урушдан қайтди. Бунга бир ой ўтган бўлсаям назаарида кеча келгандай: ахир, ҳали акасининг меҳрига, дийдорига, уруш саргузаштлари ҳақидаги эртақнамо сўхбатларига қониққанни йўқ-да. Бобоқул раис ялиниб-ёлвориб туриб олгач, келганга уч кун тўлмай ишга чиқиб кетди. Хирмон мудирни бўлиб ишлаяпти. Далада тунайди. Уйга гоҳ кечаси, гоҳ кундузи — ора-чора келиб кетади. Бугун тушликка келганидан Аслиддин севиниб кетди. Акаси ортидан изма-из ўтовга кириб борди. Шу заҳоти акасининг бўйнига осилиб эркаланди. Кейин қулоғига шивирлади: «Бугун айтиб берасиз-а?» Акаси хўп дегандай бош ирғаб қўйди.

Отаси бошини танғиб, тўшақда кўзлари юмук, терга пишиб ҳансираб ётарди.

— Ота, — Камолиддин секин товуш берди. — Отажон, мен келдим.

Мулла Салоҳиддин кўзларини аранг очиб, ўғилларига нигоҳ ташлаб маъжус бош ирғади.

Отинбуви эшикдан мўралаб, ташқарига имлади. Ака-ука шарпасиз ўринларидан туриб, балх тут тагидаги сояга — лойсупага ўтишди. Отинбуви дастурхон ёзиб, зогора кулча, айрон ва бир товоқ оқ чиллаки узум қўйди. Эналарининг қистовига қарамасдан улар ланж, иштаҳасиз бир алфозда тановул қилишарди.

Бу орада отинбуви икки-уч бор ўтовга кириб, чолининг аҳволидан хабар олиб чиқди. Кейин ҳасрат қилишга тушди:

— Вой, худойим-ей, оталарининг шу йўталини ҳеч кимга кўргилик қилмасин. Чошгоҳдан тушгача тинимсиз ияк уриб йўталди-я!.. Камолжон, сен келгандан бери,

хурсандлигидан анча тетиклашиб қолганди отанг... Қаёқданам сен ташлаб кетган қопга кўзи тушиб... Аламини мендан олди. Шунча йил яшаб, отангдан бундай гап эшитмагандим... Отангнинг гапи ҳақ, болам, Худони билган одам ҳаром-ҳаришга қўл урмайди. Ўғирлик буғдойингдан зогорамиз минг қарра афзал. Обориб хирмонга тўкиб кел, болам.

Аслиддиннинг назарида акасининг девқомат жуссаси кичрая-кичрая лойсупага сингиб бораётгандай туюлди. Шунгами, энаси ҳам қайтиб гапирмади. Қизариб, терга пишган Камолиддин отланиб жўнаб кетди. Аслиддин дилига тўккан саволларини яна сўрай олмай қолди. Шу бир қоп буғдойни деб отаси энасини, энаси акасини ранжитганидан хафа бўлди. Назарида буларнинг ҳаммасига отасининг ҳаммадан яшириб ўқийдиган сирли китоблари сабабчи деб ўйлади. Уша мулойим, меҳрибон отасининг ҳеч кимга ўхшамайдиган феъл-атворидан ҳайратланиб, юрагида қандайдир шубҳалар гимирлади. Баҳорда юз берган бир воқеани эслаб, ўз шубҳаларига янаям ишонганди. Эсида, пешин маҳали эди. Чорбоғлари ёнидаги булоқдан сув ичиб, юз-қўлини ювди. Бехосдан булоқ четидида ясси тош устида ётган гулдор каштали белбоғни кўриб қолди. Белбоғни кўтарган эди, нимадир сирғалиб ерга тушди. Дунё топгандай Аслиддиннинг кўзлари ўйноқлаб кетди: пойида чиройли қиндор пичоқ ётарди. Атрофга кўз ташлади: ҳеч ким йўқ. Қиндор пичоқни олиб, томоша қилди: қатор-қатор кумуш тугмачалар қадалган, қин учиди ялтироқ жез поянак. Қиндан пичоқни олиб энтикиб тушди. Пичоқ чинакамига чиройли эди: оч кўкиш дастасидаги нақшлари, тилларанг гулбанди, дами устида порлаб турган ҳилол, майда юлдузчалар қуёш тигида кўзни қамаштирарди.

Аслиддин атрофга яна бир кўз ташлаб, пичоқ қинини белбоққа ўтказиб, чопони ичидан белига боғлади. Энтикиб уйга чопди. Отаси унинг топиб келган чиройли матоҳини кўриб, хурсанд бўлди. Аслиддин уни доим ўзи тақиб юришни, ўртоқларига кўз-кўз қилишни ўйлаб, жудаям севинди. Лекин отаси унга пичоқни қайтариб бермади. Ингилган эди, отаси: «Сизга бунданам чиройлисини оббераман. Бу — омонат... Бировнинг нарсасига кўз ола қилманг, ўғлим...» деб юпатди. Ва шу куннинг ўзидаёқ кўчага чиқиб пичоқ эгасини дараклади. Эртаси куни Турди қассоб келиб, алқаб-алқаб пичоғини олиб кетди.

Кун ботиб, қош қорайганда Камолиддин Бобоқул раис билан бирга кириб келди. Акасининг хафа бўлиб кетганидан эзлиб ўтирган Аслиддин севиниб кетди. Бироз тетиклашиб ўзига келган Мулла Салоҳиддин шом номозини ўқиб бўлса-да, нафис қисмига ўтиб, жойномоз устида ўтирарди. Раиснинг кутилмаган ташрифидан ҳадиксирагандай ранги дув оқариб, ўрнидан турди. Меҳмонни тўрға ундади. Ҳол-аҳвол сўрашди. Отинбуви елиб-югуриб дастурхон ёзди. Камолиддин меҳмонни ичкарига киритиб, ўзи қаёққадир гойиб бўлди. Чойнак-пиёла, мева-чева ташиб энасига кўмаклашаётган Аслиддиннинг кўзига Бобоқул раис ғалати бўлиб кўринди. Кулиб юбораёзди. Озгин, дароз мучасига ярашмаган қалами яқтаги, бошидаги чўнкайган қирғизча телпаги, яқин орада устара кўрмаган оқ-кўкиш соқоли, бозорда — хуржун йўқотган куни кўрган дорбоз масхарабозининг нақ ўзи эди.

— Мулла ака, — негадир раис безовта эди, — мен шошиб турибман. Ҳозир қишлоқ шўросида майлис бор.

— Ие, раис иним, — Мулла Салоҳиддин чой узатиб, дастурхонга ундади, — овқат ҳам тайёр бўп қолар, тамадди қилиб олинг.

— Узр, — раис оғзига бир бурда зогора ташлаб, чой хўплади, — етиб бормасам бўлмайди, ака. Отдан тушмай кетишни ўзимга эп кўрмадим... Бу дейман, Камолиддин махсумни хафа қилганга ўхшайсиз?..

— Йўғ-е, — Мулла Салоҳиддин кулимсиради, — ҳали Камолиддинга ҳеч нарса дема-

дим. Янгангизга гапирдим... Ғафлатни қаранг, ўғлимиз кечаси бир қоп буғдой туширипти-ю, мен сезмапман. Янгангиз сезсаям индамапти, шунга...

— Камолиддин махсумда айб йўқ, — раис энгашиб пичирлади. — Нима десангиз менга денг. Мулла ака, биласизми, биз жудаям ҳурматлаймиз сизни. Бир мен эмас, ҳамма. Яқинда махсумнинг урушдан қайтганига тўй қилдингиз, бунинг устига анчадан бери бетобсиз... Шуларни ўйлаб, Камолиддин махсумга буғдойни ўзим бергандим.

Мулла Салоҳиддин ўрнидан туриб кетаёзди. Пойгак томонда ўтирган Аслиддиннинг бадани жимирлаб кетди. Лекин Аслиддин ўйлаганча, отаси раисга шапалоқ ҳам тортмади, ҳақоратли сўз ҳам айтмади, фақат шу алфозда туриб амирона буюрди:

— Бобоқулбой, ҳозироқ буғдойни обориб хирмонга тўктиринг. Унда бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг ҳақи бор. Уларнинг ҳақини еган бандасини худо кечирмайди... Обкетинг, сизни алқаб ҳақингизга дуо қиламан. Мудирликка бошқани топинг, Камолиддинни озод қилинг. Эртадан ўроққа ё хўшга боради.

Қоқсуяк елкалари букчайиб ўтирган раис, нимадир дейишга оғиз жуфтлаган эди, Мулла Салоҳиддин икки қўлини кўксига босиб, ижозат бермади:

— Бас, бошқа гапга ўрин йўқ. Яхши-ёмон гаплар ўтса рози бўлинг. Сиздан мингдан минг розиман.

— Мулла ака, — раис остонада орқасига ўтирилди, — бундай ризо-розилик тиламанг, ҳали худо хоҳласа отдай бўп кетасиз.

Ичкарига — отасига бетлай олмаган Камолиддин раис чиқиши билан унга шивирлади. Раис бош чайқаб маъқуллади. Кейин тут тагидан отни етаклаб келиб атиргул тагидаги қопга беткай қилди. Аслиддин от жоловини ушлаб турди. Зилдай оғир қопни иккови чиранишиб базўр ортишди.

Учоқ бошида юрган отинбуви улар ортидан чақирганча қолди:

— Вой, ўлмасам, қайтинглар, бўтқа сузаяпман.

Эрталаб нонушта пайти Камолиддин отасига бугун хўпчи бўлиб ишга боришини айтди. Мулла Салоҳиддин унинг гап оҳангида, юз ифодасида норозилик аломати йўқлигидан дили ёришиб кетди. Дийдорига, меҳрига қонмагандай келбатли бўй-байтига, ўзидан кўра отинбувига тортган юз-кўзига узок термилиб қолди. Лаблари мамнун пичирлади:

— Раҳмат, ўғлим.

— Бобоқул ака хафа бўп қолди-да, ота, — деди Камолиддин қизариб.

— Яхши, ҳалол-покиза ишланг, кейин хурсанд бўлади, ўғлим, — деди Мулла Салоҳиддин кулимсираб.

Камолиддин отланиб чорбоғ эшигидан чиқаётганда Отинбуви тугунча узатиб тайинлади:

— Синглинг Ойсалиха ўроқчиларнинг олди эмиш. Қарашиб тургин... Буни ўз қўлига бер.

Аслиддин акаси қирга ўрлайдиган муюлишга етгунча ёнида пилдираб борди. Эшитадиган жангномалари яна чала қолди.

Мулла Салоҳиддиннинг дарди кундан-кун оғирлашиб борарди. Кейинги кунларда китоб ўқишгаям мажолли етмай қолди. Базан номоз ўқиётиб жойномоз устида йўтали қўзиб, терга пишиб қоларди. Шунгами, энаси Аслиддиннинг тўшагини бўлак қилиб қўйди. Доим отасининг қўйнида маза қилиб ётарди. Шу кундан тонг-азонда отасининг қўйнига бир кириб, искаланишни одат қилганди. Тонг-азонда Аслиддин отасининг ёнига ўтиб бўйнидан қучиб эркалади. Отаси доим қуш уйқусида бўларди, у ёнига кириши билан бошини, елкаларини силаб қўярди. Негадир шу куни отаси уйғонмади. Аслиддин унинг бўйнидан қучиб шивирлади:

— Ота, отажон...

Мулла Салоҳиддин индамади. Аслиддин аввал шивирлаган бўлса, энди таҳликага тушиб чақира бошлади:

— Отажон-он!..

Шу кунларда чолининг оёқ учиди тун бўйи жонсарак бўлиб ўтирадиган отинбуви сачраб турди:

— Бевовта қилма, эси йўқ.

Ўғлини койишга койиди-ю негадир отинбувининг ранги ўчиб чолининг бошига ўтиб чўнкайди. Кўрпани кўтариб чолининг юзига зеҳн ташлади, кўкрагини силади. Кейин ранги докадай оқариб, беҳуш пичирлади:

— Отангдан айрилиппиз, вой, болагинам!..

Отинбуви ўзини тутолмай ув тортди. Аслиддин эса отасининг худди уйқуда ётгандай беозор юмилган кўзларига, ҳали қон қочмаган юзига термулиб, ўлганига ишонқирамагандай кўксига бош қўйиб ўкирдди:

— Отажон, тулинг, отажо-он!..

Отинбуви унинг елкасидан тортди:

— Тур, болагинам, отангни қўйнама!

Отинбуви пайпасланиб тахмондан бўғча туширди. Аслиддинга қоралас тўнча кийгизиб, белига қийиқча боғлаб тайинлади:

— Ҳовлига чиқ, болам, товуш қил — одамлар эшитсин. Энди сенга ота қайда-а!..

Аслиддин ташқарига чиқиб, ўтов керага-сига суяниб айтиб йиғлай бошлади:

— Меҳрибоним отажон, отажон-н!..

Чанг-губорсиз сахарги тоза ҳавода Аслиддиннинг товуши қир-қояларга ўрлаб, узоқларга кетди. Бўзариб келаётган тонг олдида қишлоқ аҳли унинг товушидан уйғонди. Атрофдан қари-қартанлар оқими кела бошлади. Ишга яроқли одамлар, ўсмирлар ҳаммаси ғалла ўрмига — ўтарга чиқиб кетган. Биргина раис билан сувчи бола қишлоқда тунаб, тонг-азонда далага жўнаб кетарди. Бобоқул раис ҳаммадан аввал от қўйиб етиб келди. Авзойидан Аслиддиннинг товушини эшитиб, йўлдан қайтганга ўхшарди. Отини чорбоғ сиртида қантариб: «Вой акам» лаганча ўтовга отилиб кириб кетди. Марҳум билан видолашиб, ташқарига ўзини босолмай ўкириб чиқди:

— Вой, акагинам-ах, бунчалар зукко бўлмаса-ях, мен галварс ризо-розилик айтманг депман-а!.. Эйй, дунёйи бевафо, мулла акам биздан рози бўлсин! Эҳ, янгажон-эй биз шундай одамга қўш ҳайдаттик, ўроқ ўргиздик, ҳўп янчкиздик... Мисқоллаб топган илмини оёқ ости қилдик! Бизни мулла акам кечирсаям худо кечирмайди!

Бобоқул раиснинг кўзларида ёш қалқиб, бир муддат ўзини босолмай эзилиб титради. Кейин ўтардаги одамларга, атроф қишлоқларга айтувчилар жўнатиш, жойига одам тайинлаш ва бошқа ташвишларга елиб-югура кетди.

Ичкики йиғлаётган Аслиддиннинг назарида борлиқни шишадай тип-тиниқ сув босгандай бўлди. Дов-дарахтлар, одамлар — бутун борлиқ сувда сузаётгандай биланглаб чайқалар эди.

Чошгоҳ маҳали ўтардан етиб келган акаси ҳам, Ойсалиҳа опачаси ҳам юриб эмас, сувда сузиб келишди. Ойсалиҳа опачаси сув тагида димиканидан, отасининг пойига ҳушсиз йиқилди... Пешин маҳали кўтарилган тобут ҳам лопиллаб сувда сузиб кетди...

Орадан уч кун ўтиб, отинбувининг лабилунжини қулдираган учик босиб кетди. Эрталабданок чўзма пишириб, чолининг арвоҳига дуойи-фотиҳа ўқиди. Кейин болаларига кўрган тушини айтиб берди:

— Тушимда эмас, худди ўнгимда кўргандай бўлдим: раҳматли оталаринг мана шу ўтов остонасига келиб: «Китобларни асраб-авайланг», дедию, кўздан ғойиб бўлди. Гўринг тўла нур бўлгур, биздан жудаям хафага ўхшаб кўринди.

Отинбуви кўзига ёш олиб, ҳасрат қилди:

— Бухоройи шарифдан олимлик даражасини олиб қайтганда, раҳматли оталаринг ўттиз олтининг устида эди. Араб, форс тилларини мукаммал биларди. Эҳ, нимасини айти, шу илми туфайли умри қувғинда, таҳликада ўтди... Нозик замон қувғинда ўпқасини совуққа олдириб, мана, дунёдан ўтти-кетти...

Интиҳосиз бир соғинч туйғуси билан ўтирган Аслиддин ўзини тутолмай ўкириб юборди:

— Энди қайдан топаман сизни, отажо-он!..

Унинг ноласидан Камолиддин ҳам, Ойсалиҳа ҳам кўзларига ёш олди.

Отинбуви болаларининг юракларини идратганидан афсусланди. Ўрнидан туриб, ўғилларини эргаштириб қишлоқ ҳовлига йўл олди. Қир беткайидаги кенг-мўл ҳовли чеккасидаги, камдан-кам одам кирадиган бостирма — қазоқ эшигидаги қулфни очди. Эшикдан бошқа бирон тирқиш бўлмаган хона сим-сиёҳ қоронғи эди. Отинбуви гугурт чақиб, деворга илинган тошчиқоқни ёқди. Ўғилларига лаш-луш тўлиб турган хандақ ичини тозалашни буюрди. Бўшаган хандақ тубида тахта қопқоқ кўринди. Отинбуви ишораси билан Камолиддин қопқоқни кўтарди. Қоронғи лаҳимдан юқорига зах ҳиди анқиган ачқимтил эпкин кўтарилди. Аслиддин аксириб юборди. Отинбуви тошчиқоқни тешиқ оғзига яқинлатиб, Камолиддинга пастга тушишни буюрди. У қиялаб турган нарвончадан букчайиб пастга тушди.

— Қара-чи, болам, китоблар қандай ту-

рипти? — Отинбуви қўлидаги тошчиқоқни Камолиддинга узатди. — Яхшилаб кўр, сичқонлар тегмаптимиз?

Камолиддин лаҳим ичида бир пас айланиб, елкасига, дўпписига кулранг моғор популар илашиб ташқарига чиқди.

— Қандай, китоблар яхши туриптими, болам?

— Сичқонлар тегмаган, лекин захлаб қолаёзибди. Китобларни бошқа жойга олмасак бўлмайди.

— Қаерга оламиз-а, болам?

— Нариги уйнинг тахмонига териб, чўпкори қалаб суваб юборамиз.

Отинбуви Камолиддиннинг ақлига, топқирлигига қойил қолиб, севиниб кетди:

— Тўғри айтасан, энанг айлансин.

— Фақат оқшомни ўтказиш керак, — деди Камолиддин.

— Худо кўрсатмасин, сездириб қўйсак борми, уйимиз куяди, болам, — деди Отинбуви ёқасига туфлаб.

Отинбуви билан Камолиддин бир муддат китобларни «дафн этиш» ташвишини маслаҳатлашиб олди. Шу орада Аслиддин тошчиқоқни олиб, ирғишлаганча лаҳим ичига тушиб кетди. Икки ёнлама тахталар устида катта-кичик китоблар қалашиб ётарди. Аслиддиннинг кўзи ярқ этиб очилгандай бўлди: отасининг қаердан китоб олиб ўқишини энди билди. Китобларни томоша қилмоқчи эди, энаси койиб, чиқишга мажбур қилди.

Отинбуви ўғилларини қолдириб, ўзи ташқарига йўл олди. Остонага етганда бир нарса эсига тушгандай изига қайтди. Лаш-лушлар орасидан латта олиб узатди-да, тайинлади:

— Китобларнинг чанг-чунгини яхшилаб артинглар, оталарингнинг арвоҳи шод бўлсин.

Яхши замонлар келса, икковинга сабоқ бермоқчи эди. Бечора, ниятига етмади.

Отинбуви чолига ачиндими ё ўғилларининг шу китоблардан бебахра қолганиданми, хўрсиниб кўзига ёш олди. Кейин эшикни сиртидан қулфлаб тирқишдан шивирлади:

— Тушлиқда келаман.

Камолиддин тошчиқоқни икки томонга баравар ёруғлик берадиган қилиб жойлади-да, лаҳим ичига тушди. Аслиддин акаси узатётган китобларни олиб хандақ ичига тера бошлади. Чиройли китобларга суқланиб отасини эслади. Меҳрибон отажони билан кетган кунлар, воқеалар бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Айниқса, бир қоп оқ бугдой билан гулдор дастали пичоқ туфайли юз берган тафсилотлар ота меҳрини қўмсаган бегубор шуурида муҳрланиб қолди.

МУШТАРИЙЛАР МАКТУБИДАН

АВЛИЁБОБОМИ, ОСТОНА ОТАМИ?

Қадим Самарқанднинг кунботар томонида, катта-кичик қирлар қуршовида кичкинагина бир қишлоқ бор. Уни халқ Авлиёбобо, баъзан Остона ота деб ҳам аташади. Шу юрт одамлари, фарзандларининг ўз қишлоғига ошқора ва баъзан ботиний муҳаббатлари беқиёс. Ошқоралиги ўз ўзидан аён, ботиний муҳаббатни қандай тушуниш мумкин, дерсиз. Ажабланманг, шундай пайтлар бўлганки, асрлар бўйи номланиб келинган, боболари унинг билан фахрланган Авлиёбобо номини баъзида фарзандлари тилга олишга ҳам қўрқиб қолишганди. Чунки ўша пайтларда салла ол, деса калла олишга тайёр бўлган,

маънавий, маданий урф-одатларимизга зарпечакдек чирмашган баъзи раҳбарлар, мутлоқ ҳукмрон эдилар. Уларнинг назарида қишлоқларни бундай ном билан аташ эскилик сарқити саналарди. «Шаккок»лар эса қувгин қилинарди, қийин-қистовга олинарди. Хуллас, тиллар занжирда, диллар қафасда эди. Энди мустақил халқимиз. Ўз келажагимиз, тақдиримизни ўз қўлимиз, ақл-идрокимиз билан қуришимиз керак. Шу боис юртимизнинг ҳар гарди бир тарих, ҳар гиёҳи қадрлидир. Шундай экан, Авлиёбобо қишлоғидаги гумбазли мақбарани ўрганиш, уни таъмирлаш, қаровини яхшилаш вақти етиб келди. Энди ҳам эътибор берилмаса, унда кеч бўлади. Аждодларимиз руҳи биз тириклардан рози бўлмайди.

Бу ноёб ёдгорликнинг деворлари шарқона услубда безатилган. Мақбара ичига уч кишининг қабр-ёдгорлиги жойлашган. Кўк мрамар тошда қадим битиклар бор. Хонақоҳнинг шарқий-жанубий қисмида ҳаво алмашиниши

учун махсус туйнуқлар қўйилган. Мақбаранинг олд томонида чоғроққина ҳовлиси бор. Унинг ёнида бир ҳужра бўлиб, эътиқодли кишилар авлиёларни зиёрат қилиш учун тез-тез келиб туришади.

Авлиё бобо (Остона ота) мақбараси қай вақтда ва ким томонидан қурилганлиги ҳозиргача маълум эмас. Мақбарага қўйилган азиз зотлар кимлар, улар қандай кароматлар кўрсатишган, халқнинг ҳурмат-эъзозига, муҳаббатига ўз-ўзидан сазовор бўлишмаган-ку, деган ўй ва саволларга жавоб ахтарганлар кўлчилик.

Истагимиз маҳаллий ҳукумат раҳбарлари, ҳурматли олимлар биргаликда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришса. Бизнинг шарқ удумига кўра, ҳар бир авлиё деб сифинилган жойда бир хислат, яхши ҳосият зуҳур бўлган. Зора қишлоғимиздаги Авлиёбобо (Остона ота) мақбараси ҳам шундай жойлардан эканлиги далиллар билан асосланса.

Юртдошларимиз фахр ва ифтихор билан аларнинг табаррук номларини эларо ёйишса. Хотиралари олдида таъзимда бўлишса. Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардикки, айни кунларда бу табаррук жойни қайта таъмирлаш режалари тузиб чиқилган. Хайрли ишга «Ўзбекистон 50-йиллиги» давлат хўжалиги раҳбарлари, хусусан, ғаллачилик бригадаси бошлиғи В. Санаев бош-қош бўлишмоқда. Қишлоқ аҳли эса, ҳашар йўли билан қилинадиган ҳар қандай ишга тайёр туришибди.

Бундай осори-атиқалар қанчалик кўпайса, халқнинг миллий қиёфаси ойдинлашади. Қадр қиммати юксалади. Келажаги равон йўлларга тушади. Хуллас, эзгулик учун қилинган ҳар бир иш хайрли бўлади.

Саид ҚУРБОНОВ,
Советобод туманидаги
49-ўрта мактабининг
ўзбек тили ва адабиёти
ўқитувчиси

РАШИДУДДИН АЛ-ВАТВОТ МАКТУБЛАРИ

Урта асрларда Хоразмда илм-фан ва маданият ғоят тараққий этди. Маданий ҳаётнинг бундай ривожига маҳаллий олиму адиблар, шоирлар билан бир қаторда турли сабабларга кўра узоқ эллардан, хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб, ижод қилган адиб ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни катта бўлган. Айниқса бу ҳол XI—XIII асрларда — Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври тарихан алоҳида ажралиб туради. Андалузиялик олим ва сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080—1169), Ибн Анийн номи билан танилган шомлик машҳур шоир Шарафуддин Муҳаммад ибн Наср (1144—1232), 1153 йилда Хоразмга келган Ал-Қози Еқуб ибн ал-Жандий, машҳур олим ва котиблардан саналган, Хуросоннинг Наса шахридан келган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ан-Насавий, Ал-Қассоб номи билан машҳур Сарийъ ул-Каас лақабли нишопурлик адиб Муҳаммад ибн ал-Хусайнлар шулар жумласидандир. Лекин ўша даврда Хоразмга келиб бу ерда яшаб ижод қилганлар ичида балхлик шоир ва адиб, машҳур котиб Рашидуддин ал-Ватвот алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий бўлиб, у Рашидуддин ал-Ватвот номи билан машҳурдир (ватвот-арабча кўршапалак бўлиб, у бўйи паст, тепакал ва башараси хунук бўлганидан шундай деб аталган бўлиши эҳтимол).

Рашидуддин ал-Ватвот 487 ҳижрий (1094 мелодий) йилда Балхда туғилиб, унинг ёшлик йиллари шу шаҳарда ўтган. Балх ўша пайтда Хуросоннинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаган йирик шаҳарларидан бири ҳисобланиб, унда кўпдан-кўп мадрасалар, масжидлар ва кутубхоналар мавжуд бўлган. Ал-Ватвот ўша пайтда Балхнинг энг эътиборли мадрасаларидан бири саналган Низомия мадрасасида таниқли олим, имом Абу Саъд ал-Харавийдан таҳсил олган. Мадрасани муваффиқиятли тамомлаб амалий фаолият билан шуғулланади ва тез орада ўз даврининг кўзга кўринган шоир ва адиби сифатида эл орасида танилади. Сўнгра у Хоразмга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшайди. У Хоразмшоҳлар саройида катта ҳурмат ва эътибор билан қарши олиниб, аввал Хоразмшоҳ Отсиз, ундан кейин унинг ўғли Ийл Арслон, унинг вафотидан кейин унинг ўғли Алоуддин Текиш саройида махсус котиб (котиб алхосс) вазифасини ўтаб, ҳукмдорларга яқин кишилардан бири бўлиб қолади. Ҳокимлар ўртасидаги расмий мурсалатларнинг нозик ва нафис жиҳатларини тўла эгаллаган, мактублар жанрини пухта ўзлаштирганлиги, араб ва форс тилларини мукамал билганлиги, шубҳасиз, Ал-Ватвотни Хоразмшоҳлар саройида энг эътиборли кишилардан бири даражасига кўтарган.

Рашидуддин ал-Ватвот ўз ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ насрий ва назмий асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Биз бу мақоламизда унинг қаламига мансуб «Ар-Расоил» («Мактублар») асари хусусида бирқадар тўхталамиз. Араб тилида ёзилган бу мактублар 1156—1173 йиллар орасида битилган бўлиб, Хоразмшоҳ Отсизнинг (у 1127—1156 йилларда ҳокимлик қилган) набираси Султоншоҳ Маҳмудга (у 1172—1193 йилларда ҳукм юритган) бағишланади. Ал-Ватвотнинг бу мактублари «Мажмуат

ар-расоил» («Мактублар тўплами») номи билан аталган бўлса-да, ҳозирги илмий адабиётларда қисқача «Ар-Расоил» («Мактублар») деб юритилади. Мазкур мактублар дастлаб Муҳаммад Афанди Фаҳмий томонидан 1898 йилда Қоҳирада нашр қилинган.

«Ар-Расоил» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми халифлар, султонлар, хоқонлар, вазиру амирлар, ҳокимлар, қозий ва муфтийлар номига жўнатилган турли-туман мактублардан иборат. «Мактублар»нинг иккинчи қисми эса, юқори мансабли амалдорлар, машҳур шахслар, шоиру адиблар ва муаллифнинг ўз дўсту биродарларига йўллаган мактубларидан иборат.

«Мактублар»да ўша давр сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига доир кўпдан-кўп маълумотлар келтирилган. Балх аёнларидан бирига йўллаган мактубида Балх аҳли унга нисбатан ноҳақлик кўрсатиб инсоф юзасидан иш тутмаганлиги, ўз элининг дури, яхшиларининг пешвоси бўлган шундай улуг кишининг қадрига етмаганлигини қайд этади.

Ал-Ватвотнинг замондоши хоразмлик машҳур олим, адиб ва шоир Маҳмуд аз-Замахшарий (1075—1144) билан ҳам муносабатлари диққатга сазовордир. Манбаъларда келтирилишича, аз-Замахшарий Шарқнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан Маккада бир неча марта бўлган ва узоқ муддат у ерда яшаган. Шу боисдан ҳам у Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган шарафли лақаб билан ҳам машҳур. Ал-Ватвот «Мактублари»да келтирилган бир хатда у ўша пайтда Маккада яшаётган аз-Замахшарийга «ҳар қанча хоҳишим бўлса-да имконим йўқлигию насиб этмаганлиги туфайли Маккани зиёрат қилишдек улуг неъматдан маҳрумман», — деб изтироб чекади.

Рашидуддин ал-Ватвот билан аз-Замахшарий ўртасида кўпдан-кўп ижодий баҳслар, дўстона суҳбатлар ва мулоқотлар бўлиб ўтган. Ушбу учрашувларга асосланиб Ал-Ватвот аз-Замахшарийнинг олим сифатидаги баъзи хусусиятлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради. «Устоз (аз-Замахшарий) билан ўртамазда — унинг ижодий фаолияти даврида ҳам, роҳатда бўлган вақтларида ҳам — адабиётининг турли жиҳатлари ва араб илмларининг ҳар хил масалаларига оид ҳисоб-китоби йўқ кўпдан-кўп ва узундан-узоқ илмий мазмундаги суҳбатлар бўлган эди. Шу суҳбатлар чоғида устоз менинг сўзларимга диққат билан қулоқ тутар ва мен кўтарган масалаларга ғоятда эътибор билан қараб кўпинча уларни маъқулларди. Чунончи, мунозара чоғида ҳақиқатга амал қилишлик унинг саодатли ишларидан эди. Кейин у ўзи маъқул топган масалаларни яна бирин-кетин санаб чиқарди... Устознинг гўзал фазилятларидан ушбу арзимас бир мисол ёшларни (ундан) воқиф қилиш ниятида келтирдим, — деб ёзди Рашидуддин ал-Ватвот. — Чиндан ҳам бу инсон — гарчанд барча билимларни тўла эгаллаган ва жамъий воқеаларнинг соҳиби бўлатуриб — ҳақиқатнинг аччиқлигию, ҳалолу покликнинг қайноқ ҳароратига қармасдан ўта сабр-тоқатли киши эди. Башарти ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди».

Ҳатто аз-Замахшарий вафотидан кейин ҳам Рашидуддин ал-Ватвотнинг ўз устозига нисбатан ҳурмати баланд бўлиб, уни бениҳоя улуғлаган ва устози асарларини ҳар хил ноўрин тузатиш ва ўзгартиришлардан ҳимоя

қилган. Бу хусусда ал-Ватвотнинг ўша давр машҳур олимларидан бирига йўллаган мактуби ғоятда ибратлидир: «Яқинда қўлимга устоз аз-Замахшарийнинг «Асос ал-балоға» асарининг бир нусхаси тушиб қолди. Қарасам, асарга шундай ўзгартишлар киритилганки, буларни эътиборсиз шу зайдда қолдиришни виждоним мақбул кўрмаётир... Башарти оллоҳ умрларини узоқ қилгур ҳазратлари (яъни сиз) маъқул кўрсангиз, мен ушбу нусхани оллоҳ руҳини мунаввар қилгур Жоруллоҳ аз-Замахшарийнинг шахсан ўзлари кўриб чиққан нусха билан муқобила қилиб ўзгартирилган ғалат ибораларни тuzатаман. Хатосини савобига айлантириб бу хайрли ишни камолига етказаман. Жанобларига мен томонидан бениҳоя кўп шукрлар ва битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин».

Рашидуддин ал-Ватвот мактублари туфайли Хоразм салтанатида ўша пайтда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлганини ағлаймиз. Шу боисдан ҳам Хоразмга хорижий элу юртлардан турли-туман табақага мансуб кўплаб одамлар келиб яшаганлар. «Хоразм шу даражага бориб етдики, — деб ёзди Рашидуддин ал-Ватвот, — у қўрққан ва хавф-хатарга тушганлар учун бехатар макон, элма-эл кезиб юрадиганлар учун маскан, қочган-қураганларга манзилгоҳ, дарвишлар учун паноҳжой бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматларидан қалблари куйиб-ёниб нажот излаб келардилару бу жойда барча иллатлари шифо топган, дарду аламлари бартарф бўлган, жамийки юмушу ташвишларидан қутилган ҳолда қайтардилар. Оллоий таолога — бу ўлкага кенг кўламли бундай улуглигу бу даражадаги олий ҳимматни муяссар кўрганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин». Ал-Ватвот кофирлар (аҳл ал-куфр) деб атаган, — турк кўчманчи қабила-ларининг вақти-вақти билан Хоразмга ҳужумлар уюштириб турганликларини, Хоразмнинг оғир иқлими — ёзда жазирама иссиғи, қишда қаҳратон совуғи ҳақидаги хабарлар билан бир қаторда мактублардан ўша пайтда Хоразмда яшаган олимлар, шоир ва адиблар ўртасидаги илмий мунозаралар, илмий маърифий тўғарақларнинг фаолияти ҳақида ҳам бой тасаввурга эга бўламиз.

Рашидуддин ал-Ватвот мактублари тили ва услубининг нафислиги, ибораларининг теранлиги билан ажралиб туради. Бу борада унинг аз-Замахшарийнинг шогирди Қози Жамолуддин Еқуб ибн Ширин, аббосийлар халифи ал Муқтафий, шоир Ал-Ҳоқоний, Салжуқийлар султони Санжарнинг сарой шоири Собир ибн ат-Термизийга йўллаган мактубларида юксак бадий маҳорат билан бирга саж услубидан ғоятда усталик билан фойдаланганини, котиблик санъатининг сиру асрорини бекаму кўст эгаллаганини кўраимиз.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Хоразм заминида узоқ муддат яшаб ижод қилган балхлик шоир, адиб ва котиб Рашидуддин ал-Ватвот қолдирган илмий ва адабий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шубҳасиз, Урта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини тўла ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди,
СССР Шарқшунослар уюшмасининг
аъзоси



Дилураб сатрлар

Муҳаммад Исмоил яшаш ва одам бўлишнинг маъноси, ҳақиқати-ни қидиради. Одамнинг бугунги аҳволини у Ватан ва халқнинг аҳволи билан бир бутунликда англайди, шундай яхлит тасаввур қилади. Тасаввур ва англашнинг бир бутунлиги унинг дилидаги оғриқларини асло камайтирмайди.

Муҳаммад Исмоилни таназзулга учраган маънавият ўртайди. У қидириб, қидириб маънавиятнинг асл сарчашмасини — иршод ва ҳидоятни кўкдан топади.

Яратганни севиш ва иймон келтириш, сеvgи ва иймонда саботли бўлишни маънавиятнинг асл маъзи деб тушунади. Унинг барча шеърлари асосида бу тушунча — эътиқод ётади. Унинг шеърларини осон ўқиб кетолмайси. Лекин қийналиб ўқигач, шоир хаёлига фикрингиз етгач, дилингиз бирдан ёришиб кетади. Ҳамфикр бўлишга унсиз ундаган бу шеърларни дўст тутгингиз келади.

Иброҳим ҒОҒУРОВ

Муҳаммад ИСМОИЛ

Дунё ҳам қариди. Ҳуши ариди,
Йўли-йўригига бўлмас тушиниб.
Қуръонни ўқимас, айтиб дардини
Ўзига қайтара олмас ҳушини.

Одамзот қариди. Йўқдир меҳвари,
Айниган, савдойи одамлар жони.
Келса гар чўкмоққа лойиқдир бари
Нух Алайҳис — салом даври тўфони.

Одамзот қариди. Бўлари бўлди,
Борар даргоҳи йўқ, худодан бошқа.
Одамзот қариди. Бўлари бўлди,
Борар даргоҳ излар худодан бошқа.

АРМОН

Шикаста, хаста кўнглим
Ҳасса тутиб қўлида.
Тиз чўкмас кўргилигим,
Хўрлигим келганида.

Майлим гар шўробликка
Шайланганида шўрлик,
Сўниқ тобелигига
Ҳасса қилар қаршилиқ.

Қисмат йўлин белгилаган
Буюкликдир изтироб.
Мен инсонлик йўлагидан
Адашиб кетдим ҳисоб.

Гангиган юрт гирдобиди
Ўз умримни излайман —
Эркинсан деб, эрк бермас,
Ўпқонда сузолмасдан.

Дийдамдан каттароқ ғам
Қийнар ўйлаган сайин
Элу она тупроғим бор
Даврони йўқ найлайин.

Худо менга умр берди,
Уни олмоқда давр.
Давр мени ўлдирмоқда,
Яна қолмоқда давр.



ИҚРОР

Аён бўлди барчаси
Не бор бари илоҳий.
Дил — илоҳнинг шарпаси
Оят сингари олий.

Қаро ғамдан толганда,
Сўнгги умид чекса «оҳ»,
Ойни кўриб қолганда,
Дерсан: — Яратган Оллоҳ!

Гоҳ ўз зарраси янглир,
Муруватли этар ул.
Ўздан кечиб гоҳ ўзни,
Гуноҳга этарсан қул.

Гоҳо гуноҳ — виқор, шаън.
Чекмасан айбдан алам.
Минг покланиб қаросан,
Фонийсан шул сабаб ҳам.

Фақат руҳ азалий ҳур
Ва боқийликни каби —
Қалбни англаб бўлмайди,
Эгаллаб бўлмас қалбни.

* * *

Қип-қизил гул қоғоз деворли хона.
Аёл вужудининг салтанати
Ўстирмоқда мени эркаклантириб

Ул вужуд титроғи қалб зулматида
Узик думи каби калтакесакнинг
Жони бор, аммо у гайриинсоний,
Йўлга сололмайди бирор истакни.

Олийлик кўклами унгувчи тупроқ,
Ҳидоят соғувчи маросимдай у
Узун ташлаб қўйса ишқ арқонини
Балки мен у билан қолардим мангу.

* * *

Сен — қалбаки бахт.
Кетдинг.
Увада жойномоздай
муҳаббатнинг қадри тугади.
Замбуруғ умидлар — ожиз бахтиёрлигим
Севги сени —
айри айри яшамоққа ундади.

Ахтарарсан боғламасдан айилларин,
асли бўм-бўш ва муваққат
раъйингнинг майилларин.

Сарфлаб бўлсанг қолган-қутган
софлигини,
баллон сиқиклиги каби
дардга тўлади қалбинг.

Яна шодлик — тутқич бермас учар гилам —
— олмагай тин.
Қолган умринг авайлайсан.
Оқман дея шайланасан,
Олий ирқли хаёлий ишққа.

Собит яшаш, бўйин эгмоқ-чун
Сен ўзингни алдашинг керак.
Алдовни хушламоқ, кўникмоқ учун
Кундадошинг, кундошинг юрак.

ИШТИЁҚ

Ўзимга қилмайин
ортиқча жабр,
Ўзимни тияйин,
дейману, барибир
Ул аёл олдида
сабр қила олмасман,
Қасдим бордай жонимда
қасдлашиб толмаган.



ҲАДИСЛАР

Тангри сиғинмоқни одам-одамга
Жоиз деса, жоиз келса бу одат,
Фарзандларга дердим ҳар дам, ҳар дамда:
— Фақат онангизга қилинг ибодат!

* * *

Тангрининг ҳар ҳукми ҳикмат эканки,
Лаънатлагай кимки тузса заволни:
Аёллар кийимин кийган эркакни,
Эркаклар кийимин кийган аёлни.

* * *

Ноаҳил кишилар миллат қисматин
Қўлига олса ул миллат йиринглар.
Қутқаринг миллатни, йўқса қийрашин,
Қиёмат соатин кутиб туринглар.

* * *

Золим алдаб юрса, золим яйраб юрса
Халқлар қараб турса, халқлар қараб турса
Халқлар кўрмаса гар унинг чорасин,
Оллоҳ азоблагай улар барчасин.

МАКТАБЛАРДА ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

Умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш бошланганига етти йил, қайта қуриш бошланганига олти йил бўлаяптики, лекин муқаддас даргоҳдаги ўзгаришлар ота-оналарни ҳам, ўқитувчиларни ҳам, тегишли мутасаддиларни ҳам қониқтирмапти. Хўш, мактабларда қачон ўзгариш бўлади?

Кейинги вақтда ўқувчиларга ҳар бир фандан маъқул ўқитувчини танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Аммо бу ҳуқуқ берилди эмас, эълон қилинди ва даста-даста савол-жавоблар билан расмийлаштирилиб, ёпилса очилмайдиган пўлат сандиқларга жойлаб қўйилди... Ўқувчилар йил охирида ўзларига маъқул ўқитувчини талаб қилиб ёзиб берадилар ва биринчи сентябр куни ўша муаллимни кута бошлайдилар. Аммо биринчи соатдаёқ эски ўқитувчи: «Салом, болалар!» деб режа, дафтарларини қўлтиқлаб синфда пайдо бўлади. Шундай пайтда ўқувчиларнинг ҳафсаласи пир бўлади, аммо орада юзхотирчилик, андиша, каттани ҳурмат қилиш деган миллий анъаналаримиз борлиги учун ўзлари ёқтирмаган ўқитувчини синфдан чиқариб юбораолмайдилар. Аммо ўқувчилар йил бўйи дарсда кўнгилсизлик билан ўтирадилар, берилган топшириқларни бажармайдилар, турли тadbирларни ўтказишга рағбатлари қолмайди. Улар ўз истақлари мактаб директорининг хушомадсеварлиги оқибатида топталганидан беҳабарлар. Чунки қобилиятсиз ўқитувчи иззатталаб директорнинг пинжиги киришни яхши ўзлаштирганлиги учун энг яхши синф ўқувчиларига дарс беради. Натижада ўртамеъналик, саводсизлик, лоқайдлик сингари қусурлар авж олаверади.

Ишимизнинг оқсоқ жиҳатларидан бири шуки, қобилият жиҳатидан бир-бирдан ер билан осмончалик фарқ қиладиган ўқувчилар бир синфда, бир партада ўқийдилар, ҳатто уларга бир хил дастура асосида таълим берамиз. Бу, менимча, истеъдодли болаларни таҳқирлаш, истеъдодсизларни эса беҳуда уринтиришдир. Бундан ташқари, барча фанларни яхши ўзлаштиролмаганларга ҳам ҳужжат берамиз, ҳунар-техника билим юрларига режани тўлдириш учун мажбуран жойлаб келамиз. Энг муҳими, буни айнан юқори ташкилот талаб қилганидай бажаримиз керак. Акс ҳолда ишимизга баҳо бераётганда шундай йўл тўтиладики, бир неча йиллик чеккан захматларингиз билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади. Менимча, болалар мактабдаёқ истеъдодига қараб ажратилиши керак. Яхши ўзлаштиролмайдиганларнинг синфи алоҳида бўлиши, лозим бўлса бундай синфлар қўшни мактабдагилар ҳисобидан тўлдирилиши керак, уларнинг дастурини ҳам ўзига хос тарада тузиш даркор. Эҳтимол, биз уларнинг хат-саводини чиқариб, маълум касба йўналтириб, кейин мактабдан озод қилармиз. Бу масалани ҳам Халқ таълими вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди. Чунки бу ишнинг аллақачон вақти етган.

Шунингдек, ўқитувчиларга муносабат тубдан ўзгармас экан, мактабларда ўзгариш бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ўқитувчидан ҳар бир дарсни кўргазмалли қуроллар, техника воситаси, дидактик материаллар, жонли мисоллар асосида ўтиш қатъий талаб қилинади. Аммо ҳар бир дарсда бунинг иложи борми? Мутасадди ташки-

лотлар кўргазмалли қуроллар ва бошқа материалларни ўз вақтида таъминлаб турадимиз? Мен ўн беш йилдан бери ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берман. Бу давр ичида бирорта ҳам босмаҳонада тайёрланган вазирлик ёки марказий малага ошириш билимгоҳи томонидан тасдиқланган рисоладагидек кўргазмалли қурол олмадим.

Ҳар бир дарсни кўргазмалли қуроллар билан ўтишни иложи йўқ. Бунга ўқитувчи улгуролмайди ҳам. Биринчидан, ҳар бир кўргазмалли қурол учун маблағ керак. Уни тайёрлаш учун эса камида бир соат вақт керак. Масалан, эртага менинг олти соат дарсим бўлса (борингки уч соати параллел бўлсин) учта кўргазма тайёрлашим керак. Бунга уч соат вақт кетади, фақат дарсни ўйлаб мактабда юраверсам, тирикчилик нима бўлади? Маошим оилам иқтисодини бир меъёрида қоплай олмайдими-ку! Учтинчидан, кўргазма тайёрлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Тўртинчидан, кўргазма билан дарс ўтганининг соатига тўланадиган ҳақ оширилиб, усиз машғулот ўтказганники камайтириб қўйилмайди. Бу муаммо ҳам вазирлигимиз томонидан ўйлаб кўрилиши шарт. Бунинг учун менинг таклифим бор: биз тайёрлаган ҳар бир кўргазма учун сифатига қараб пул тўлансин! Мактаб комиссияси унга қандай ҳақ тўлаш ҳақида хулоса берсин. Иложи бўлса ой охирида илмий бўлим мудири кўргазмалли ва кўргазмасиз ўтилган дарслар ҳисобини юритса, уларга алоҳида ҳақ тўлаш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Бу ишни туманлардаги ички имкониятлар асосида амалга оширса ҳам бўлади.

Ҳозир мактабларда ўртамеъна, истеъдодсиз ўқитувчилар кўпчилигини ташкил қиладди. Улар, кўп йиллик кузатишим бўйича, истеъдодли педагогларга эргашмайдилар. Сабаби жон куйдиришни хоҳлашмайди. Сабаб шунчаки дарс берсалар ҳам ҳеч ким ойлигини камайтириб қўймайди. Раҳбарият ёки куюнчак ҳамкасблари жиддий иш талаб қилса, биргаликда бош кўтариб энгиб ташлайдилар. Истеъдодли ўқитувчининг фожеаси шундаки, қанчалик куйиниб, жон фидо қилиб дарс ўтмасин, ўртамеъналар билан тенг ҳақ оладилар. Бу ҳол уларнинг ўз касбларига бўлган ишончларини сўндиради. Таълим-тарбия ишларининг узоқ йиллардан бери депсиниб турганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шу, десак хато қилмаймиз. Шунинг учун ҳар бир мактабда ўқитувчининг маҳорат ва қобилият даражасини белгилаб, дарсга ҳақ тўлаш жорий қилинишини таклиф қилардим. Шундагина ўқитувчига нисбатан маълум адолат ўрнатилган бўлади.

Боланинг ижтимоий онги бошланғич синфларда шаклланади ва бутун умри учун пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун бошланғич синфда ўқитиш усули ғоят мукаммал ўйланган, пухта тажрибалар асосида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Бу ўринда XIX асрдаги Туркистонда болаларга хат-савод ўргатиш тажрибасидан фойдаланиш керак. Чунки миллий мактаб фақат қадимги анъаналар асосидагина тикланади.

Бу босқичда, ойлик маошни қисқартирмаган ҳолда, ўқитувчининг дарсини ўн соатдан оширмаслик лозим. Токи ҳар бир бошланғич таълим муаллими иш вақтининг яр-

мисини дарс ўтишга, шунчасини тайёрлашга ажрата олсин. Дарсларда келтирилган мисоллар миллий хусусиятларимиз заминини кўрсатувчи халқ оғзаки ижодининг мумтоз намуналари — «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Авазхон», «Ойсулув» каби дostonлардан, халқ қўшиқлари ва эртакларидан олинishi керак.

Бошқа соҳаларни билмадиму, мактабда устоз ва шогирдлик масаласи кескин қўйилиши керак. Олий таълимгоҳни битириб келган ҳар бир ёш ўқитувчи тажрибали бир муаллимнинг этагидан маҳкам ушлаши лозим. Ҳозир бу соҳада мактабларда ҳеч иш қилинмаётир. Уста кўрмаган шогирд ҳар мактабда йўргалар деганларидек, ёш ўқитувчилар кўпинча самарасиз, қоқоқ усулларда дарс бериб юрадилар. Агар у олий таълимгоҳда қунт билан ўқиб, ишда асқотадиган асосий нарсаларни ўрганиб қайтган бўлса-ку яхши, пул билан, амал-тақал қилиб битирган бўлса, худо урди деяверинг. 40—50 ёшлардаги даққи ўқитувчилар таъсирига тушиб, ҳеч қачон виждонан ишламайди. Вазирлигимиздаги ўртоқлар бу масалани кечиктирмай ўрганиб чиқишлари учун бир-иккита таклифимни айта қолай: ёш ўқитувчи бир устознинг этагидан маҳкам ушладими, ундан кўп нарсани ўрганади. Устоз эса унга йўл-йўриқ беради, дарсларига кириб ютуқ ва камчиликларини кўрсатади. Кўргазмалли қурол тайёрлаш, дарсга тайёргарлик кўриш, дарсда ўзини қандай тутиш, мавзунини осон тушинтириш, ота-оналар билан ишлаш, бадий кечалар, мушоира ва учрашувлар ўтказиш каби ишларни мукамал тушунтиради, бунга вақт ва меҳнат сафрлайди. Бу нарса ишимизда катта самара бериши муқаррар.

Шунинг учун устоз кўзга кўринарли даражада моддий рағбатлантирилиши керак. Чунки моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда ишнинг салмоқли натижаси бўлмайди.

Ҳозирги кунда ўқитувчи ва ўқувчилар зиммасида талайгина жамоатчилик ишлари бор, гўё бусиз мактаб ҳаёти тўкис эмасдай. Мактаб ҳар йили давлатга маълум тонна металл, қорғоз чиқиндиси, рангли металл, данак топшириши керак. Қайси мактабга борсангиз, ҳовлисида, стадионининг бир чеккасида темир-терсак уюмларини кўрасиз. Сабаб: олиб бориб топшириш учун транспорт йўқ. Баъзан директор ёки ўринбосари ўз ишини ташлаб трактор қидириб юрганини кўрасиз. Шундай пайтда ўйлаб қоласан киши: мактаб топширадиган нарсалардан ким манфаатдор? Нима учун манфаатдор ташкилот пулини тўлаб олиб кетмайди? Директорнинг юк машинаси йўқлигини ҳамма билади-ку! Ахир, қачонгача мактаб раҳбари жамоа ёки давлат хўжалиги раҳбарининг оstonасида трактор сўраб сарғайиши керак?!

Шу фикрларни ёздиму, мен билан баҳслашадиганлар ҳам изтиробли ўй билан бандмикандлар, деган хаёл миямни ҳеч-ҳеч тарк этмайди. Мактабларда ҚАЧОН ЎЗГАРИШ бўлади?..

Боқий МИРЗО ЕДГОРМИРЗО ЎҒЛИ,
Чортоқ туманидаги 6-ўрта мактаб
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси



МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутати,
Қўқон шаҳар умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи
Баҳодир ТҶИЧИБОЕВ билан мусоҳаба

Бизнинг суҳбатимиз халқимиз ҳаётидаги қутлуғ дамларга — Ўзбекистон жумҳурияти Мустақил деб эълон қилинган кунларга тўғри келди. Табиийки, асрий орзу-армонларнинг ушалиши билан бир-биримизни қутладик, қалбларимизни ҳаяжонга солган туйғуларимизни баҳам кўрдик.

— Жумҳурият мустақиллигини қўлга киритиш учун қанча-қанча саъй-ҳаракатлар лозим бўлди. Юз йилу чорак асрдан буён турли хил кўринишларда давом этиб келган мустақилликдан халос бўлдик. Айтинг-чи, халқ ноиб сифатида азалдан қуйилган ва ниҳоят эришилган мустақиллик сизда қандай таассурот уйғотди?

— Узоқ давом этган булутли кунлардан сўнг бирдан чарақлаб чиққан қуёшдай, десам, балки, вужудимни ғалаёнга солган туйғуларни ифода этгандай бўларман. Ўзингиз биласиз, турли хил давраларда, яхши маросимларда ўринли-ўринсиз ишлатиладиган бир ибора бор: «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор». Бу ҳикмат шу онда бирдан бутунлай бўлакча мазмун касб этди. Ҳа, бу қутлуғ дамларга етиб келгунча қанчадан-қанча қонлар тўкилмади, дейсиз, не-не азиз бошлар қурбон бўлдилар, бу кунларга етолмасдан бир неча авлод армон билан ўтди. Хайрият, насибамиз бор экан, ана шу дамларга эришиб турибмиз. Мустақиллик ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида халқ ноиб сифатида менинг ҳам улушим — овозим борлигидан мамнунман.

— Сайловчиларингиз-чи, уларнинг руҳи, кайфияти қандай?

— Баланд руҳ билан Тошкентдан қайта солиб тезда сайловчиларим ҳузурига ошиқдим (мен Қўқон шаҳар Алишер Навоий сайлов округидан депутат қилиб сайланганман). Барчанинг юзида ҳушнудлик аломатларини кўрдим. Карнай-сурнай садоари тантаналарга уланиб кетди, ўйин-кулги куй-қўшиқларга уланди. Ахир, қувонмасдан бўладими? Зероки, ана шу замин, ана шу ҳаво, ана шу осмон энди ўз-ўзимизники — бировлар даҳл қилолмайди. Энди ҳамма гап ана шу мустақилликни мустаҳкамлай билишда қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бир муаммони, масалан, маънавий-маданий муаммони бошқа бирдан, яъни сиёсий-иқтисодий муаммолардан алоҳида ажратиб кўрсатиш мушкул. Лекин улар ичида энг муҳими оддий меҳнаткаш халқни ижтимоий нуқтаи назардан ҳимоялашдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир кишининг рисоладагидай ҳаёт кечирishi, шаъни ва қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазат қилиниши керак. Бунда мен жумҳурият Президенти Ислон Каримовнинг қатор фармонларини алоҳида мамнуният билан қайд этиб ўтаман. Муҳтож кишиларга ер майдонлари ажратилиши, мактаб болаларини бепул овқатлантириш, ногиронларга ёрдам қўлини чўзиш каби талай тадбирлар ана шулар жумласидандир. Биз корхона ихтиёридан Қўқондаги боқувчисиз қолган, ёлғиз, бечораҳол

кишиларнинг бепул овқатланишлари учун «Саховат» ошхонасини ташкил этдик ва ишга туширдик. Бунинг учун 100 минг сўм маблағ ажратилди. Мактабдаги болаларимизнинг бепул овқатланишлари учун эса йилига 150 минг сўмдан пул ажратаямиз. Шаҳардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни юмшатиш учун аниқ режалар асосида иш юритаёямиз.

— Халқ ноиб сифатида ўзингиз қандай ишларни амалга ошираясиз?

— Ўз сайловчиларининг дард-ташвишларини ўз ташвишлари деб билмаган ноиб халқ орасида обрў-эътибор қозонолмайди. Ана шу туйғуни дилимга маҳкам тугиб қўйганман. Ўн олти минг сайловчининг рўйхати қўлимда. 250—300 хонадонни эса доимий назоратим остига олганман. Бечораҳол кишилар, етим-есирлар айниқса диққатим марказида. Шахсан ўзим қирқдан ортиқ беиш юрганларнинг иш билан таъминланишига, ўттиздан ортиқ оналарнинг фарзандлари боғчаларга жойланишига, йигирмадан зиёд хонадон телефонлаштирилишига эришдим. Аҳоли мавзеларида турли хил маросимлар ва тўйлар ўтказиш учун махсус айвонлар қурилди, бир мактаб ва болалар боғчаси газ билан иситишга мослаштирилди, икки юздан ортиқ хонадон газлаштирилди, айни кезларда Тўхлимерган маҳалласини газлаштириш учун беш минг метр узунликда қувур тортилган... Шу ўринда депутат хусусида ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман. Халқ ишончи жуда катта масъулият. Буни ҳар бир ноиб яхши англаши, чуқур ҳис этиши лозим. Сайловди учрашувларида халқ томонидан қўйилган талаблар, айтилган илтимослар ваъдалигича қолиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда ана шу депутатдан одамларнинг ихлоси қайтади. Афсуски, айрим депутатларимиз бу оддий нарсаларни англаганлари билан унга риоя қилмайдилар. Акс ҳолда жуда катта ишларни амалга ошириш, кишиларнинг умидларини рўёбга чиқариш мумкин. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, Қўқондан Иттифоқ Олий кенгашига битта, жумҳурият Олий кенгашига олти, вилоят кенгашига йигирмадан ортиқ, шаҳарнинг ўзига эса юздан зиёд депутат сайланган. Агар уларнинг ҳар бири ўз зиммаларидаги бурч ва масъулиятни чуқур англаб, белгиланган вазифалари рўёби йўлида астойдил ҳаракат қилганларида эди, ишончим комилки, халқ олдида юзими янада ёруғ бўлган бўлур эди. Ахир одамлар умид билан бизни сайлаган экан, биз ҳам ана шунга яраша иш қилайликда. Бунинг учун жонни койитиш, чинакамига ҳаракат лозим. Баъзи депутатларимиз кўпчиликнинг дарду ташвишларига бефарқ қараётгани мени ранжитди ва шу билан бирга сергак тортиради ҳам. Кучларни бирлаштиришда шаҳар кенгашининг ўрни ва аҳамияти катта, лекин, очигини айтиш керак, шаҳар кенгаши, унинг раиси бу нарсаларга ҳамиша ҳам астойдил эътибор беравермайдилар. Гап-сўзларни иложи борица камайтириб, амалий ишни кўпроқ қилиш керак. Аҳолиси бир юзу саксон мингдан зиёд бўлган шаҳарнинг ташвиши билан яша-

моқ керак...

— Ўзингиз раҳбарлик қилаётган корхона қандай ишларни рўёбга чиқараётгани ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Икки минг икки юз кишилик жамоани ташкил этган корхонамиз умумий овқатланиш йўналиши бўйича аҳолига хизмат қилади. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштирамиз. Ердамчи хўжаликни биринчилардан бўлиб етмиш саккизинчи йилдаёқ ташкил этганмиз ва бундаги моллар асосан корхона чиқитлари билан озиқлантирилади. 20 тонна лимон, 20—30 тонна мева-чева, сабзавот ўзимизда етиштирилади. Гулбарги, каватокидан қилинган консерваларимиз қишда ҳам асқотади. Халқимиз меҳмоннаво халқ. Ҳожатманд кишилар истаган пайтда қўнғироқ қилиб буюртма беришлари мумкин. Меҳнат кишининг маданий-маиший турмуши даражасини яхшилаш доимо эътиборимизда. Тоғ бағрида, табиатнинг сўлим ва манзарали қўйнида беш гектар майдонда дам олиш уйи қурдик. Унда бир йўла қирқ киши бемалол ҳордиқ чиқариши мумкин. Яқинда бу ерга Маккаи-Мадинани зиёрат қилиб қайтган ҳожилар ташриф буюришиб, мамнун бўлишди. Корхона маблағи ҳисобига қурилган 280 ўринли «Зилола» деб аталган замонавий болалар боғчасини эса компютерлаштирдик ва араб, инглиз тилига мослаштирдик. Келажакимиз, истиқболимиз эгалари қалбида пайдо бўладиган ҳавас зора ана шу ердан бошланса. Яна бир гап: ота-оналар боғча ҳаққини тўлашдан озод қилинганлар, уни корхонамиз ўз зиммасига олган. Ишловчи аёлларимизга енгиллик бўлсин деб уларнинг иш кунини бир соатга қисқарттирдик.

— Қидирган имконият топади, деганлари шу бўлса керак-да.

— Худди шунақа. Эртани кўзлаб иш юритмасак бўлмайди. Бир неча бор жумҳурият алоқа ҳамда олий таълим вазирлари ҳузурида бўлдим, сайловчиларнинг илтимослари ва талабларидан келиб чиқадиган муаммоларни кўндаланг қўйдим. Улар шаҳримизга ташриф буюриб, шароит билан яхшилиб танишдилар. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси бўлса керак, икки мингта хонадонга телефон симлари тортилди, Фарғона политехника олийгоҳининг кечки бўлими иш бошлади, турли хил мутахассислар тайёрловчи технология олийгоҳининг кундузги бўлимига талабалар қабул қилинди. Ҳамма нарсада ҳаракат лозим, яхшилик йўлида қилинган иш самара бермай қолмайди... Жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилинганлиги маъносини, унинг мазмун-моҳиятини англаб олишимиз керак.

— Мустақилликни мустаҳкамлаш, турмушимизнинг ҳамма томондан тўқис бўлиши чора-тадорикларини кўриш ва ҳар бир фурсатни қўлдан бермасдан ҳаракат қилишимиз лозим.

Суҳбатдошимизга бу йўлда биз ҳам муваффиқиятлар тиладик.

Суҳбатдош
Баҳодир АМИНОВ



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎХТАБОВЕВ.

Сураткаш Р. Нурибоев




Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ. Халқ устаси, Ўзбекистон
Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси уста Ширин Мурод
ўғли.



Лутфилла АБДУЛЛАЕВ. Совет Иттифоқи
Қаҳрамони Солиҳ Умаров.



Бехзоднинг ёшлиги.



Улугбек юлдузлари.


*Мусаввир
Зайниддин
Фахриддинов
асарларидан*



Сарбадорлар



Алишер Навоий.



Ҳайкалтарош
Абдумўмин БОЙМАТОВ
асарларидан
намуналар

Темирчи оиласи.

Гимнастикачи кыз.



ҚОРЛИ ТОҒЛАР ТУРАР БОШИДА

— Хув анови тошлар орасидаги қўланкани кўраясизми? — Бекмурод ака қўли билан узоқ-узоқларга ишора қилди. — Уша Амир Темурнинг ғори. Қишлоғимиз ўртасидан оқаётган сув эса Тарағой ариғи деб аталади.

Бекмурод ака Боймуродов — Чироқчи туманидаги «Қалқама» давлат хўжалиги директори. Аввалига атрофи тоғлар билан қуршалган бу ям-яшил водийга кириб келганда хушманзара оромгоҳлар маскани — сўлим курортлар хаёлимга келди. Хўжалик раҳбарини эса шу ҳордиқ гўшасининг хўжайинидай тасаввур қилдим. Атроф дов-дарахтларга буркалган, тоғ-тошларга урилиб оқаётган зилол сувнинг чулдираши кўнгилда ўзгача бир виқор уйғотади. Бунинг устига жаннатмакон бу манзилгоҳнинг тепасида Амир Темур бобонинг муқаддас ғори бамисоли саодат тожи каби турган бўлса. Қандай маззая! Киройи шундай жойда яшасанг...

«Қалқама» давлат хўжалиги раҳбарларининг фаолияти доираси, юмуш ва ташвишлари билан яқиндан танишар эканман, дастлабки таассуротларим алдоқчи эканлигини сездим. Чунки бу ердаги муаммолар бўйи-басти қорли тоғлардан қолишмайди. Мазкур масканга уч-тўрт кунга меҳмон бўлган, менга ўхшаб мухбирлик ён дафтари билан келган одамгина табиат гўзалликларидан завқ-шавққа тўлиши мумкин. Аслида шу заминнинг файзу борақасини сақлаш учун елиб-югурадиган бетиним одамларнинг кундалик меҳнати дилларни сархуш этувчи ҳис-ҳаяжонни эмас, балки пухта ҳисоб-китоб билан ҳаракат қилишни тақозо этади.

Амир Темурнинг табаррук қадамжоларига ҳақли ворис бўлган бу одамлар замонамиз тарихини, таъбир жоиз бўлса, истиқболини яратиш билан бандлар. Улар сел йўлларини астойдил меҳнат билан тўсишган. Лекин қишлоқ шўроси (уям Қалқама деб аталади) ҳудудидаги халқ турмушини яхшилаш йўлларини эса Тошкентдаги баъзи идоралар тўсиб туришибди. Гўё қават-қават биноларда жойлашган ва зирликлар, ундаги масъул шахслар қишлоқ аҳлининг жонига оро кириш учун эмас, балки уларга халақит бериш учун яратилгандай. Қаёққа қараманг — таъқиқ, қатағон чоралар.

Келинг, муаммолар ҳақида бир бошдан ҳикоя қилайлик. Хўжаликка тутатиб кетган селхона бунёд этилганига унча кўп бўлгани йўқ. Унинг сигими 9,5 миллион кубометр бўлиб, тўпланган оби ҳаёт қўшни Илчиёв номли давлат хўжалиги ва бошқа жойларга ҳам тириклик бахш этиши мумкин. Аввалига мазкур ишоотни сув омбори қилиш режаси тузилди. Мўлжал 40 миллион кубометр сув сигимига эришиш эди. Мутахассислар 1987 йилга келиб бу фикрдан қайтишди. Негаки, тупроқ қатлами сувнинг анча қисмини шимиб юборар экан. Табиатнинг ана шу жараёнини камайтириш чора-тадбирлари кўрилсин, деган хулосага келинди.

Бекмурод ака хўжаликка 1982 йилда бош бўлган бўлса, шундан буён ўйлагани сув, гишт муаммоси. Қани энди шу ернинг ўзида маржондай териб иморат қуриш имконини берадиган гишт заводи қурилса. Фақат орзунинг ўзи билан бўлмайди албатта. Ўз-

бекистон пойтахтидан келган мутахассислар Қалқама тупроғини роса элак-элак қилишди. Таҳлил икки йил давом этди. Натижа кўнгилдагидек: бу ернинг тупроғидан ажойиб гишт тайёрласа бўлади. Шундай хулосага 1984 йилда келинган эди. Бу ҳақдаги ҳужжатлар «Узгеологхимруд» деган ташкилот жовонларидagi китобларда битилганича турибди.

Хўш, ана шу ғоялар қозондан амалиётга кўчиши учун нима қилиш керак? Даставвал, гишт ни мада пиширилади, деган савол туғилди. Кўмир ишлатилса-чи? Йўқ, қимматга тушади. Устига-устак сермеҳнат жараён дейишди. Газ-чи? Маъқул, лекин уни Максим Горький номли давлат хўжалигининг Увода қишлоғидан (20 километр) олиб келгунча йигирманчи аср охирлаб қолади. Ниҳоят: шундай ечимга келишди, бошламасига электр қуввати билан ишлашади, газ келгач шу ускуналар қайта мослаб юборилади. Ҳозир мазкур ишни хорижий фирмалар билан ҳамкорликда амалга оширишни мўлжаллашапти. Зора ишбилармонлар ҳаракати тезроқ самара берса. Лекин бу муаммони тумандаги раҳбарлар тушунишса-да, вилоятда ижобий ечимга хайрихоҳ бўлишса-да, жумҳурият газлаштириш идораси мутасаддилари рўйхушлик беришмаяпти. Эмишки, тоғ йўллари паст-баланд — текис жойлардагига нисбатан кўп ҳаражат ва меҳнат кетармиш.

— Йўл қуриш ҳам тоғда раво жойларга қараганда қимматга тушади, — дейди Бекмурод Боймуродов жиғибийрон бўлиб. — Лекин бу йўл қурилмасин, деган маънони бермайди-ку. Газ ҳам шундай гап. Одамларимиз тоғлар

орасида яшаганликлари учун жазоланмасликлари керак.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси барча тоғолди масканлари каби «Қалқама» хўжалигини ҳам четлаб ўтган эмас. Агар юқорида тилга олинган гишт заводи ишга тушса, бу ернинг халқи ҳар томонлама энгил нафас олган бўлур эди. Бундан ташқари мрамор тайёрлайдиган кичик корхона, тивит цехи (ахир қачонгача қимматли хомашёни арзиманган баҳода сотамиз) очилса, тери ошлаш йўлга қўйилса, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланилган бўлур эди.

«Қалқама» давлат хўжалиги узум етиштиришдан йилига 2 миллион сўмлик даромад кўрапти. Ана шу рақамни бир неча баровар кўпайтириш мумкин. Бунинг учун уларнинг кўзи икки жойга умид билан тикилган: бири Қаршига, яна бири олис Фарангистонга. Гап шундаки, вилоят кенгаши раиси Темир Хидиров худди шу ҳудуддан Ўзбекистон халқ депутатлигига сайланган. Жумҳурият олий ҳокимиятининг вакили шарбатшинни дастгоҳларини ишга тушириш бўйича Фарангистондаги корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жон куйдирмоқда.

Биз юқорида тилга олган муаммолар ҳаммаси инсон омили билан чамбарчас боғлиқ. Агар улар тезроқ ҳал этилса, қадинни тиклаётган қалқамаликларнинг ташвишлари камайган бўлур эди. Ана ўшанда табиатнинг фусункор бу бағридан баҳру дилни очадиган сатрлар битса ярашади.

Шухрат ЖАББОРОВ

Лекин барибир «энажон»дан бошқасини тилга олмасди. Ҳалиям йиғини энди ўрнаётгандек тортинарди, бу сўзлар дафн маросимига тўғри келмаса керак, деб ўйларди.

Инсоннинг жонсиз танасини абадий уйига қўйиш эса, Неъмат Қувватов ўйлаганчалик, ваҳшиёна тарзда (унинг тасаввурича, онасини шу чуқурга ташлашади-ю, устидан тупроқ бостиришади) эмас, балки... Аввал оппоқ кафанли жасадни юқоридагилар пастга — лаҳадга авайлаб узатишди, лаҳаддаги икки киши эса уни яхшилаб жойлаштирди. Лаҳад гувала билан бекитилди. Ушандан сўнг тупроқ ташланди. Бу ҳолатни кузатган «ўлик эгаси» бироз тинчланди. Лекин онасидан бутунлай ажралишни ҳис қилиб, қабристондан йиғлаб-йиғлаб чиқди...

Унинг эрта тонгда бошлаган йиғиси маросим давомида ўзгариб борди. Ҳозиргиси эса эрталабкисига сира ўхшамасди. У қабристондан чиқаркан ҳеч бўлмаса отасини қандай кўмганлигини эслашга яна уринди. Эслади. Лекин фақат шунда нимага эътибор берган бўлса, шулар ёдига тушди. «Хўжабош ота» да ҳам унинг атрофи тўла одам эди ўшанда. ...ев ҳам келувди қабристонгача. Ана шулар ёдида. Демак отасини кўмабди. У мисоли ҳавога учиб кетгану ўлди, деган сўз қолган. Бу сўз унга маросимлар

ўтказилиб, ўзининг кимлигини ҳис қилиш учун отасидан мерос қолган экан-да...

Қувватов қабристон дарвозасидаги ёзувга яна қаради — «Хўжабош ота». «Барибир билиб оламан, ҳеч бўлмаса ўзимни шу ерга олиб келгунларига қадар улгураман билишга бу сирни». Ўзининг охирати ҳақида ўйлади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. «Ҳа, мени ҳам олиб келишади — қамоқда чириб кетмасман, уйимга келиб оёғимни узатиб ўларман, ахир ҳозир иши кейинга қолганларга энгилроқ беришмаяпти-ку. Ахир мен бу ишларни ўзим ўйлаб чиқармадим-ку? Бу аслида ҳам шундай қоладигандек эди-ку?! Шундайлигига имон келтирмаганига ҳам қўймадилар-ку?! Нима, есам, едирмадимми? Қанча едим бир қорнимга? Уйларми, кошонами... Нураб тушсин, ер билан яксон бўлсин улар, фақат...»

У бирдан чўчиб хаёлини ўнглади, ахир бунинг учун эмас, онасидан ажраб қолаётгани учун йиғлаши керак.

Уйга қайтганларида яна, одатга кўра, ўлик чиққан хона атрофида йиғи бўлди. Неъмат Қувватовни маҳалла раиси — нуруний қария тирсагидан етакламаганда яна бир пас йиғлагулик ҳолати бор эди:

— Уйга кир, Катта бовалар...

Неъмат Қувватов ўзини бироз эплаб ичкарига кирди — тўрда қайта қуриш билан юза-

га келган янги катталар: янги сайланган «биринчи», ўзи раҳбарлик қилган корхона бош директори вазифасини вақтинча бажараётган Ҳотамов, ўзи яшаётган хўжаликнинг янги директори Пўлатов ўтирибди. Келганларига анча бўлган чоғи анчайин ўрнашиб олишибди. «Ўликни аллақачон кўмиб келишган бўлса керак деб ўйлашганда... Аслида мўлжални тўғри олишган, биз кечикдик, маросим чўзилди, хаёлидан ўтказди Қувватов. Ниҳоят улар ҳам қўзғалдилар. Азадор Қувватовни кузатиб машина олдиғача борди.

— «Ишлар» энгиллашаптими? — сўради машинага ўтириш олдидан «биринчи».

— Тергов тугади, бу ёғини биладим... Ҳартугул, тинч қўйишмайди чоғи.

— Бардам бўлинг, йигит боши тошдан. Нималар бўлмайди ҳаётда, — бу пайтда «биринчи» ўз ўрнига ўтириб, эшикни ёпишга шайланарди.

«Нималар бўлмайди ҳаётда». Демак, қамалишимга ишончи комил... Ўзим ҳам билман». Машина жилди. Аввал аччиқ тутун димоғини ачитди, сўнгра чанг...

Неъмат Қувватов атрофга аланглади. Азага кечиккан узоқдаги қариндошларига кўз тикди. Одатга кўра азага янги одам келганда йиғи бўлади...

«МАНҚУРТ»НИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Кадимги туркий халқлар маданиятининг юзага келиши ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бу улкан меросни яратувчи халқнинг бошидан бир умр машаққату зулм аримади. Манқуртлар жабру азобини ҳам ҳеч бир миллат туркийларчалик тортмаган бўлсалар керак. Аждодларимиз бир неча юз йиллар давомида босқинчилар зулми остида эзилиб яшадилар. Босиб олинган ёки манқуртларнинг мавқеи баланд бўлган юртларда ҳамфикрлик, бир ёқадан бош чиқариб иш кўриш жудаям қийин бўлди. Бунга миллатнинг миллий қадр-қиммати, маънавий ва моддий бойликлари ваҳшиёна топталганига тарих гувоҳдир.

Манқуртлик... Унинг келиб чиқиш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Масалан, ёзувчи Чингиз Айтматов ўзининг «Асрга татигулик кун» асарида манқуртлик билан боғлиқ бўлган бир ривоятни шундай тугатади: ...«Жунгжанларнинг бундай (тери қоплаш — М. М., М. А.) қийноғига дучор этилган қул, ё даҳшатли азобларга бардош беролмай ўлиб кетади, ёки хотирасидан умрбод маҳрум этилиб, ўтмишини эслай олмайдиган қулга — манқуртга айланиб қолар эди»... «Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. Ўзининг инсоний қадр-қимматини идрок этолмаган манқурт хўжалик ишлари нуқтани назаридан бир қанча афзалликларга эга. У натовон ва забонсиз бир маҳлуқ бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткор ва беозор». Демак, «Асрга татигулик кун»да қул жунгжанлар ваҳшиёна хўрлаш натижасида жисмонан мажруҳ этилиб, манқуртга айлантирилганлар.

Аммо, барча даврларда ҳам миллатнинг ичида маълум зўравон сиёсат таъсирида ўз миллий тарихини унутганлар, ҳатто камситувчилар истаганча мавжуд бўлган. Ундайларни ҳам шартли равишда манқуртлар дейишимиз мумкин. Агар тарих тараққиётига чуқурроқ назар ташласак, ҳар қандай босқинчиликнинг замирида ҳам тобе этилган халқларнинг миллийлигини, ўтмишини йўқ қилиб, у миллатни бутунлай муте қилишдек (манқуртга айлантиришдек) мақсад ётишини кўраимиз.

Ўрта Осиёни ўрус чоризми босиб олганидан кейин босқинчиларнинг бу ўлкада олиб борган ваҳшиёна ишларини изоҳлашга бугунги кунда ҳожат йўқ. Она тупроғимиз забт этилгандан сўнг туркий халқлар мисилсиз хўрликларга дучор этилдилар. Чунки, бу босқинчилик ўз моҳияти билан бутун бир миллатни манқуртларга айлантиришни мақсад қилиб олган эди.

Туркистон генерал-губернаторининг олий мақсадларидан бири ҳам ўлкада миллийликка дахлдор қадимий ёдгорликларни зудлик билан йўқ қилиб юбориш бўлганлигини унинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаса бўлади: «Агар биз қанчалик тез бузиб ташласак (мусулмонларнинг қадимий миллий ёдгорликларни назарда тутилган — қайд М. М., М. А.) рус давлатчилиги учун шунчалик фойдадир» (В. Н. Гартевельд. «Путевые очерки Туркестана», Москва 1914 г.).

Маълумки, Туркистон генерал-губернатори ўлкада жуда катта ваколат соҳиби бўлиб, бутун ҳокимият унинг қўлида бўлган. Россия мустамлакачилик сиёсатининг диний масаладаги олиб борган ишлари маҳаллий

руҳонийларга восийлик қилишдан иборат эди. Биз манбаларни ўрганиш жараёнида бирор мусулмоннинг христиан динига ўтишга мажбур қилинганлиги ҳақидаги маълумотга дуч келмадик. Аммо, бу ўрус чоризми юртимизда ўзининг туркий халқлар миллий маданиятини йўқ қилиш ва ўруслаштириш ниятидан воз кечганлигини билдирмайди албатта. Негаки, жамоат жойлари, давлат муассасалари, маҳкамалар, суд ва банк идораларида жамийки ишлар фақат ўрус тилида олиб борилар, ўрус амалдорлари маҳаллий аҳоли билан таржимон воситасида гаплашар эдилар. Уша пайтларда ўзбек тилида биттагина газета чиқариларди, холос. Унга ҳам босқинчилик сиёсатининг ҳимоячиси Н. Остроумов раҳбарлик қиларди. Умуман олганда Туркистон ички ҳудудий жиҳатдан крепостнойлик-маъмурий анъаналари асосида тузилиб, асосий мақсад қилиб чор Россияси хазинасини тўлдириш манфаатларигина кўзда тутилган эди. Ҳатто, XIX асрда бу ерда ташкил топган илмий жамиятлар ҳам босқинчилик сиёсати учун хизмат қилишига қаратилган эди. Уша даврдаги Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими номига Туркистон ҳарбий округи қўмондони ёрдамчисининг ёзган мактубида «Жамият Шарқни Шарқ учун ва фан учун эмас, балки, халқларни Россияга кўшиш — руслаштириш учун ўрганиш керак», деб уқтирганди.

В. В. Бартольд эса «Шарқни ўрганиш фойдали бўлиб қолмай, балки зарарли ҳамдир», деб ёзади.

Маълумки, ўрус полковниги А. Г. Серебренников таъриф берган: «Истории завоевания Туркестанского края» номли (1840 г.) кўп томли китобдан ҳам ўлкани босиб олиш арафасидаги миллийликка зарба бериш борасидаги ҳаракатларни билиб олиш мумкин. Лекин босқинчиликнинг оғир шароитида ҳам маъмурларнинг жаҳолатига бардош берган туркий халқлар ўз миллий маданиятини сақлаб қола олди.

Инқилобдан кейин ҳам юртимизда асрий эзгу анъаналар, расм-русумлардан миллатни шафқатсизларча мусово қилишлар, урф-одатлар, ҳатто миллий кийимларни, туркона либосларни бидъат, эскилик сарқити деб уқтиришлар тўхтамади. Энг ёмони эса таълим ва тарбия ишида миллий асос йўқ қилиб юборилди. Ўрта умумий таълим мактабларида ҳам, олий ўқув юртларида ҳам туркий халқлар тарихи, маданиятини ўқитиш, ёшларни туркона одоб, ҳаё руҳида тарбиялаш бутунлай издан чиқариб юборилганлиги бугунги кунда изтироб билан айтилмоқда. Ахир мазкур соҳада бундай йўл тутиш келажак авлоднинг ўзлигини англашга имкон бермаслик ва охир-оқибатда уларни беозор мутеларга (манқуртларга) айлантиришга уриниш эмасми?

Босқинчилар туркий халқларнинг ўтмишдаги саводхонлиги ҳақидаги ҳақиқатни сохталаштиришга ҳам тиш-тирноқлари билан ҳаракат қилдилар. Улар мусулмонларнинг саводхонлик даражасини асоссиз равишда пасайтириб: «1897 йилги аҳоли рўйхатида кўра ўлкада саводхонлар 1,8 фоизни ташкил этган, яъни инқилобгача Туркистон аҳолиси деярли ёппасига саводсиз эди», шаклидаги фикрларни қатор монография-рисуналарда тез-тез учратамиз. Бу кўрсаткични тўғри деб тилга олиб, туркий халқлар ўтмишини камситмаган, миллий ғурурига зиён етказмаган В. И. Лениннинг, Инқилобдан олдин Туркистонда «ярим ёввойи»лик ҳукм

сурган, деган асоссиз гапини тилга олмаган олимлар қолмади ҳисоб. Ваҳоланки, жаҳон, ҳатто ўрус олимларининг ўзи ҳам Ўрта Осиё қадимдан илм-фан ва санъат ўчоғи бўлганлигини, бу юрт маданияти бутун дунё маданияти ривожига азалдан катта ҳисса қўшганлигини алоҳида эътироф этганлар. Ўрта Осиё халқларининг тарихий ўтмиши, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганган ўрус олими В. В. Стасов қуйидагиларни битган: «Ўрта Осиё санъати кўпгина Осиё ва Европа санъатларига қандай таъсир кўрсатганини (бу шубҳасиздир) аниқлаш зарур». Демак, В. В. Стасов Туркистон маданияти Оврупа ва рус маданиятининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлигидан шубҳа қилмаган. Бинобарин, туркий халқлар юксак ақлий-бадий иқтидори маҳсули сифатида улкан маданий обидаларни қолдирдилар. Эрамиздан олдинги V—IV асрлардан бошланган, Марказий Осиёдан топилган скиф даврига оид тасвирий санъат асарлари дейсизми, ундан илгарироқ бошланган туркий мифларни эслайсизми, VI—VIII асрлардаги Ўрхун-Энасой битикларини айтасизми, ҳаммаси ҳам туркий халқларнинг бутун жаҳон маданияти тарихига қўшган ҳиссасидир.

Бу далиллар ўз навбатида туркий халқлар қадим замонларданоқ ақлий дурдоналар яратувчи серфикр, иқтидорли халқ бўлганлигини асослайди. Бугунги кунда ўша инқилобга қадар ҳам юртимизда 30 фоиз аҳоли саводли бўлганлиги, бу даража ўз даврида дунё миқёсида олдинги ўринлардан бирини эгаллаши аниқ далиллар асосида айтилмоқда. Инқилобга қадар бутун Туркистонда 6600 мактаб бўлиб, уларда 70 минг ўқувчи, 311 мадрасада 9 минг талаба сабоқ олганлиги тарихий ҳужжатларда ҳам қайд этилган.

Тарих фанлари доктори П. Г. Ким тарихий манбаларга таянган ҳолатда саводхонлик хусусида қуйидаги маълумотни қайд қилади: 1897 йилда Россияда аҳолининг умумий сони — 126368800, мактаблар сони — 33401, ўқувчилар сони — 2318100, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар — 1,8 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги — 21 фоиз;

Туркистонда аҳолининг умумий сони — 3792774, мактаблар сони — 6027, ўқувчилар сони — 64015, аҳолининг умумий сонига нисбатан 1,7 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги — 19,55 фоиз бўлган.

Аммо, афсуски, бунда мавжуд тарихий ҳақиқатни манқуртлар сохталаштиришдан нарига ўтмадилар. Айрим миллатфурушлар ташаббуси билан эса араб ҳарфига асосланган ўзбек ёзуви «ислом дини ёзуви», «лаънати араб алифбоси» деб камситилди ва ниҳоят ундан фойдаланиш қатъиян ман этилиб, аввал лотин, кейин кириллица ёзуви жорий қилинди. Натижада халқимиз бир минг икки юз йиллик ўз тарихининг бадий адабиёти, илм-фан, санъати ёритилган минг-минглаб китобларни ўқиб-ўрганишдан маҳрум бўлди. Ҳатто, В. И. Ленин ҳам бундай беҳосиятликини, халқимиз бошига аянчли кунларни солган ишни улугълайди. У араб алифбосини янгиси билан алмаштиришнинг қизғин тарафдори бўлиб чиқиб: «Янги алифбони жорий қилиш билан Шарқда инқилоб бўлади», дея хитоб қилди.

Қайта қуриш шамоли яна бироз кечикканида миллатпурушлар ўз миллий ўтмишини унутиб, миллат тушунчасидан ҳам воз

кечишгача бориб етган бўлардилар. Лекин «Ўзбек тили тўғрисида Давлат тили қонуни»нинг қабул қилиниши жараёнида миллатфуруштлар ўзларини яна бир бор намоёниш этдилар. Қонуннинг лойиҳасида мавжуд бўлган туркий деган сўзнинг қонунни қабул қилиш чоғида тушириб қолдирилиши миллийликка берилган зарбадир, халқни туркий қавмларнинг қадимий бирлигини англашига йўл қўймасликдан бошқа нарса эмас!

Манқуртлар исканжасидан турмуш тарзимиз, уйларимиз ҳам четда қолмади. Улар шу даражага етиб бордиларки, қатто миллий, шарқона шаклдаги уйлар қурилишига ҳам қарши турдилар. Бунга мисол: бугунги кунда ўзбекларнинг фахри бўлган Тошкент ҳам ҳар жиҳатдан туркона кўркини йўқотганлигини кўриб турибмиз.

«Социалистик реализм» ва «партиявийлик принципи» асосланган адабиётда ҳам манқуртизм белгиларини хоҳлаганча ўқиш мумкин.

Ғафур Ғулом ёзган эди:

Рўзани тутманглар, чунки Муҳаммад Араб саҳросида оч қолган киши.
Онгли, тўқ фаровон ўзбек халқининг,
Муҳаммад дини-ла, қанчалик иши? —

Ҳа, ҳар бир давр айниқса турғунлик йилларига хос бўлган манқуртлик ва унинг салбий оқибатлари хусусида ҳали кўп гапирилади. Аммо, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев айтганидек, «биз истаимизми ҳаммамиз, беистисно ҳаммамиз, қатто ҳозирги кунда ўзларини қайта қуришнинг зарбдор кучлари деб ҳисоблаётганлар ҳам, биргаликда умумий хорга жўр бўлди, агар таъбир жоиз бўлса, у ёки бу даражада «сиёсат илмини» яратишга ҳисса қўшдик. Бу энди айрим олинган бир олимнинг хатоси ёки камчилиги эмас, бизнинг умумий фожиамиз эди. Аммо, ана шу фожида ҳам ёрқин юлдузлар, нурли нуқталар бор эдики, адабиётшунослик тараққиятини ана шу ёруғ юлдузлар белгилайди».

«Ёруғ юлдузлар»... Ҳа, улар ҳеч маҳал миллийликдан юз ўгирмайдилар. Ва айни чоғда энг таъқибли, оғир пайтларда ҳам виждонига қарши йўл тутмайдилар. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар... ана шундай нурли зотлардир. Афсуски, улар манқуртлар қўли билан йўқ қилиндилар, бу ўзбек халқи учун оғир жудолик бўлди.

Манқурт одамлар табиатан маккор, удабурон, ақлли, фақат ўз шахсий манфаатлари учун яшайдилар. Улар доимо ишонувчан, самимий одамлардан анчайин устомондирлар, миллатнинг равнақи учун курашувчилар йўлига доимий ров бўладилар. Давримизнинг фожиаси ҳам шунда — ҳар қандай жирканч ишларга қўл урадиган миллатфурушлар буқаламунлик қилиб кўпчилиكنинг кўз ўнгида миллий қахрамонларга айланиб қолганлар.

Ўзбекистон, биз ўзбекларнинг — дунёдаги энг йирик халқлардан бирининг ватанидир. Ҳар гўшаси ардоқли бўлган муқаддас ўлкамиз сўзсиз миллатнинг миллийлиги билан гўзал. Юртимизда миллийликнинг паст мавқеи, тушкун аҳвол учун аввало ўзимиз айбдор. Ҳа, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бошқа бир халқда такрорланмас миллий мероси бўлади. Бу муайян миллатнинг бебаҳо хазинаси. У авлоддан-авлодга ўтади. Ворислар уни кўз қорачиғидек асраб, бойитиб, келгуси наслларга қолдирадилар. Бизда манқуртлар мавқеининг баландлиги туфайли шу силсила узилиб, узок йиллар давомида ўз маданиятимиз неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлолмай келдик. Энди булар хусусида ҳар галгидан ҳам жиддийроқ ўйлашимиз керак. Агар биз ўз миллатимиз келажаги учун виждонан қайғурсак, шундай маънавий-руҳий муҳит яратишимиз лозимки, унда миллийлик янада ривож топади. Ушандагина ўзбек миллатининг дунё халқлари орасидаги мавқеи янада юксалади.

Муроджон МИРЗАЕВ,
Муҳаммад АҲМЕДОВ



Дўппи бозорида.

ЎЗЛИГИМИЗ ҚЎЛИМИЗДА - КУ!

Мен «Гулистон» ойнотмасининг шу йил 6-сонидан Аҳмад Нарзиқуловнинг «Маънавиятимиз топталмасин» сарлавҳали мақоласини қизиқиб ўқиб чиқдим. Мени мақолада айтилган автубосдаги ёш йўловчиларнинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан яхши хабардор эмасликлари кўп ҳам ажаблантирмади. Чунки мактабларда адабиёт фани, унинг асосий ўзаги бўлган халқ оғзаки ижодини ўқитиш мутлақо талабга жавоб бермайди. Бутун ўрта мактаб ўқув дастурида фақат 5-синфнинг адабиёт дарслигигагина «Алпомиш» достони киритилган. Уни ҳам номигагина ўтишади. Маълумки, қаторгон йилларида ва ундан кейинги даврларда халқимизнинг барча маънавий мулкига эскилик сарқити сифатида қаралган эди. Ҳозиргача ҳам ўша кайфиятдаги қарашларнинг таъсири сезилмоқда. Шунинг учун

ҳам халқ оғзаки ижодини чуқур ўқитишга дадил киришилмаётир. Қолаверса, халқ дostonларини қайта чоп этиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Ундан ташқари мактабларда Ўзбекистон, Урта Осиё тарихи ҳам жуда қониқарсиз ўқитилади. Ҳафтада Ўзбекистон тарихи дарслигини ўтишга бир соат сарфлашига қандай баҳо бериш мумкин?

Ҳурматли таҳририят ходимлари, «Маънавиятимиз топталмасин» сингари дадил ва кескин мақолаларни янада кўпроқ чоп этсаларингиз, зеро бу мақолалар мустақил жумҳуриятнинг эркин, озод ёшлари маънавиятининг юксак бўлишига хизмат қилган бўлар эди.

Ахир ўзлигимизни англаш вақти етиб келди-ку.

Гулчеҳра НИЯТОВА,
Жиззах



Алишер Навоини Самарқанди сари

Ассалом, ҳазрат Навоий!



Ассалом, ҳазрат Навоий, хуш нидойинг бирла мен,
Одамийлик даъватингдан, муддаойинг бирла мен.
Ҳар ғазал маъноси уммон, ҳар китоб баҳри муҳит,
Эс-хуши ғаввослик этган чин фидойинг бирла мен.
Бешта дoston — беш хазина, Фарҳоду Ширин билан
Лайли-ю Мажнунга барча маҳлиёинг бирла мен.
Ўз эли ҳам, ўз тилига сен каби содиқ бўлиб,
Жону жаҳд кўрсатган ул сўнмас садойинг бирла мен.
Ишқда бағри ёнган ошиқ дардига назминг даво,
Сен тараннум айлаган меҳру вафойинг бирла мен.
Руҳи покинг қўлласин деб, этди Зоҳиджон наво,
Сархуш айлар ҳар сўзинг, оханрабойинг бирла мен.



Оламдан кўз юмди Амир Курагон,
Бепоен салтанат бўлди минг курок.
Мирзолар ҳар юртда бир соҳибкирон,
Отмиш йил кечса ҳам тожу тахт улок.

Илмлар зиёсин йўғириб онгга,
Шеърят шавқида кўрсатди камол.
Оқшомни шамчирик уларди тонгга,
Тафаккур уйғотар минг турли савол.

Рўдапо дарвешлар ўтар деб, ё ху!
Туйғуга қандайдир гулғула ташлаб.
Нидодан кўнгиллар эрир мисли сув,
Шоир ўтиб борар ёрир тўзонни.

Юртларга чанг солди жанг гирдибоди,
Олимлар саргардон, боғ-роғлар пайхон,
Қайга ҳам етарди шўрлик эл доди,
Шаҳарлар бефайзу саройлар вайрон.

Гоҳ ҳорғин чиқади тор хужрасидан,
Қўндириб бошига шинам салласин.
Оби Маҳшад сойин шўх жилвасида,
Кўрмиш у кечган шўх ёшлик палласин.

Ким отда йўртади, кимдир эшакда,
Пиёда судралар фақир-фукаро.
Ғариблик аламин солиб юракка,
Шоир ҳам боради оламон оро.

Кимлардир юз тутди Шому ироққа,
Кимлардир йўл олди Хиндистон томон.
Навқирон Алишер кезди фирокда,
«Ғурбат аро холи ёмондан ёмон.»

Қошларин ораси жиндек тугунлик,
Бодом ковоқларда бордир зўриқиш.
Теран нигоҳида ўйчан туйғунлик,
Хаёлда Хиротга хазин зориқиш.

Музайян, улуғвор Бибихонимда
Самовий гумбазлар сирли гумбирлар.
Ажиб бир салобат босади зимдан,
Атрофни мунаққаш устунлар ўрар.

Лутфий фатфосидан қанотланиб у,
Беназир ғазаллар этмиши бунёд.
Зулматда илимдан ахтариб ёҳду,
Хиротдан Самарқанд сари сурди от.

Оби Маҳшад оқар, шоир хиссида,
Херуруд сойининг мавжи жонланур.
Мўжаз мўйловини силаб баъзида,
Ихчам соқолини ўйнайди базур.

Денгизда оқёлли тўлқин калқандай,
Саллалар тенг чўкиб, тенг юксалади.
Сўнг ҳар ким бир ният ўтинар атай,
Эмиш фалак бунда кулок солади.

Тоју тахт талашган мирзолар тез-тез
Самарқанд шаҳрини этмиш қўлма-қўл.
Шу боис ногирон шер каби бу кез
Кўринур бу даргоҳ хорғин ҳам мажҳул



Навқирон Алишер шу тумонатда,
Самога қўл чўзиб, қилади тоат.
«Шоҳларга инсоф бер» деб салтанатда,
Адолат тилайди, қил деб иноят.

Ҳамон Улуғбекнинг руҳи ўчмаган,
Чўнг шаҳар қуршади «фирдавси
монанд».
Ҳали саройларнинг раҳи кўчмаган
Мана шундай эди мунгли Самарқанд...

Сўнг кезур тепада вайрон расадни,
Туйғуси чирмашур тубсиз фалакка.
Дам фикру ўйини зулмат босади,
Улуғбек қисматин кўзғаб юракда.

Сўнг кезур Самарқанд расталарини,
Қузатар жангиру жунгир қарвонни.
Китоб дўқонлари чорлайди уни,
Ваъда айлаб янги-янги дунёни.

Аммо сўлғун эди руҳи, шавқати,
Аввалги салтанат салобати йўк.
Замоннинг бўлмаса ҳамки шафқати,
Илму урфон бунда топарди йўрук.

Хов унда, хувиллаб кўринар маюс
Улуғбек яратган «Чинниҳона» ҳам.
Иллари бузилган қушлардай тўс-тўс
Тиркираб кетмиши бундаги одам.

Кашмирдан, Дехлидан, Хўтан,
Хитойдан
Матолар, матолар, матолар бисёр.
Қашшоққа булардан ахир не фойда,
Ғадолар соядек судралар ночор.

Олиму уламо, зукко шуаро
Шоирни фаҳм этиб, кўрсатди химмат.
Муҳаббат уйғотиб фукаро аро,
Қозонди Алишер иззату ҳурмат.

Булбуллар хонишин тинглайди хомуш
Гоҳ Боғи Баландда кезаркан танҳо.
Мармар ховузларда изғир каламуш,
Қўшқу равоқлар бўш, ғариб бу асно.

Сўнгги акчасига харидлаб қоғоз,
Қайта у хужрага бўлғай равона.
Хусайн Бойқарога яна битиб роз,
Шеърда мадҳия тўқур шоҳона.

Ардоқли шогирдлар Абулайсийга,
Хўжа Уҳд Мастуний устоди аъзам.
Қизикур Муҳаммад Олим дарсига,
Кўзига тобора кенгайар олам.

Жума номозини ўқимок учун
Боради вайрона Афросиёбдан.
Замонлар ваҳшати тимдалар ичин,
Паришон йўл босар кун ўртар топда.

Маслаҳат йўллайди дўсти Султонга,
Қутлайди қозонган тоју тахтини.
Ҳомийлик сўрайди илму урфонга,
Маърифат келтирур деб эл бахтини.

У ҳар кеч оқшомни улайди тонгга,
Дилида не турли эзгу ният бор.
Илму фан зиёсин йўғириб онгга,
Эшигин ланг очур бахтдан умидвор.



Шеърят ҳақидаги баҳсу мунозаралар янги тус олиб борапти. Чунончи, сўнги пайтларда «руҳ билан англанадиган шеър», «мушоҳадаталаб шеър», «ақл билан англанадиган шеър», «бир ўқишдаёқ тушуниладиган шеър» каби бир мунча галати ибора, атамаларга ҳам дуч келадиган бўлиб қолди. Лекин, қизиғи шундаки, шеърят баҳсу мунозараларининг мундарижасини белгилайдиган миқёсга кўтарилиб бораётган ушбу тушунчалар мағзи, мазмунини англаганимиз сари адабиёт ҳақидаги, сўз санъатининг вазифаси тўғрисидаги қарашларимиз ҳам хийла ўзгариб кетаяпти. Қарашларимизда ўзгаришлар ясаётган бунга ўхшаш ҳодисалар туфайли узоқ вақтлар давомида адабиётнинг ажойиб намунаси атаб келган асарларимизнинг кўплари аслида арзимас бир нарса эканлигига тобора ишонч ҳосил қилиб бораёмиз. Чунончи, уларнинг шакли шаклига, кўриниши кўринишига деярли ўхшаш, уйқаш келади. Вазн, қофия, оҳанг борасида ҳам ораларида айтарли фарқ кўзга ташланмайди. Мавзу жиҳатидан ҳам бири еру бири осмон бўлиб кетган эмас. Аммо шунчалик яқинлик, мавзунлик бўлгани холда чин шеърни жўн шеърдан устун қўйишга асос берадиган хусусиятлар бор эканки, баҳслардан аён бўлишича, бу сифатларнинг бири унда ҳаёт ҳақиқати ошқора қилингани, шоир кўнглидаги, эл дилидаги дарднинг исён билан айтилганидандир. Иккинчиси эса сўзнинг одатдаги оддий ўз кўринишидан кўра рангинроқ манзара, теранроқ мазмун англанидандир.

Мушоҳадаталаб шеърларни ёқлаб чиқаётганлар эса, шеър аслида шундай залворга, салмоққа эга бўлиши зарур, деб таъкидлайдилар. Шеърдан руҳни тиниқтирадиган, кишини ўйлашга ундайдиган жозибани талаб қиладилар.

Баъзи шоирларнинг долзарб мавзуларга бағишланган ташвиқот-тарғибот руҳидаги шеърлари анча узоқ муддат мобайнида адабий жараён об-ҳавосини белгилайдиган миқёсларни эгаллаб келгани кўпларимизнинг мушоҳадаларимизни сездирмасдан аста-секинлик билан занглатиб, қарахтлик касаллигига мубтало этиб қўйган. Албатта, фақат шу хилдаги шеърларнинг ўзигина қарахтлик касаллигини туғдиргани йўқ. Бу касалликни аввало маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган тузум сиёсати пайдо қилди. Лекин сохта ҳақиқатларни тарғиб этган шеърят инсоннинг дахлсиз дунёси бўлган эркин мажруҳ этиб келган шу сиёсатга садоқат билан хизмат қилди. Унинг ўз асл вазифасидан ана шундай чекиниш қилганини, яъни ҳақиқатдан, турмушнинг норасоликларидан атайин кўз юмиб келганини, ҳаётни жимжимадор, ялтироқ рангларга бўйб-беаганини бугун ҳамма билиб турибди. Шоирларимизнинг бу хил «ташаббускорлик» кўрсатгани, ижтимоий туриш-турмушимизни баландпарвоз оҳангларда мадҳ этгани ўз мевасини бергани эндиликда очиқ-ойдин аён бўлиб қолди. Ўз таъсирини ўтказгани туфайлидирки, жамиятимизда тўқислик, тенглик, эркинлик ҳаминқадар бўлгани холда ҳанузгача одамларимиз «биз бахтлимиз, биздан бахтли одам йўқ», дейишдан ўзларини тийишолмайди. Вужуд-вужудларига сингиб кетган шу кўникмаларидан узоқлашолмайди. Алдов туғдирган бу шукроналик туфайли эса маънавий савия майиб бўлиб, хаёл, мушоҳадаларимиз торашиб кетган. Руҳимиз қарахтлашиб лоқайдлик жисму жонимизга ҳоким бўлиб олган. Шунинг оқибатида бугун инсон эрки ҳақида, миллат тақдирини тўғрисида тиниқ мушоҳада қилолмай қаловлашиб қийналяпмиш. Туйғуларимиз ўтмаслашиб қолгани туфайли: «Навоий — буюк», дейишдан нарига ўтолмаяпмиш. Унинг нимаси буюклигини асослаб кўрсатишга қурбимиз етмаяпти. Ўтмишда яратилган асарларини эмас, ҳатто ҳозирги кун шоирларининг сал-пал мушоҳадаталаб шеърларини ҳам мужмал, тилсимнамо деяпмиш. Ўзларидан: «Шеърингизни тушунтириб берсангиз», деб сўраяпмиш. Худди авваллари бўлганидек, ҳануз

кўпчилигимиз бир ўқиш, бир эшитишдаёқ тушуниладиган шеърларга ишқибозмиш. Айниқса, М. Юсуф, Ю. Жумаев сингари шоирларнинг шеърларига катта қизиқиш билан қараяпмиш.

Хўш, уларнинг кўпчилик эътиборини тортаётган шеърларнинг жорий сиёсат «урра-урра»ларини, партия қаҳриқларини қофия, вазнга солган «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, Билиб қўйки, сени Ватан кутади» (Ғ. Ғулмо), «Бунда толе ҳар нарсадан мўл. Этагингга сиққанича ол» (Х. Олимжон) мисрала барчага бирдай ёд бўлиб, тиллардан тушмай келган шеърлардан фарқи, афзаллиги борми-йўқми? Еки яна биз бир ўқиш, бир эшитишдаёқ тушуниладиган шеърларнинг навбатдаги кўринишига овуниб қолаяпмишми? Шубҳасиз, бу каби саволлар кўпчилигининг кўнглидан кечса керак. Қолаверса, шеър ҳақидаги мунозара, баҳсларда «тайёр-гарликни талаб қиладиган шеър», «публицистик мақола ҳиди келадиган шеър» ибораларининг тез-тез қўлланаётгани, уларнинг бири иккинчисига қарама-қарши қўйилаётгани ҳам бу хусусда жиддийроқ мулоҳаза юритишни тақозо этаяпти.

Хўш, оммабон, ҳам бир ўқиш, бир эшитишдаёқ тушуниб оладиган шеър умуман ўзи адабиёт учун керакми, у кишиларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжлари учун асқотадими-йўқми? Бу ҳақда албатта, кўнглини

Шеър сирри

АДАБИЙ ТАНҚИД

кенг қилиб ўйлаб кўриш керак. Агар шундай қиладиган бўлсак, аввало, бу муаммо ҳам дабдурустан бугун пайдо бўлиб қолган ёки кимдир томонидан атайин ўйлаб топилмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Негаки ҳамма замонларда ҳам барча бирданга тушуна оладиган шеърлар битган шоирлар, кўпчиликнинг кўнглидан жой олган асарлар ҳамда бунинг бироз тескариси, яъни ижоди ўз вақтида қадрланмаган шоирлару тушунилмаганидан эъзоз топмаган ажойиб асарлар кўп бўлган. Навоий замонасида бўлгани сингари бугунги кунда ҳам ҳамма тушунаётган шеърлар баробарида аксарият кўпчиликка тушунарсизлигича қолаётган шеърларнинг мавжудлиги ҳам шундай дейишга асос беради. Қолаверса, бу ҳодиса адабиёт тарихи сабабларини англаш мушкул бўлган қандайдир сирли айланма ҳаракатдан иборат эмасмикан, деб ҳам ўйлантиради. Агар шундай бўладиган бўлса бугун ҳам адабиёт учун ҳамма тушунадиган, бирданга англанадиган шеърлар ҳам, мушоҳадаталаб шеърлар ҳам керак, деган фикрни туғдирарди. Чунки ҳаётда ҳар иккисининг ўз ўрни, вазифаси бор.

Албатта, санъат нуқтаи назаридан қараганда бугунги оммабон шеърлардан мушоҳадаталаб шеърлар устун туради. Аммо улар бир ўқиш, бир эшитишдаёқ англашиладиган шеърларнинг хизматини ўз елкасига ололмаслиги ҳам тайин. Шу боисдан ҳам М. Юсуф сингариларнинг қизиқиш уйғотаётган шеърларига эътибор билан қараш жоиздай. Бу шунинг учун ҳам жоизки, уларда элнинг дарди, аҳволи ҳақида изтироб билан сўз юритилапти. Унинг шеърлари кишиларни ҳақиқатнинг топталиб келётганидан огоҳ этаяпти. Уларни поймол этилган ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор қиляпти. М. Юсуфнинг ҳамма тушунадиган, кўпчилик қизиқадиган содда шеърлари энг аввало ўзининг

ана шу сингари хусусиятлари билан 30—50-йилларнинг бир ўқиш, бир эшитишдаёқ кўпчиликка маъқул бўлган баландпарвоз қаҳриқ, мадҳияларидан устун туради. Унинг шеърлари шунчаки ҳақиқатни эътироф қилгани, бугунги кун муаммоларини қофия, вазнга туширганлиги жиҳатидангина эмас, юрт ташвиши билан оғриган дардманд кўнглининг изҳори сифатида ҳам эътиборни жалб этади. «Вулбулга бир гапим бор» тўпламидаги исталган шеър шундай дейишга озми-кўпми имкон беради. Айтайлик, ундаги «Бригадир», «Ўзбекининг аёллари», «Марҳамат томонга йўлингиз тушса...» да очиқ тарзда оғриқли юрак манзараларини кўриш мумкин. Масалан:

Йилдан узун кунлари
Ким кўнглини сўролган
Ўзбекининг хотинлари
Меҳнат учун яралган...

Шеър шундай содда шаклда, шундай мунгли, мулоим оҳангда давом этаверади. Эҳтимол, ким учундир улар шунчаки жўн баёнлар бўлиб туюлар. Лекин шу жўн кўринувчи мисраларда ҳам агар сал пастроққа тушиб эътибор қилинадиган бўлса, изтироб, алам, ўкинч борлиги маълум бўлади. Тўғри, унда «Йилдан узун кунлари Ким кўнглини сўролган» сингари бир-бири билан ўзаро зич, мустаҳкам боғланиб кетмаган, маъно-мазмун жиҳатидан ўзаро яхши уюшолмаган мисралар мавжудлиги ҳам кўзга ташланади. Унинг содда, равон, кўпчиликка маъқул бўлаётган шеърларида бундан жиддийроқ сакталиклар ҳам учрайди. Бироқ шунга қарамасдан, истаган киши шоир шеърларидаги Ватан дардидан дарҳол огоҳ бўлади. Масалан, унинг «Нозим Ҳикмат» шеъри шундай тугалланади:

Билганим азиздир барча ирқлар ҳам,
Ҳаммаси суйимли, ҳаммаси қардош.
Лекин она туркнинг мовий кўзлари...
Қора денгиз ўша кўздан оққан ёш,
Юрак эса ёнар — зорланаверар.
Билгум, тугар сабри сабримнинг бир кун,
Қамишлар босади қадримни бир кун.
Ўлсам қадрни ошгай қадримнинг бир кун,
Бироқ сен-чи, юртим,
Сен қачон куларсан,
Сен қачон озод ва обод бўларсан?
Юрак зорланади, зорланаверар...

Аён бўлиб турибдики, шеър озодликка интиқ кўнглининг зорини, юрт ғамини жуда теран ифода қилиб берган. Шунинг учун ҳам М. Юсуф ёки Ю. Жумаев сингари шоирларнинг шеърлари содда шакл-шамойили, осонгина тушунилиши боисдан эмас, балки Сўзга Ҳақиқатни жо этганлиги, Юрт дарди ифодаси билан эл кўнглига йўл топиб бораётгани, дейиш асосли бўлади. Қолаверса, бугун ҳам одамларни ер дардидан, юрт ташвишидан огоҳ этиб турадиган содда, оммабон шеърлар ўз қадр-қийматини йўқотиб қўйгани йўқ. Чунки қарахтликдан касалланиб, алдовларга овуниб, жиддий мушоҳада-мулоҳазага мажолсиз бўлиб қолган шууру тафаккуримиз ҳақиқатга қаҳриқ руҳидаги шундай шеърятга ҳам эҳтиёжманд бўлиб қолган. Биз қурбимиз, имкониятларимизнинг ана шу даражаси, ҳолати билан истасак ҳам, истамасак ҳам ҳисоблашишга мажбурмиш. Шу боисдан ҳам эл кўнглига яқин бўлган бу хилдаги шеърятга ҳурмат билан ёндошишга бурчлимиш.

Аёнки, элнинг кўнгли, хоҳиш-истаги ҳокимиятнинг, сиёсатнинг ишларига мосмувофиқ келмайди. Чунки ҳеч қайси ҳокимият шу пайтгача одамларни тўла қаноатлантира олган эмас. Г. Нуриллаева, М. Юсуф, Ю. Жумаевларнинг шеърлари эса одамлар ташвишларининг жарчиси сифатида майдонга чиқяпти. Адолатга садоқат кўрсатганидан элга манзур бўлаётган бу шеърят-

ни шу боисдан ҳам мушоҳадаталаб шеърятга қарама-қарши қўйиш, улардан бирини ерга уриб, бирини осмону фалакка кўтариш, ҳар қалай, маъқул иш эмас.

Шундай бир хулосага ҳам келса бўладики, шеърга бугун ҳам фақатгина зўр фикр, ажойиб ташбеҳ, кутилмаган ўхшатиш, қўлланмаган қиёснинг ўзигина камлик қилади. Бугун ҳам шеърнинг кенгликларга чиқиши, эл кўнглига йўл топиб бориши учун унга муסיқий жаранг, руҳга малҳам янглиғ хуш ёқадиган оҳанг керак. Афсуски, бугунги куннинг кўпгина номдор шоирлари шеърларида ана шу зарурий унсур ҳам доим ҳам етишмайди. Тўғрироғи, улар шеърларидаги оҳанг туйғуларни тўлқинлантирадиган миқёсга етмай қолади. А. Ориповнинг шеърлари эса бу жиҳатидан ҳам ҳанузгача тенгсиз. Мисол учун шоирнинг «Ваҳор»идаги:

Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди — тик келар кўёш
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди

кифтин
Безавол майса ҳам силкитади бош.
Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,
Тераклар учиди изғир мавжудот.
Ҳаттоки туйғусиз, чирик хазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот, —

сингари сатрлар юраги тош қотган кимсанинг ҳам дилини уйғониш фаслига маҳлиё қилиб қўяди. Негаки, унинг оҳангида маҳлиё эта оладиган тароват, руҳни тиниқтирадиган жозиб бир рангинлик мавжуд.

Албатта, бу билан М. Солиҳ, У. Азим, Ш. Раҳмон, Х. Даврон ижодининг шеърятимизда ёрқин саҳифа очганлигини асло инкор этмоқчи эмасман. Чунки уларнинг ҳам, номлари тилга олинмаган бошқа кўпгина шоирларнинг ҳам адабиётимизни гўзал асарлар билан беаётгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Албатта, айтайлик, М. Солиҳ шеърятимизда адабиётимизда ўзига хос ҳодиса саналади. У дардманд кўнглининг ўй сураётган, азобланаётган манзарасини акс эттириб бериши, кутилмаган қиёс, ташбеҳлари, мушоҳадаталаблиги билан янгилик бўла олади. Мана, оддийгина мисол:

Меҳр — бир пиёла сув,
Муҳаббатнинг синглиси, холос.
Меҳр бу жимирлаш,
Қақраган лабларнинг орзуси.
Дунёда йўқ бирор
Қақрамаган лаб.

Меҳр ҳақида адабиётимизда ҳали бирор бир ижодкор бу қадар теран фикр битмаган. Ҳам оҳорли, ҳам салмоқдор фикрни ифода этган бу шеърнинг шакли, кўринишида ҳам биз ўрганмаган аллақандай ўзгачалик мавжуд. Аммо шундай кенг, залворли маъноли, ўзига хос шамойилли шеърда ҳам киши ҳисларини дабдурустан жазб эта оладиган тароватли оҳанг, муסיқий жозибаяўқлиги ўз-ўзидан аён. Еки бўлмаса, шоирнинг мана бу шеърини ўқиб кўрганимизда ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўламиз:

Менинг ватанимда
Қушдай хуркак,
Қушдай беозор
Ва чумоли каби заҳматкаш,
Балиқдай безабон,
Илондай доно
Менинг ватанимда
Кийикдай сергак ва
Оққушдай маънос,
Итдай содиқ
Отдай вафодор —
Менинг ватанимда, жигарим.

Шеърнинг оҳанги ҳаминқадар эканлиги хусусида гапирмаса ҳам у аён. Лекин унда-

ги «Менинг ватанимда» мисраси устида бироз тўхталиш лозимдай. Негаки у шоир кўнглидаги дард ифодасини, шеър маъносини хиралаштирган. Сийрату суратга соя солган ана шу сатр туйғули ўқувчи шеърда нима дейилаётганини тушуна олмайди. У икки-уч қайта ўқиб ҳам ўзини қаноатлантирадиган фикрни англай олмаганидан кўнгли бундай шеърдан безиллаб қолади. Шундай пайтларда, табиийки, у М. Юсуф сингари шоирларнинг содда шеърларини юрагига яқин тутлади. Эҳтимол, М. Солиҳнинг бу шеърдаги мисра «Менинг ватанимда» эмас. «Менинг ватанимдир» ёки «Менинг ватаним-да» тарзида бўлганида маъно, фикр бир қадар тушунарлироқ бўлар-

ди. Аниқки, бугунги мушоҳадаталаб шеърларнинг бу каби маъно кўриниши ҳафсалани барибир пир қилиб қўяди. М. Юсуф сингари шоирларнинг содда шеърлари эса, ҳар қалай, кишини бундай зўриқтириб толиқтирмайди. Бу ҳам бир ўқиш, бир эшитишдаёқ тушуниладиган шеърларнинг ўзига хос қадр-қиммати борлигини тасдиқлайди. Улар лоақал ўша ўтган даврлардагидек сиёсатга маддоҳлик қилмай кишиларни адолатдан огоҳ этиб, улар дарди-ташвиши билан ёнгани боис ҳам бугун ижобий ўсиш-ўзгаришлар сари сарҳад ошаётган шеърятимиз сафларига керак бўлади.

Абдулла УЛУҒОВ

Иложи бўлса дори ичгулик қилмасин, — дейди Гулистон туманидаги 12-дорихона ходими Мавжуда Чиннибекова.



(боши 17-бетда)

Мўминкул ва Жобу қишлоқлари оралиғидаги 10 чақирим масофадаги йўлларга асфалт ётқизишни кўнглимизга тугиб қўйганмиз.

Шундай қилиб, мана, жумҳуриятимиз мустақилликка эришиб, кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Хўжалигимиз меҳнатчилари ҳам бу ушалаётган асрий армонни онгли равишда тушуниб, аввалгидан кўра ғайрат билан меҳнат қилишга киришдилар. Мустақиллик хусусидаги хушxabарлардан гоят мамнун бўлиб, хўжалигимиз маъмурияти билан келгусидаги айрим тадбирларни ҳам режалаштириб олдик. Совхозимиз келажакда кўп узум берадиган ва кўп мева берадиган хўжаликка айланиши керак. Шу мақсад билан келгуси йили кўкламда бўш ётган ерларга ва адирларга — салкам 200 гектар майдонга сув чиқариб, мевали кўчатлар экомқчимиз.

Ҳозирги пайтда мевага кирган узумзору мевазорларимиз 525 гектарни ташкил этади. Ҳали ҳосилга кирмаган мевазорларимиз 13 гектарни, узумзорларимиз 42 гектарни ташкил этади. Ана шу майдонлар ҳам мевага кирса ва келгусида энди экиладиган 200 гектарлик боғ ва узумзор ишга тушса, хўжалигимизнинг иқтисодий аҳволи бақувватлашиб, совхозда истиқомат қиладиган аҳолининг фаровонлиги ҳам яхшиланаверади.

Хуллас, жумҳуриятимиз мустақиллиги тобора куч олгани, қувватга киргани сари давлат ва жамоат хўжаликлари ҳам, одамларимиз ҳам ўз қаддиларини тиклаб олаверадилар. Мустақиллик ҳаминша бор бўлсин!

Суҳбатдош
Оқилжон ҲУСАН

ИРОДА



Абдунаби ҳушига келганида кўзларига даставвал кўринган нарса: оппоқ хонанинг шифтларию деворлари, деразаларга тутилган оқ пардалар бўлди. Хавотирланиб ён-верига қаради: яна оппоқ кўрпа-тўшаклар... оппоқ коржомалару оппоқ қалпоқчалар кийиб олган қиз-жувонлар... «Ё алҳазар, бу тушимми, ўнгимми?»

— Мен ўзи қаердаман? — деб юборди у ҳайратини яширолмай. — Мен нега бу ерда ётибман?

Шундоққина ёнида ўтирган ҳамшира қиз дарров ўрнидан туриб, уни жойига ётқизишга кўмаклашди:

— Хотирингизни жам қилинг, сиз Андижон шаҳрининг 1-клиник шифохонасидасиз. Илтимос, ортиқча ҳаракат қилманг. Сизга мумкин эмас... ҳозирча...

Меҳрибон онаизори Болтажон ая кўринди. Унинг думалоқ юзукўзларида умид ва ғамгузорлик бир-бирига қоришиб кетган эди. У бутун иродасини қўлга олиб, лабларига зўраки табассум югуртирди:

— Уғлим, нуридийдам! Шу очган кўзларингдан онанг ўргулсин, илойим тириклигинг рост бўлсин!.. Йўқ-йўқ, қимирлама! Бироз сабр қил, сал-пал... тузалиб олгин, хўпми?! Кейин... кейин сени ўзим уйга олиб кетаман.

— Менга нима бўлди ўзи? — Абдунаби яна туришга чоғланди. — Нега ҳаммаёғимни боғлаб

қўйишибди? Айтинглар, нима бўлди ўзи менга, она?

Бу саволларга жавоб бериш — машғум фожиани айтиш шу тобда она учун ҳам, ҳамширалару жарроҳлар учун ҳам ниҳоятда оғир. Шуниси ҳам борки, кўриниб турган ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Қўлидан бевақт ажраб қолганини, бусиз унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг сираям иложи бўлмаганини айтишга барибир тўғри келди. Чунки ҳали олдинда яна бир неча мураккаб операциялар бор эди.

...Абдунаби қўлларини, йўқ, қўлларини эмас, ярмидан чўрт кесилиб, оппоқ докага ўралган аллақандай таёқчаларни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. бақариб юборишдан ўзини аранг тийди — орият устун келди. Аммо юраги беҳаловат — ғалаёнда эди:

— Қўл... қўл-лар-им, қўлларим қани? Энди мен қўлларим-сиз нима қиламан?..

Абдунабини аранг ўрнига ётқизишди. Шундан сўнг тажрибали жарроҳ Наталия Сергеевна чап қулоғининг атрофларини силай туриб, вазминлик билан:

— Уғлим, энди фойдаси йўқ, — деди кўзларига тик қараб. — Тирик қолганиннинг ўзи катта бахт. Янаям электр захрининг юрагингга ўтиб кетишини олдини олишга муваффақ бўлдик. Тагинам юрагинг бақувват экан, ҳали кўп яшайсан...

Абдунаби шифохонадан чиққандан кейин ҳам ўзига келолмади. Айниқса у ҳаётнинг бешафқат кўргуликларидан майибу мажруҳ бўлиб, узоқ йиллар тўшакка миҳланиб қолган ногирон кишиларни беихтиёр кўз олдига келтирди, дегунча ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Деҳқончилик билан кун кечирадиган ота-онасининг ўн бир фарзандни тарбиялаб вояга етказётганларини ўйлаб, юраги яна сиқилди. Улар ўз ишларидан қолиб кун бўйи унинг қошу қовоқларига мўлтираб ўтиролмайдилар-ку ахир. Бу — боқимандаликдан бошқа нарса эмас-ку! Наҳотки ўрта мактабни куни кеча аъло баҳоларга битираётган Абдунаби бугун бурчакка итқирилган бузуқ машинадай яроқсиз қолга келиб қолса?! «Ҳеч кимга оғирлигим тушмай, ўша ерда бир ёқлик бўлиб кетсам ҳам бўлар экан. Ота-онамни ҳам роса ташвишга қолдирадиган бўлдим-да!».


У икки марта ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди, бироқ жарроҳ Наталия Сергеевнанинг панднасихатларини эслаб, яна бу йўлдан қайтди. «Қўлларим бўлмаса, оёқларим бор-ку, бир кунимни кўриб кетарман!» Қийин бўлса ҳам мактабда физика фанидан олган сабоқлари ёрдамида радиотехниклик билан шуғулланишни ўзига мақсад қилиб олди. Аммо бу касбни ўрганиш унга анча қимматга тушди. Нақ ўн йил умрини электр асбобларини оёқларида ишлатишга сарфлади. Электр пайвандлаш асбоблари оёқларини куйдириб, шилиб, қавартириб ташласа-да, бардош берди. Зеро, бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Оёқларини «қўлларга» айлантириб олганидан сўнггина эндиликда армонга айланиб қолаётган олий мақсади — ўқишга, билим олишга навбат етаётганини англади. Аммо икки қўли ногирон ҳолда ўқиш... Йўқ, умидсизликка тушмади. Тўппа-тўғри Андижон педагогика институтининг тарих куллийетида ҳужжатларини топшириб, имтиҳонларга тайёрлана бошлади. Учта оғзаки имтиҳондан ўтди-ю, навбат иншога келганда омади юришмади. Чунки Халқ таълими вазирлигининг талабгорларни ўқишга қабул қилиш тартибида ногиронлар учун ҳеч қандай имтиёз ва энгилликлар кўрсатилмаган экан. Ноилж ёрдам сўраб Тошкентга келиб, Халқ таълими вазирлигига учради. Вазирлик-

дагилар уни илиқ кутиб олиб, имтиҳонни оғзаки топширишга рухсат бердилар Андижон муаллимлар олийгоҳига шундай кўрсатма юборилди. Аммо яна... озгина келишмовчиликлар, пичингу андишасизликлар оқиба-тида бу ўқув даргоҳидан кўнгли совуб, у ердан қадамни узтишга мажбур бўлди. Чунки имтиҳон ҳайъатида кимдир: «Шу ҳолида ундан қандай муаллим чиқарди. Ҳозирги замон болаларига дарс бериш осон эмас», деб қолди. Бу сўзлар унинг юрагини ўқдай яралади. Аммо бу гапни қайси домла айтганини пайқамай қолди...

Йўқ, қарори қатъий экан: дастлаб Ф. Энгельс номидаги Наманган қишлоқ хўжалиги техникумининг ипакчилик бўлимида, сўнгра Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ипакчилик куллийетида сирдан ўқиб, агротехниклик мутахассислигига эга бўлди. Ҳозирги кунда Бўз туманининг Э. Тельман номидаги жамоа хўжалигида коммунал хўжалиги бўлими мудир лавозимида ишламоқда.

Радиотехникликнинг-ку пири бўлиб қолди. Ҳар куни ишдан қайтганида уйда уни мижозлари кутиб олишади: ўзи яшаётган Бўз туманидан, Комсомолбод, Марҳамат, Олтинкўл, Москва, Асака, Езёвон туманлари, Шаҳрихон шаҳридан Абдунабини йўқлаб келишларининг ҳам боиси бор. Улар унинг нарсаларни оёқларида тузата олишини ўз кўзлари билан кўриш учун келмайдилар, балки ҳалол ва тўғри сўзлиги, айна чоқда моҳир устаалиги учун ташриф буюрадилар.

— Мен аслида 1950 йил туғилганман. Онам айтгандилар, сен йўлбарс йилида туғилгансан, — деб тортинчоқлик билан саволларимизга жавоб беради Абдунаби Асқаров. — Қўлларимдан ажраб қолишимни ҳар ким ҳар хил изоҳлашади. Едимда, 1966 йилнинг 20 ноябр куни эди. Мен икки ойлик уйқусизлик касалидан сўнг нимадир бўлди-ю, акамга қарашгани далага чиқдим. Қарахтман. Бирдан оёғимга симёғочдан узилиб ерда чуваланиб ётган симлар ўралашди. Мен уларни оёқларимдан чиқариб, улоқтириб ташладиму, қўлимдаги сим катта кучланишдаги электр токига урилиб... шундоққина кўзларимга электр ёйи — катта ёруғлик кўринди. Эсимда қолгани шу! Кейин бу ёғи касал-



Ҳар бир халқнинг турмуш тарзи унинг рўзгор тебратиш фаолияти билан узвий боғлиқдир. Масалан, оила юртишда рўзгор учун жуда кўплаб ошхона жиҳозлари — асбоб-анжомлари керак бўлади. Тандир ана шу воситалардан биридир. Оилани тебратишда тандирнинг роли ниҳоятда катта. Табиийки, кўп болали оилаларда нон кўп истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам бундай оилаларда тандирдан жуда нозиклик билан фойдаланиб, унга маънавий эҳтиром билан муносабатда бўлишади.

Тандирнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Халқимиз орасида тандирни биринчи бўлиб тандирсоз Саид Ҳазрати Мири кулол ясаганлиги, биби Фотиманинг тўйига Ҳазрати Момо унда патир пиширганликлари ҳақидаги ривоятлар кенг тарқалган.

Ўтмишда шаҳар ва қишлоқларда тандир ясайдиган махсус тандирсоз усталар фаолият кўрсатишган. Уларни тандирсозлар деб аташган. Чунки, улар фақатгина тандир ясаш билан шуғулланишган, ҳунарларини шогирдларига ўргатиб, тандирсозлик анъаналарини шакллантирганлар. Халқимиз, тандир худонинг юзини кўрган, шунинг учун ҳам унинг бандалари тандир ясаш ва қуришга алоҳида эътиқод билан интиладилар, деган ахлоқий ақидадан кўп қўллаиди. Бухоро воқасининг кўпгина туманларида ҳам тандир олови устига тушган нонни худонинг дийдорини кўрган деб авайлайдилар.

Лекин биз бугунги кунда оловга тушган нонни эъзозлаш ўрнига унга беписандлик билан қараб, кўпинча уни уй ҳайвонларига бераётган кимсаларни ҳам учратамиз. Бу нонга ва ахлоқий-маънавий қадриятларимизга бўлган ўта ҳурматсизлик оқибатидан бошқа нарса эмас!

Янги уй қуришдан олдин, албатта, янги тандир олиб келиб қурилади. Тандирда инсон истеъмоли учун зарур бўлган нондан тортиб, тансиқ миллий таомларгача: ёғли патир, кўкат, ошқовқодан тандир бичак, тандир сомса, тандир кабоб, тандир гўшти ёки тандир ширбозлар ёпилади.

Ривоятларга қараганда, бир бойнинг уйида нон ёпиш жараёнида нонлар нуқул оқиб тушарган. Шунда оққан нонларни лўндаб, яна тандирга ёпишган,

хонама-касалхона югуриш, қўлларининг мана бирини, — у иссиқ кунлари кийиб юрадиган костюми енгидан кесик қўллари кўрсатиб, сўзида давом этди. — Чап қўлимнинг тирсақдан тепасини, ўнгини эса тирсақдан пастини кесиб, мана, кўриб турганингиздек, ҳаётимни сақлаб қолишди. Менга кўп одамлар яхшилик қилишди. Мен буларни унутолмайман. Биринчиси ўша, фамилияси ёдимда йўқ — Наталия Сергеевна!

— Кечирасиз, кўп ишларни оёқларингиз ёрдамида бажарасиз. Шунинг учун баъзи пайтларда қўлларингизга эҳтиёж туғилиб қолмайдими?

— Ҳе, йўқ, — деди у кулиб. — Мен аллақачон қўлсизлигимни унутиб юборганман. Ҳатто ўз овқатимни ҳам ўзим ея оламан.

БУХОРО ТАНДИРСОЗЛАРИ

пишгандан сўнг эса бу нонларни (гўё кўнгилдаги чиройли нонлар бўлмагани учун) бойнинг хизматкор боласига едилган. Бу етим бола кейинчалик дунёга машҳур Луқмони Ҳаким бўлиб танилиб, турли мураккаб касалликларни ҳам осон даволаган. У бундай улуг даражага шу тушиқ нонларни тановул қилиш оқибатида эришган. Бу воқеа ҳақиқатдан келиб чиқиб, оловга тушган нонни еган Луқмони Ҳаким худонинг юзини кўрган, деган хулосага келишган. Бу бир ривоят бўлса-да, унинг қатида чуқур тарихий ҳақиқат мужассам: яъни, ноннинг ушоғи ҳам, урвоғи ҳам нон ёки куйса-да, чиройли шаклда пишмаса-да, у барибир энг эъзозли, муқаддас неъматдир!

Тандир ясаш қадимдан катта санъат ҳисобланган. Шунинг учун унга алоҳида эътибор берилган. Чунки, битта тандир 10—15 йил давомида оилани нон билан таъминлаш хизматини ўтаган. Айниқса, Бухоро воқаси ҳудудларидаги Жондор, Шофиркон, Вобкент, Когон туманларида тандирсозлик ҳунармандчилиги кенг ривожланган. Ўзининг қулай ва ихчамлиги билан Жондор тумани Ушот қишлоғининг тандирлари энг сифатли ҳисобланади. Чунки, тандирсозлар тандир ясаш учун махсус лойдан фойдаланадилар, бу лой гил деб ҳам аталади. Гилнинг пиш тури бўлади. Ушотликлар Мурғак чўлидан (ҳозирги «XXVI партия съезди» номли жамоа хўжалиги далалари) сариқ лой келтириб, тандир ясади. Тандир тупроғига бегона тупроқ сира қўшилмаслиги керак. Бу учун эса ушотликлар тандир лойини махсус гилдонларда бир кеча-кундуз давомида ивитиб қўйишади. Шофирконда эса гилсар лойига 50 фоиз табиий тупроқ қўшилиб, лой қорилган. Тандир лойига гилдон ичида яхшилаб ишлов берилиб, унга эчки қили, ёки сомон қўйилади. Қадимдан лойга яланг оёқ ҳолатда тоvon билан тепиб, ишлов берилган. Шунда унинг таркибидаги табиий тузлар бир-бирига яхши

Ростини айтсам, мен қўлларимни умуман эсламасликка ҳаракат қиламан. Иложи борича ўзимни ҳар хил юмушларга уриб, зериктириб қўймайман. Очиғи, одамлардан ажраб қолгим йўқ. Масалан, уйда жониворларим бор, уларни боқаман. Баъзан-баъзан балиқ овлашга чиқиб тураман. Балиқ илинмаса ҳам хафа бўлмайман. Бу бир эрмак, дам олишда! Аммо мен бир нарсадан қўрқаман. Бу ҳам бўлса — туш кўриш! Нега десангиз, тушимда ҳаммиша соғлом юрган бўламан. Кўпроқ ўзимни иш билан овуттишга ҳаракат қиламан, катта соатни, тикув машинаси, дазмол... хуллас, бурагич (отвёрка) билан тузатиладиган нимаики бўлса, созлайман. Техникани яхши кўраман. Худога шукур, қўлларимсиз ҳам орзу қилган

ёпишади, яхши пишган лойда ғовакчалар бўлмайди, зич ва пухта бўлади.

Тандирга ишлов беришда махсус асбоблардан ҳам фойдаланишган. Булар таппонча (ёки шапшап — у ёрочдан ясалган) ва гунда (ёки тап-тап — тошдан ясалган)лардир. Таппонча ташқарисида, гунда эса тандир ичкарасидан тенг ҳолатда ишлаши керак. Бу асбобларни қўллаш билан тандирга пардоз бериш яқунланади. Тандирнинг асосий қисми битгандан сўнг оғзи алоҳида ясалган ва 3—4 соатдан кейин қурилган. Тандир, кўпинча сояда ясалган ва қурилган. Унинг кули чиқадиған тешиги Ушотда канаг дейилса, Шофирконда турмуч дейилади. Бу канаг, турмуч — тандирнинг ичига ҳаво кирадиган ва оловнинг ёниши учун ёрдам берадиган воситадир.

«Бир шапшап, бир тап-тап билан тандир ясалган», деган халқона ибора қанчалик машаққатли меҳнат талаб қилишини фақат тандирсоз ҳунармандларгина чуқур тушунишади. Негаки оддийгина тандир ясаш учун 5 соатдан кўпроқ вақт кетади.

Шофирконлик тандирсозлар эса тандир ясашдан олдин Саид Ҳазрати Мири қабрини зиёрат қилишган. Агарда ишлари ўнгидан келмаса ёки тандирлари бузилиб, ясаш жараёни оғирлашса ҳам бориб Ҳазрат Миридан ёрдам сўрашган. Шундан сўнг яна ишлари ўнгидан келиб кетаверган.

Тандир ясаш мавсуми воҳа тандирсозлари учун жавзо-саратон, яъни май ойидан бошланиб, то сентябр охиригача давом этади. Халқимиз орасида ҳақиқий уста тандирсоз бир мартагина тандирни кўтаради, яъни ишлов берилган лойни тиклайди, деган гапларнинг тарқалиши бежиз эмас. Лекин айрим тандирлар кўпи билан 7—8 йил хизмат қилади. Вунинг сабаби, аввало, жуда тажрибали, ишнинг кўзини биладиган усталарнинг камлиги, қолаверса, табиий иқлимнинг, тупроқ таркибининг бузилиши билан ҳам боғлиқдир.

Тандирнинг жойига тўғри қу-

барча-барча ниятларимга эришяйман. Менинг шиорим шундай: «Шунчалик тирик қолдингми, ҳаётдан ўз ўрнингни топ!»

— Кечирасиз, сизга яна битта саволимиз бор эди, — дедик истеҳлоладан чиқиб. — Оила қуриш ҳақида ҳам қайғураёйсизми?

— Бўлмасам-чи, лекин ҳозирча ўзимга муносибини топганим йўқ. Аммо асло умидсизликка тушаётганим йўқ. Хайриятки, бир тўшакда тепса-тебранмасдек ётганим ҳам йўқ. Ишлаяйман, номини ҳалол топиб еяйман. Бировнинг қош-қовоғига қараб қолган жойим йўқ. Бир оилани бошқаришга кучим етади, деб ўйлайман. Фақат ота-онам қарияпти, ака-укаларим уйли-жойли бўлишяпти (кенжасини уйлаш тараддудида юрибмиз), сингилларим ҳам ўзларидан тиниш-

рилиши унинг серпуштлигига олиб келади, яъни оловни яхши сақлайди ҳамда нон ёпиш жараёнини қулайлаштиради. Тандир қурилгандан сўнг унга жуда секин, яъни тутун ҳолатида олов ёқилади, чунки тандир ичида ҳаво бўлиб, у жуда секинлик билан чиқади. Борди-ю, олов баланд ёқилса, тандир ёрилиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам тандир қизаргандан кейин унда 6—7 соатгача қаттиқ аланга ёниш керак бўлади. Воҳанинг айрим жойларида одамлар бир кеча-кундуз тандир оловини тинмасдан ёққанлар. Тандир сифатлигини аниқлаш учун биринчи маротаба унга ёғли патир нон ёпилади. У тандирдан орқаси бутун чиқса, демак тандир жуда сифатли, текис ишланган деган хулосага келишган.

Тандирни ясаш, қуришгина эмас, балки тандирга нон ёпиш ҳам санъат ҳисобланган. Кимки тандирга кириб чиқса (яъни нон ёпса), унинг баҳри-дили очилармиш, юзидаги ғуборлари кетармиш. Ҳар эрталаб азонда туриб, тандир олдига бориб, ўз орзу-ниятларини тўкиб солган киши мурод-мақсадига етар эмиш. Еш болаларнинг оналари тўй-маъракага бориб ҳаяллаб қолсалар, улар тандир оғзи олдига бориб чақирганлар шунда оналари юрагига ҳаяжон тушиб, тезда етиб келганлар, дейишади.

Демак, тандирсозлик ҳунари, ўзбек халқи учун ниҳоятда азиз ва ардоқлидир. Чунки одамларнинг тўқ юришлари, дастурхонимизнинг янада тўкин-сочин бўлиши ҳар жиҳатдан тандирларимизга, уларни қанчалик бежиримлигига боғлиқ. Биз доимо бўрсилдоқ-бўрсилдоқ нонларнинг тановул қилаётганимизда, қўли гул ўзбек тандирсозларини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Манзила ҚУРБОНОВА

Бухоро вилояти

ган. Барибир уйда бир фариштадек хотининг бўлиши керак-да. Ҳеч бўлмаса чойингни қайнатиб, овқатингни сузиб берса...

Абдунаби билан хайрлашар эканмиз, унинг мустаҳкам ирода-сига минг карра таҳсинлар ўқимай иложимиз йўқ эди. Боя айтганимиздек, у эндигина қирчиллама қирқ ёшга тўлди. Унинг улкан орзулари ҳали ушалгани йўқ. Ҳали унинг роҳатбахш бўлган порлоқ келажаги олдинда. У олий мақсадлари, эзгу ниятлари йўлида ҳамон изланмоқда, тер тўкмоқда. Ишонимизки, у ҳаммиша ҳаётдан ўз ўрнини тополмай, сарсону саргардон бўлиб юрган ёшларга яхшигина намуна бўла олади.

Зояр ЗИЕ



فضولی

ФУЗУЛИИ

غزللر

Ғазаллар

* * *

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландин сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландин сўр.

Лабинг сиррин келиб гуфтора мандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландин сўр.

Кўзи ёшлуларнинг ҳолин на билсун мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландин сўр.

Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландин сўр.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландин сўр.

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардур зоҳиди гофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландин сўр.

Ғамзасин севдинг, кўнгил, жонинг керакмазми санго?
Тиға урдинг, жисми урёнинг керакмазми санго?

Оташин оҳимла айларсан манга таклифи боғ,
Воғбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?

Ела верма доғидуб ҳарён, аёқлардан кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санго?

Эй камонабру, рақиба верма ғамзангдан насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмазми санго?

Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмазми санго?

Куфр зулфиндан мани манъ айламак лойиқмидур,
Сўфи, инсоф айла, имонинг керакмазми санго?

Туталимким ашк селобина йўқдур эътибор
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмазми санго?



شفای وصل قدرین هجر ایله اولاندىن سور
زلال ذوق شوقین تشنه دیدار اولاندىن سور

لبینک سررین کلبیب گفتاره مندىن اوزگادین سورمه
بو پنهان نکتهنى بیر واقف اسرار اولاندىن سور

کوزی یاشلولارینک حالین نی بیلسون مردم غافل
کواکب سیرینی شب تا سحر بیدار اولاندىن سور

خبرسيز اولمه فتان کوزلرینک جورین چیکن لردین
خبرسيز مستلار بی دادینی هشیار اولاندىن سور

غمینگدین شمع تیک یاندىم صبادین سورمه احوالیم
بواحوالی شب هجران منیمله یار اولاندىن سور

خراب جام عشقم نرگمر مستینک بیلور حالیم
خرابات اهلی نینک احوالینی خمار اولاندىن سور

محبت لذتیندین بی خبردور زاهدی غافل

فضولی عشق ذوقین ذوق عشق وار اولاندىن سور

غمزه سین سیودینک کنگول جانینک کبرکمزمو سنگا
تیغه اوردینک جسم عریانینک کبرکمزمو سنگا

آتشین آهیمله ایلاسن منگه تکلیف باغ
باغبان گل برگ خندانینک کبرکمزمو سنگا

یله ویرمه داغ ایدوب هر بان ایاقلاردین کیتور
ای بری زلف بریشانینک کبرکمزمو سنگا

ای کمان ابرو رقیبه ویرمه غمزنگدین نصیب
اوق آترسن تاشه بیکانینک کبرکمزمو سنگا

یاندوروب جانیم جهان سوز ایتمه برقی آهیم
آسمان خورشید رخشانینک کبرکمزمو سنگا

کفر زلفیندین مینی منع ایله مک لایق مودور
صوفی انصاف ایله ایمانینک کبرکمزمو سنگا

توتلیم کیم اشک سیلابینه یوقدور اعتبار
ای فضولی چشم گریانینک کبرکمزمو سنگا

«Галаба» давлат хўжалиги директори Голибов ижрокўмдаги йиғилишдан таъби тирриқ бўлиб чиқди. Хурпайганча келиб машинанинг орқа ўриндиғига ўтираркан, хуноби ошиб гудранди:

— Чорва махсулотларини етиштириш хўжаликда барбод бўлганмиш?! Етти хазинадан бири ҳисобланган товук, ўрдак, чўчка... Тавба, мен уларни уйимга ташиб кетибманми? Олдинги директор нима қилган бўлса қилгандир-да! Асли бўлим бошлиғи бўлиб юрганам дуруст эди. Нима бу?! Отамдан эшитмаган сўкишни эшитиб!..

Машина депсиниб жойидан жилди. Ҳаял ўтмай идорага етиб келишди. Ҳамон жаҳлдан тушмаган Голибов машина эшигини зарда билан очиб, чап оёғини ташқарига чиқарди...

— Талиб Галипович!

Голибов хаёлини жилволаб бошини кўтарди. Сочининг олди симоби, икки ёнбоши эса жигартоб тусга бўялган котиба аёл у томонга йўрғалаб кела бошлади.

— Талиб Галипович! Приёмнида бир одам сизни кутиб ўтирибди. Ҳар празникларда келадиган... Танийсиз. Мордаси бирам не тоёй! Ану кўзи ҳам кривий-чи? Уша-да... Тагин, тез топ деб приказ ҳам қилди, бессовестний. Шунақа грубий... Тагин очки ҳам тақиб олибди. Тақой чёрний...

Голибов ўнг оёғини ҳам машинадан чиқарди.

— Ҳм-м... Анови райфинда ишловчи гилай ревизорми? Ўзи шу етмай турувди...

Голибов бир оз ўйлаб тургач, шоша-пиша яна машинага ўтирди.

— Менга қара, Гулсара! Кечирасан, Галяхон... Мени кўрганинг йўқ. Тушундинг? Мабодо катталар сўраб қолгудай бўлса, унда секин... анови чорва бугалтериникига одам жўнат. Уша ерда маслаҳат ошида бўламан... Ҳайда, хў-ўв, бефаросат!

Машина депсиниб яна жойидан жилгач, Голибов хуноби баттар ошди: «Бир камим энди шу ревизор эди! Олдинги директор бунга ем ёдириб ёмон ўргатган-да! Ҳар байрам, ҳар сайида келиб кўзига кўринган, кўлига илашганини ўмариб кетарди... Нимага келарди, эски одати кўзиб бирор нарса тама-сида... Тагин ўзи қолиб, шопирига ҳам сўрагани. Шопирининг ҳам кўзи бежо тушган. Қора қозонга лойтувоқ дегани шу бўлса керак-да. Тавба, шопир ҳам одам бўлди-ю...»

Бир оздан сўнг Голибов меҳмонхонада биқинини болишга берганча ёнбошлаб ётар, ёлғизлик тафтини олган, чиройи андак очилганди:

«Ҳа, энди катта хўжаликда камчилик бўлади-да, — аччиқ чойни босиб-босиб сипкораркан, Голибов ўзига-ўзи тасалли берди. — Ижрокўм бўлгач сўкади-да! Ўзинг ҳам анойилардан эмассан! Қўрс-қўполликда бу жойларда сенинг олдинга тушадигани йўқ. Ўтган йили-ку идора қоровули Эшқовул чолни «Энангни...» деб сўкиб бюрода эшитганининг эшитгандинг... Яхшиямки, бояги бўлмаса аччиқ устида энагарни ҳам...»

Шу пайт даҳлиз томондан шовур-шувур эшитилди. Лаҳза ўтмай эшик очилиб, мезбоннинг боши кўринди.

— Директор бова... Сизни бир меҳмон...

Голибов жаҳл билан биқинидан болишни олиб четга отди.

— Мен нима деб буюрган...

Директорнинг сўкишга жуфтланган оғзи ланг очилганча қолди. Остонада тарвуз қорин, қирғий бурун, гўштдор юзига пашша-хўрдаси хол бўлиб тушган, қора кўзойнакли басавлат одам унга қараб тиржайиб турарди.

— Салом бердик... А, бу қидиравериш кўзлар қорайиб кетди-ку, Толибжон! Қадрдонлик ҳам ахир шунақа бўладими? Қани, ош ейдиган табаррук қўлларини... Бисмил-ло!

Голибовнинг ҳуши бошидан учди: «Ие, бу Галя айтган ўша «мордаси не то гилай ревизор-ку!» Об-бо, бўрини йўқласанг... Энди бундан осонликча қутулиб бўлсан. Ишқилиб, оғзимнинг ошиқ-мошиғи бузилмасин-да!»

Директор истар-истамас ўрнидан ярим кўзгалди.

Муҳаммад Очил ШОПИРНИНГ ОТАСИ

Ҳажвия

— Келинг, ўртоқ Абдулаҳатов...

Абдулаҳатов қўл олиб бўришаркан, бир лаҳзада дастурхондан бошлаб, хонанинг бурчакларию шифтга қадар кўзойнагининг таги билан кўз югуртириб чиқди. Сўнг бетакаллуф тўрда чордона қуриб, кўлини ҳовуч қилди.

— Қани, омин... Нол бир, нол икки, нол на... Э-э, ана боринг, нол тўртгаям ишингизни тушгулик қилмасин... Ҳи-хи-хи... Ҳазил-да энди бу, ўртоқ Голибов! Лекин, биз буларнинг бирортасидан эмасмиз. Бунинг устига эски қадрдонмиз. Эски директорингиз бе-маза одам бўлсаям, аммо сизни кўп мактарди: «Шу бола ўлмаса, ўрнимга директор бўлади. Ўртоқ Абдулаҳатов, сиз ҳам шу кадрни райкомдаги ўртоқларга шипшитиб кўйинг», дерди. Шипшитиш ҳам гапми... Шундай бўлгач, сизга кўнгил тортади-да. Шу кунларда денг... Қани, овқатга қаранг. Бай-бай-бай, гўшт совиб қолибди-ку! Шу денг, шикоят хатлар тарновдаги сувдай шариллаб оқиб келаяпти десангиз... Ошқоралик деб оғзига келганини одамларам ёзавераркан-да! Анови туздонни бу ёққа узатинг-чи! Сизнинг хўжалигингиздан ҳам бор. Мазмуни директоримиз тақой, директоримиз сақой...

Голибов ўтирган жойида қалқиб тушди. — Опкемасиз-да, бир-иккитасини... Қим ёзган бўлсаям путини жиртиб ташлардим, энагарни!..

Абдулаҳатов товоқдан каттақон сўнгакни олиб, бесўнақай оғзига олиб борди.

— Менинг ўзим-чи! Қизиқмисиз, мен ўша ерда турган бўлсам, сиздай қадрдонга... Бу, Толибжон!.. Анови бўйни узундан кўримайдими? Ҳа-а, замонга қараб денг... Тўғри, тўғри... Бизам қарор чиқишидан қирқ кун олдин ташлаганмиз шу зормандани... Бўлмаса: пепсикўладан пақиллатинг-чи... Тошкан сувга аралаштириб-да! Сизни ким айтади давра кўрган директор деб...

Абдулаҳатов қутилмаганда ўрнидан шундай тез сапчиб кўзғолдики, ҳатто кўзойнаги учиб кўрпачага тушди:

— А, бу... Иш расво бўпти-ку! Э, бу шопир болани эсдан чиқарибмиз-ку! Оббо, якка ўзи кўчада...

Голибов ревизорга бақрайганча қараб туриб қолди, сўнг жаҳл билан биқинига бошқатдан болиш тортиди.

— Нима эмиш депман!.. Шопир ҳам одам бўлди-ю... Тавба!

— Йўқ, йўқ... Абдулаҳатов шошиб олдинга икки-уч қадам юрди.— Ўсаман деган раҳбар аввало шопири билан...

Ревизор гапини тугатолмади. Эшик очилиб, чойнак кўтарган мезбон кўринди:

— Бизда меҳмон кўчада қолмайди, биродар! Шопирингиз аллақачон қудалар билан чой ичиб, гурунглашиб ўтирибди. Ҳай, бўлмаса... Сизлар бемалол...

Абдулаҳатов кўнгли жойига тушгач, қайтиб келиб ўрнига ўтирди. Голибов чойни қайтарма қиларкан, пичинг отди:

— Шопирингизга бунча меҳрибон бўлмасангиз-а! Эҳтиёт бўлинг, эчки семирса эгасини сузади!

Абдулаҳатов кемириб шир-яланғоч қил-

ган суягини дастурхонга уриб қоқаркан, бош чайқади.

— Эчки бўлса сузади-да! Бизда шопир бола билсангиз, кўй... У-ў, катта илик тушди... Сизгаям, а?..

«Оббо,— гижинди Голибов юзини терс бураркан.— Шундан бекор гап очдим. Энди, бу сукки ярим соат шопирини мақтайди».

— Эсли кўй бўлса, уйини топиб боради.— Абдулаҳатов иликдан қоникмади шекилли, шилпиллатиб сўнғак сўришга ўтди.— Бизни шопир бола эса... Лекин, совхозингиз кўйларининг ёғи нуқул суягида бўлади-да! Ҳў, бир сафар бериб юборган шербожангиз ҳам... Чойдан қуйинг... Уҳ-ўх-ўх! Бизнинг шопир боладай одамнинг юввоши топилмаса керак. Шундай мўмин-қобил, шундай уятчан... Ўтган гал денг, шу болагинани фински ҳаммомга орқамни уқалар, деб олиб тушгандим. Нима бўлди, денг. Пархона буғида адашиб қолса бўладими. Мен қолиб бошқа одамнинг орқасини, хи-хи-хи... Қани, пепсикўладан яна битта...

— Барибир шопирга сир бермаслик керак! — эътироз билдирди Голибов қовоғини баттар солиб.— Шопир халқи эл бўлмайди. Олдинги директоримизни ҳам ким сотди? Шопири! Агар мошин хайдашни билганимда давно шопиримни кетига бир тепиб...

Абдулаҳатовнинг нафси ором олди шекилли, сочиқнинг учи билан лаб-лунжи аралаш кўзойнаги тагидан қош-қовоғига артиб чиқди.

— Гапингизга юз фоиз... Энди катикдан ҳам кўрайлик-а? Уҳ-хў! Бу қаймоқ-ку! Ун йил олдин менда ҳам шунақа шопирнинг шайтони бўлганди. «Ол» десам ола қопни кўтариб қочарди. Чайнаб турган сақичингизни оғзингиздан олиб қўйганини билмасдингиз, баччагарнинг! Уҳ-ўх! Энди бу ҳазми — таом-да! Ошгача ошқозон бўшамаса, уялиб... йўқ, бу шопирим шустриймас. Мабодо «Туя кўрдингми?» деб сўрасангиз, «Йўғ-е, тулки эди-ю» деб турадиган хилидан. Шунақа... Шу шопиримни шахсан хотинининг ўзи тавсия этган...

— Ҳм-м... — Голибов зўрлаб илжайди.— Ҳали хотининг қариндоши десангиз-чи? Ана, гап қаёқда...

— А?! — Абдулаҳатов оғзи атрофида ҳосил бўлган «о» ҳарфига ўхшаш қаймоқ юқини артишни ҳам унутиб, бир нафас тик қотди.— Ҳа-ха, тўғри-тўғри... Шопиримиз хотинга қариндош. Қариндош бўлгандаям... Умуман хотин уруғининг ичида менга ёқади-гани фақат шу бола... Бошқа қариндошларнинг ҳаммаси палағда... Ие, ие, ...Ана, паловхон тўра ҳам ташриф буюрдилар-ку! Яшасин!..

Мезбон ҳовури кўтарилиб турган товоқ тўла ошни дастурхонга келтириб қўйди. Абдулаҳатов нима учундир кўзойнагини олди-да, дастурмоли билан обдон артгач, қайтадан бурнининг учига кўндирди. Сўнг билак шимариб, остонага етган мезбоннинг ортидан қичқирди:

— У-ў... ука!.. Тагин бизни шопир бола... ошсиз қолмасин!

Гапни ҳазил тушунган уй эгаси мийиғида қулганча чиқиб кетди.

Голибов ҳаво етишмаётгандек бўйин тагидан бир йўла уч тугмасини бўшатди. Сўнг оҳиста меҳмоннинг ош ейишини кузатди. Абдулаҳатов ҳақиқатан ҳам қаймоқ тановул қилганда еган-ичгани «ҳазми — таом» бўлиб, қорни қайтадан очган — пишқирганча лунжини шишириб қавшанар, товоққа ҳар энгашганда ош тўла кафти нягига етиб бормасданок оғзи ўз-ўзидан ўрадек очилиб кетарди.

Аллақачон ошнинг ўзи томонини ўпириб бўлган Абдулаҳатов директорнинг олди камаймаётганини кўриб, ўзича танбех бермоқчи бўлди. Бирок оғзи банд бўлганлигидан тили унга бўйсунмади:

— Кў-кў-кўр... Бо-бо-бош!

— Нима?! — Голибов таажжубда танг қотди.— Ким «кўрбош»?

Абдулаҳатов ияк қоққанча ютиниб қўл силтади, бармоғидан икки-уч томчи ёғ учиб қаймоқдан бўшаган косага тушди.



АЙЁР ТУЛКИ — ЭГРИҚЎЛ

Бошлиқнинг югурдоғи,
Мисли суянган тоғи,
Мой устида пичоғи,
Айёр тулки — эгриқўл.

Ҳалолликни менсимас,
Оғир ишга уринмас,
Совуқ сувга қўл урмас,
Айёр тулки — эгриқўл.

Қинғир ишга суяк йўқ,
Ташламоққа ияк йўқ,
Чунки эзгу тилак йўқ,
Айёр тулки — эгриқўл.

Бошлиқ-чун «заҳар» ичар,
Елғон сўзга тўн бичар —
Гўёки жондан кечар,
Айёр тулки — эгриқўл.

Имон, виждони — пора,
Нафси учун овора,
Бир кун бўлар юз қора —
Айёр тулки — эгриқўл.

Султон РАСУЛИИ

Тошкент

Цақир-Тиканак

«Бир мақолаларингда «Чувварани хом санашибди», деб ёзибсизлар. Аслида биз аввал чувварани пишириб бўлгандан кейин ўзини эмас пулини санаймиз. Ҳурматли муҳаррир, яхшиликча тузатиш беришингларни сўрайман!»

Унинг ниқобини олиб ташлашди. Минг афсуски, ниқоб остида юзи ҳам йўқ эди...

Абдуазиз ҲОШИМОВ



Феъли кенглик бўлса, ит билан мушук ҳам иноқ бўлиб кетади.

Суратлар Р. Нуримбоевники

— Э-э... Кўрдингми ош, кўтармабош, деяман. Қани, чойдан куйинг, ўх-ўхх. Отам раҳматлик шунақа дерди. Ўзлариям ошнинг ошиғи эдилар. Ҳатто, ошнинг тузини паст қилгани учун катта энамиздан воз кечиб кичкинтойига... Қани, олинг... Ошнинг мойи, мен сизга айтсам, лаганнинг тагида бўлади...

Ғолибов чидолмасдан ўрнидан туриб кетди. Ҳайратланиб қараган Абдулаҳатовга «заҳартанг қилгиси келганини» баҳона қилиб ташқарига йўл олди. Йўлакда чой янгиллаб келаётган уй эгасини тўхтатиб «буйруғини бузиб, олдига одам кўйганлиги учун» ўхшатиб сўқди.

— Ахир меҳмон киши, — ўзини оқлади уй эгаси. — Қандай қилиб мен уни... Бошқа одам бўлса ҳам...

— Э, бундай меҳмонни! — Ғолибов куракда турмайдиган сўз билан сўқинди, ховури пасайиб, ичкарига кирди. Кекирганча товоқ юқини сидириб кош-кўзига суртаётган Абдулаҳатов шоша-пиша кўзойнагини кўндириб, яна унга танбеҳ берган бўлди:

— Кўп чой ичманг-да, директор! Ана ундан кейин безовта қилади. Сигаретдан борми? Тўғри қиласиз чекмай... Ничево, носдан урамиз... Қани, ўтиринг... Сизга бир кичкина илтимос бор...

Ғолибов лабини қаттиқ тишлаб кўрпачага охиста чўқди: «Ишқилиб сўқиб юбормайинда!»

— Илтимос шуки, ие, носвой қаёқда қолди, — Абдулаҳатов бир зумда барча чўнтақларини кавлаб чиқди. — Илтимосим... Иби, нос ҳам эсдан чиқиб... Ҳай, уйди эгаси келса, бобой-собойлардан сўраб топиб келар. Илтимос шуки, Толибжон... Биз бир-биримизга ишимиз тушадиган одамлармиз... Олдинги директорингизга ҳам кўп яхшиликлар қил-

ганмиз... Бемаза, гапни олмади-да! Олганда-ку, бундай қия бўлиб... Кечирасиз, мабодо тарвуз йўқми? Шунақами? Бўлганда ошдан кейин сўйилса... Ҳай, майли. Энди, укам, ўзимни эмас, шопир боланинг илтимоси билан келгандим... Ия, ҳа, нега оғзингизни ёпиб олдингиз? Нима, тишми? Шайтоннинг сувида икки томчи бўлганда таққа тўхтарди-да... Илтимос шулким, Толиббой укам, шопиримизди аёли кўзилаган. Ана шу бачча топган келинчак хотинга ҳам, ўзимизга ҳам қариндош бўлади. Короче, шу келин камдармон. Ҳозирги хотинларни биласиз-ку, ўттизга кирмай ўтин бўлади, қирққа кирмай қиркилади... Хуллас, ука... Туккан хотинга нима керак. Ҳа, шу товук-повук, курка-мурка... Озроқ зигир ёғ. Чўчканики бўлса янаям яхши. Ўтган гал келганимда куён-пуён ҳам кўргандай бўлувдим...

Ғолибов бирдан «ух» деб юборди.

— Хуллас, етти хазина денг! Энди, ўртоқ Абдулаҳатов, унака кўй устида тўрғай тухум қиладиган замонлар ўтиб кетди. Ҳаммасини собик директор оғайнингиз ўзи билан бирга олиб кетган. У ёғини сўрасангиз, ўша сиз айтган етти хазина учун бугун етмиш яшар энамни ижрокўмининг раисига эрга бериб келаяпман! Сиз ҳам ахир бундай тушунинг-да!

— Йўғ-е?! — ревизор кўзойнагини юлқиб олиб, ғилай кўзини чакчайтирди. — Унинг хотини бор эди-ку! Ўзи бизга қариндош... Ҳа-а! Ҳм-м... Ҳай, чойдан кўйинг... Менга-ку бировнинг мўйи ҳам керакмас... Шу шопир болага... Бечора, хафа бўладиган бўлди-да!

Орага оғим жимлик чўқди. Директор узун сўлиш олди. Ревизор хўриллатиб чой хўплади. Ҳовлининг қай бурчидандир хўрознинг чўзиб қичқиргани қулоққа чалинди.

Абдулаҳатов сергак тортиб, директорнинг енгидан ушлади.

— Келинг, шу шопир болани хафа қилманг? Йўлини мана ўзим ўргатаман. Ҳали шу ҳовлида тўрт-беш паррандага кўзим тушувди... Совхозникига қийналсангиз, майли, шу уйнинг эгасига секин-а? Маъқулми? Хўрози шарт эмас. Макиёни ҳам шопир болага бўлаверади. Шундай қилинг, ука! Бир ияк қоқинг, дўстим. Ҳали кўз-кўзга...

Ғолибов ўрнидан илкис кўзгалди.

— Кўйинг-э, Абдулаҳатов! Тўйхонада одам кўп... Уят бўлади! Ҳа, ана, йилнинг охирида келинг. План тўлса, бошқа гап! Энди, узр, жиндак мажлисамиз бор... Шунга... Бошқа пайт... Хайр!..

— Ие, кетаяпсизми? Шош-ш... — Абдулаҳатов, ҳам сакраб ўрнидан кўзгалмоқчи бўлганди, қорни ён томонга оғиб кетиб, ўзини эплотмади, деворга қафт тираб қолди.

— Оббо, шопир бола хафа... Ўв-в, Толибжон! Ҳеч бўлмаса тўйбонга айтинг, тугунча-пугунча ташкил қиб берсин! Хом гўшти бўлмаса, пишганиям... Энди, бизни шопир болани сазаси. Ие, хой, қаёққа кетаяпсиз? Ахир, шопир...

Ғолибов остона хатлаб чиқаркан, бу сафар тишларининг орасидан сирғалиб чиққан сўқишни тутиб қололмади.

— Ҳе, шопирингдиям, энасини...

Эшик тарақлаб ёпилди. Абдулаҳатов деворга суянгача тирговичдек қотди. Хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди. Бир оздан сўнг ташқаридан оёқ товуши эшитилиб, кимдир бош суқди...

— Дада, кетмаймизми, ахир аям...

Бу Абдулаҳатовнинг шопири эди.

Қарши шаҳри



Афанди латифалари

Ўғрилар Афандиникига тушиб, уни кенг ҳовлидаги бир дўнгликда мудраб ўтирганини кўришибди. Уни дарров бошқа ёққа олиб, ерни кавлай кетишибди. Не кўз билан кўришсинки, у ерда қоғозга ўроғлик бир нарса ётган экан. Очиб қарашса, ичидан эшагининг занглаган бир пой тақаси чиқибди.

Жаҳли чиққан ўғрилар Афандини дўппослаб:

— Нега бизни калака қилдинг? — деб сўрашибди.

— Афанди адои тамом бўлибди, уйдан ҳеч вақо чиқмади, деб сўкишларингни билиб шу тақани кўмиб қўйган эдим, — дебди Афанди.

* * *

Афандининг бир умр ифвогарликдан тиниб-тинчимаган қўшниси худога илтижо қилаётган экан:


— Э, тангри-таолло! Нега энди мен бандангни ўзинг яратиб, унга жуда оз умр ато қилдинг?

Буни девор ортидан эшитиб қолган Афанди «бир болайми?» дебди-да, йўғон овоз билан:

— Э, хом сут эмган бандам, шу қисқа умрда ҳам одамларни ит-мушук қилиб ётибсану, узоқ умр берсам бутун Ер куррасини адои-тамом қилиб юборасанми, деб қўрқаман-да, — деб жавоб берибди.

Тўпловчи: **Жўрахон
АВЛИЕХОН**

Андижон



— Мени ҳазилакам жонивор деб ўйламанг, йўлбарслар авлодиданман...


Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмаҳонага туширилди 17.09.91. Босишга рухсат этилди 17.10.91.

Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1.

ТИЛСИМ



ЭНИГА: 3. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 6. Рангли металл. 7. Безак учун ишлатиладиган парранда аъзоси. 10. Ҳосил асоси. 12. Бўёқ мода. 14. Қадимий юк ташиш воситаси. 16. Ўзбекистондаги чўл. 18. XIII аср охири, XIV аср бошларида яшаган, Қуръон мазмунидаги киссаси билан танилган туркигўй адиб. 20. Игна баргли дарахт тури. 23. Қорақалпоғистондаги туман. 26. Тошкент яқинидаги қишлоқ. 28. Сочидаги оромбахш маскан. 29. Бадий ижод соҳаси. 30. Шамсия йили ҳисобидаги ой номи. 31. Достон тўқувчи ва ижро этувчи ижодкор. 32. Нурота тоғларидаги тизма. 33. Ўзбек халқ қахрамонлик асотирларидан бири.

БЎЙИГА: 1. Хижрий йил ҳисобининг биринчи ойи. 2. Наманган вилоятидаги шаҳар. 4. Камёб чўл жонивори. 5. Сўфийлик вакили, ўзбек ғазалнавис шоири. 8. Такдирнома, хужжат. 9. Зарафшон ва Ҳисор тоғларида ўсувчи шифобахш пиёз. 11. Низомий бошлаб берган достоннавислик усули. 13. Тошкентнинг қадимий дарвозаси. 15. Лоладошларга мансуб манзарали ўсимлик. 17. Ўралиб ҳаракатланувчи кучли шамол. 19. Вояга етган от. 21. Миллий бош кийим. 22. Қишлоқ хўжалиги тармоғи. 24. Яшил тусли қимматбаҳо тош. 25. Қосиб-хунарманд. 26. Яқинлик, ҳамкорлик. 27. Еғоч дастали урма асбоб.

Тузувчи: **ФОЗИЛЖОН ОРИПОВ**

10 -СОНДАГИ ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Молия. 6. Ковул. 10. Новвойлик. 13. Архар. 16. Доира. 17. Қиракаш. 18. Намоён. 19. Мусика. 23. Шарофат. 24. Армон. 25. Питра. 29. Қорасарой. 31. Макка. 32. Зобит.


БЎЙИГА: 2. Симоб. 3. Коший. 7. Кўприк. 8. Доллар. 9. Айриш. 11. Ғаллаорол. 12. Қорақамиш. 14. Кимёгар. 15. Кабутар. 20. Чўртан. 21. Ҳодиса. 22. Паргар. 26. Сояки. 27. Товон.

ЕЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Морхўр. 4. Қувайт. 28. Савсан. 30. Парфия.



Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 58341. Бунуртма 5950 А—137. Ваҳоси 90 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитет нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000, Тошкент—П, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.



Бешикчи уста.



Чоллар гурунги.



Бурчмулла ўрмон хўжалиги директори
Абдулкаримхожи Абдужамил ўғли.

Сураткаш Р. Нуринбоев



Бозор.

Баҳоси 90 тийин.
Индекс 75233



Угам водийси.

Сураткаш Р. Нурибоев